- 1) микротуман (кичик туман аҳолисини, яшаш уйлари ва алоҳида уйлари) аҳолисига хизмат кўрсатувчи;
- 2) туман (яшайдиган аҳолисига ёки туман ишлаб чиқариш корхоналари) аҳолисига хизмат қилувчи;
- 3) туманлараро хизмат қилувчи;
- 4) умумشاҳар (шаҳарни ёки посёлкани ҳамма аҳолисини) ҳудудига хизмат қилувчи спорт иншоотлари.

Фойдаланиш ҳолати ва махсус белгиланишига кўра қурилган спорт иншоотлари қуидагилар:

- а) ўқув-спорт, яъни фақат ўқув-машғулот жараёни учун мўлжалланган;
- б) намойиш этиш учун, яъни мусобақаларни томошабин иштироқида ўтказишга мўлжалланган;
- в) аҳолининг фаол дам олиши учун мўлжалланган (буларга сайлгоҳлар, тоғлардаги дам олиш базалари кириб, уларда аҳоли билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари олиб борилади);
- г) махсуслаштирилган спорт иншоотлари (булар даволаш-соғломлаштириш ва болалар билан спорт машғулотлари ўтказиш учун мўлжалланган иншоотлардир).

Ҳар бир спорт иншооти таркибан З бўлинмадан тузилган. Муҳим қисми асосий иншоот бўлиб, бу – жисмоний тарбия ва спорт амалий машғулотлари учун мўлжалланган иншоотдир. Масалан, баскетбол учун ўйин майдони,

хоккей учун музли текислик, сузиш учун сув ҳавзаси, спорт ядроси ва бошқалар.

Қолған иккита бўлим – ёрдамчи ва томошабин учун иншоотлардир. Агар спорт иншооти фақат ўқув машғулоти учун мўлжалланган бўлса, у ерда томошабин учун маҳсус жиҳозлар бўлмаслиги керак.

Ёрдамчи спорт иншооти – шуғулланувчи ва мусобақа қатнашчиларига хизмат қиласи. Бу иншоотларга гардероб, ечиниш-кийиниш хонаси, душ, уқалаш хонаси, услубчилар хонаси, мураббийлар хонаси, тиббиёт ходимлари хонаси, ҳакамлар хонаси, спортчилар учун юваниш хоналари ва бошқалар киради.

Ёрдамчи иншоотлар таркибига яна асосий спорт иншоотининг ишлатилишини таъминловчи хоналар: маъмурий, хўжалик (жиҳозлар сақланадиган ҳужрахона) ва техник муҳандиси хизматчи хоналари, сув иситиш ва электр таъминоти, ахборот ва хисботга олиш, радио ва телевидение, телефон алоқалари, сувни тозалаш-дезинфекция, музлатиш ва бошқалар киради.

Томошабин учун иншоот – бунга трибуналар (ўрнатилган ёки қўзғатилиши мумкин бўлган), скамейкалар, стуллар, асосий иншоот олдида туриш учун жойлар (спорт ядроси, бассейн, майдон) ва хизмат қўрсатиш хоналари (павильонлар, фойе, буфетлар, қаҳвахона, тиббий хизмат хонаси ва бошқалар) киради.

Бир типли спорт иншоотлари ўзининг катталиги билан табақаларга бўлинади. Спорт иншоотларининг олтита табақаси белгиланиб, улар қуйидаги қўрсаткичлар билан аниқланади:

1. трибунадаги жойларнинг сони ва очик спорт майдонларининг сони (стадионлар);
2. ҳовузларнинг кенглиги ва сони;
3. трибуналардаги ўтириш жойларининг сони, сунъий равишда музлатилган муз жойларининг сони (спорт саройлари);
4. очик ва ёпиқ тиpdаги спорт иншоотлари сони ва спортчилар учун яшаш хонасининг сони (ўқув-спорт базалари);
5. чанғилар сони (chanfi базаларида);
6. масофали механизация билан таъминланган жиҳозланган тирларнинг мавжудлиги (ўқ отиш жойи);
7. айлана шаклидаги ошиш учун деворлар ва зовурлар (траншеялар) сони (ўқ отиш-овчилик деворлари);
8. катта кемалар сони (эшкак эшиш базалари, яхтклублар ва сув-мотор базалари);
9. алоҳида иншоотлар сони (комплекс майдонларда);
10. трамплин катталиги, ҳисобланган сакраш узунлиги (chanfi трамплинларида);
11. алоҳида спорт залларининг таркибий сони.



1-расм. Рио-де-Жанейро. Маракана стадиони

Тоифаларга (категорияга) кирмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Булар қаторига Жанубий Америкадаги энг йирик футбол стадионлардан бири – Маракана стадиони, 1950 йилда қурилған. Архитекторлар П.П.Б. Бастус, А.А. Диас Карнейру ва бошқалар томонидан лойихалаштирилған (1-расм). Москвадаги йирик спорт комплекси Марказий стадион, Олмаңта яқинидаги юқори тоғ чүққисида жойлашған музлик Медео стадиони, Москвадаги сув спорти Саройи, Киев, Санк-Петербург, Минск ва бошқа шаҳарлардаги Спорт саройлари киради. Ўзбекистонда Тошкентдаги Паҳтакор стадиони шулар жумласидан (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳридаги “Пахтакор” стадиони макети

Спорт иншоотларининг тоифалари жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари тасдиқланган қўрсаткичларига мос равишда белгиланади. I ва II тоифаларни республика спорт қўмиталари, қолганларини вилоят ва туман қўмиталари белгилайди.

Республикамизда ҳозирда халқаро стандарт миқъёсидаги спорт иншоотлари жуда кўп қурилмоқда. Кўпгина спорт иншоотлари фақатгина шаҳарларда қурилибгина қолмасдан, балки туман ва вилоят марказлари ва қишлоқларда қурилмоқда. Одамларни оммавий жисмоний тарбия ва даволаш марказларига жамлаб, ёшларни ишга ва Ватан ҳимоясига тайёрламоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент, Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган қатор спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги «Юнусобод», «Жар», Миллий банк, Наманган шаҳрида «Паҳлавон», Жиззах шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар шулар жумласидандир. 2000 йилга келиб мамлакатимизда спорт иншоотлар сони 7407 тага етди ёки 1992 йилдагига нисбатан 19 фоизга кўпайди. Уларни бунёд этишда, айниқса, мураккаб спорт иншоотлари – стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт залларига алоҳида эътибор бериляпти. 2003 йилда 1991

йилга нисбатан стадионлар сони 120 тага ёки 64 фоизга, спорт заллари 1307 тага ёки 29 фоизга, сузиш ҳавзалари 162 тага ёки 142 фоизга ошди. Бундан ташқари, футбол майдонлари сони 1140 тага ёки 20 фоизга, теннис кортлари эса, 475 тага ёки қарийб 3 баробарга кўпайди. Асосийси, янгидан барпо этилган ёки реконструкция йўли билан қайта тикланган барча спорт соғломлаштириш масканлари замонавий лойиҳалар, шарқона услугуб ва юқори самарадорлик асосида ташкил этилаётгани, барча спорт турлари бўйича техник малакаларни эгаллаш имконини берувчи воситалар билан жиҳозланаётгани таҳсинга лойикдир.

Спорт иншоотлари республикамизнинг энг узоқ бурчакларида ҳам бор. Лекин энг қўпи ва йириклари ватанимиз пойтахти Тошкентдадир. Тошкентдаги марказий “Пахтакор” стадиони 1956 йили қурилиб 55000 томошабинни сиғдиради. Унда енгил атлетика мусобақалари ўтказиш учун жой, катта майдон (футбол майдони), кичик майдон мавжуд, бокс ва қиличбозлик заллари ҳам бор. Футбол майдони чим қоплама билан қопланган.

Стадионда стандарт талабларига жавоб берадиган ҳамма ёрдамчи иншоотлар ҳам мавжуд.

“Меҳнат резервлари” спорт комплексида югуриш йўлаклари ва енгил атлетика секторлари бор, стадионга 18000 томошабин сиғади. Стадионда мусобақа ўтказиш учун синтетик қопламали жойлар мавжуд. Волейбол ва баскетбол мусобақалари ўтказилади. Комплексда намойиш заллари, бокс, эркин ва классик кураш учун ҳам заллар мавжуд. Оғир атлетика учун 2 та зал бор. Иккита сузиш ҳавзаси бўлиб, унда биттаси ёпиқ 25 метрли йўлакчали, иккинчиси 50 метрли очиқда жойлашган бўлиб, сув иситиш тармоғи билан боғланган. Бу ерда яна ўқ отиш мусобақалари ўтказса бўладиган ихтиёрий катталикдаги ўқ отиш жойи бўлиб, замонавий тиббийтикланиш маркази мавжуд. Комплексда юз ўринли меҳмонхона ҳам бор.

Яна бир асосий спорт комплексларидан бири “Юнусобод” теннис корти бўлиб, у территория жиҳатидан ўртача комплекс ҳисобланади. У ўқув – шуғулланиш, спорт томошалари ва аҳолига ҳар хил майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан иборатдир. Унинг умумий майдони 3 гектарга тенг. Спорт комплекси ўз ўзини мустақил қоплаш ҳисобидаги бирлашма бўлиб, у 1994 йил 28 майда фойдаланишга топширилган. Иншоотда очиқ ва ёпиқ спорт обьектлари бўлиб, бинодан ташқарида жойлашган 8 та очиқ, бинода жойлашган 2 та ёпиқ кортдан иборат. Комплексда гимнастика атлетикасига ва шейпингта мўлжалланган заллар мавжуд.



3-расм. Юнус-Обод спорт комплекси

Спорт комплекс режасига киритилган 120 ўринли ошхона, магазин, гўзаллик салони бўлиб, бунда 50 хилга яқин майший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Комплексда “Сауна”, уқалаш, сув муолажалари, стоматология, овоз ёзиш хоналари ва автомашиналар турар жойлари бор. Марказий бинода шаҳар меҳмонлари учун меҳмонхона ишлаб турибди. Комплекснинг диққатга сазовор томони – бу теннис кортлари. Унда 4 та халқаро стандартга жавоб берадиган корт бўлиб, 40 x 20 метр ўлчамга эгадир. Қолган 4 таси шуғулланиш учун мўлжалланган. Марказий корт 3000 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Бино ичидаги кортлар 132 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Комплексда барча ёрдамчи спорт иншоотлари мавжуд (3-расм).



4-расм. Юнус-Обод теннис иншооти олди томондан қўриниши

Назорат саволлари

- 1.** Спорт иншооти деб нимага айтилади ?
- 2.** Шуғулланувчиларнинг ёшига ва жисмоний имкониятларига қараб спорт иншоотлари қандай гурӯҳларга бўлиш мумкин ?
- 3.** Тренировка структураси бўйича спорт иншоотлари қандай гурӯҳларга бўлинади ?
- 4.** Асосий иншоот (ёрдамчи, томошабинлар учун иншоот) нимадан ташкил топган ?
- 5.** Алоҳида (комплекс) иншоот қандай машсадлар учун мўлжалланган?

Мустақил ўрганиш учун мавзулар

- 1.** Ўзбекистоннинг замонавий спорт иншоотлари
- 2.** Тошкент шаҳри замонавий спорт иншоотлари
- 3.** Ҳаракатланиш имкониятлари чекланган инсонлар учун спорт иншоотлари
- 4.** Болалар спортини ривожлантиришда спорт иншоотларининг роли
- 5.** Оммавий жисмоний тарбияни ривожлантиришда спорт иншоотларининг роли
- 6.** Оммавий жисмоний тарбия машғулотлари учун энг оддий спорт иншоотлари

Адабиётлар

1. Указ Президента Республики Узбекистан УП № 3154 “О создании Фонда развития детского спорта Узбекистана”.
2. “Здоровое поколение – основа развития Узбекистана”. Речь Президента Республики Узбекистан на IX сессии Олий Мажлиса от 24 июня 2002 г.
3. Гагин Ю.А. Спортивные сооружения. М., 1976.
4. Каталог спортивного инвентаря и оборудования для оснащения детских спортивных сооружений. Т., Узбекистан, 2006.
5. Коненко И., Малахов Г. М. Спортивные сооружения. Краткий справочник. Профиздат. 1960.
6. Легкая атлетика и правила соревнования, М., ФиС, 1984.
7. Мирзақулов Ш.А., Азизов Н., Нуршин Ж.М. Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. Т., 1993.
8. Николеенко А.В. Спортивные сооружения. Справочник для факультета физкультуры пединститута. М., Просвещение, 1976.
9. Паликарпов А. Спортивные сооружения. М., ФиС, 1972.
10. М.С.Ходжаев, А.А.Толаметов, А.М.Нурмухамедов, Ж.Х.Умаров. Спорт иншоотлари. / Ўқув қулланма. Тошкент. 2007 й. 96 б.

Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1. Фаннинг мақсади ва вазифалари.

Спорт иншоотлари – спорт турлари бўйича ўқув-тренировка жараёнини ва спорт мусобақаларини ўтказилишини таъминлайдиган махсус қурилган ва мос қурилмалар билан жиҳозланган очик ёки ёпик турдаги иншоотлардир.

Мустақилликка эришиш туфайли Республикаизда таълим тизимиға ҳамда янги мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси спорт базаларининг кенгайиши янги спорт иншоотлари қуриш ҳисобига ҳам, ишлаб турган спорт комплекслари ва стадионларни қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ҳисобига ҳам амалга оширилмоқда.

Илмий ва статистик тадқиқотлар спорт билан шуғулланмайдиган шахсларга нисбатан фаол ва мунтазам равишда спорт билан шуғулланувчилар тез чарчаш билан 1,5 марта камроқ изтироб чекадилар, овқат ҳазм қўлиш органлари касалликлари билан 2 марта кам, гипертоник касалликлар билан 2,5 марта кам, сурункали тонзиллит билан 3,5 марта кам, грипп билан 2 марта кам оғрийдилар. Бунинг натижаси сифапида спорт билан фаол шуғулланувчилар соғ-саломатлик ҳолати (хасталик) бўйича ишга келмаслиги 2,3 марта кам содир бўлади.


Тақдимот № 2. Спорт иншоотлари фанининг максади.

Спорт иншоотлари ҳақида керакли назарий билимларни әгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш маҳоратини ўрганиш;

Спорт иншоотларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни билиш, ҳал этишга тайёр туриш, ижодий фаолият тажрибасини шакллантириш;

Юқори меҳнат маданиятини тарбиялаш, жамоат меҳнати натижасида бунёд этилган бойликларга тўғри муносабатда бўлиш.


Тақдимот № 3 Спорт иншоотлари ҳақида тушунча




Тақдимот № 4 Спорт иншоотларининг вазифалари

Тақдимот № 5. Спорт инишоотлари гурухи


Ахоли турли гурухларининг ёши ва имкониятларига боғлиқ ҳолда спорт инишоотлариниң қуйидаги гурухларга бўлиш мумкин



Тақдимот № 6. Режалаштириш структураси бўйича спорт ишоотлари



Тақдимот № 7. Спорт иншоотларнинг синфланиши



Маъруза №2

Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси

№2 мавзуу

Қадимги дунё, Ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот. Мустақил Ўзбекистондаги янги спорт иншоотлари ҳақида маълумот.

Ўқув
машғулот
шакли

Режа

1. Қадимги дунё спорт иншоотлари
2. Ўрта асрлар спорт иншоотлари
3. Янги ва энг янги давр спорт иншоотлари

Ўқув машғулот мақсади: инсоният тарихида спорт иншоотларини ривожлантиши тўғрисида яхлит тасаввурни шакллантириш

Ўқитувчи вазифалари:

- Спорт иншоотларини вужудга келиш тархи билан таништириш.
- Қадимги дунёда спорт иншоотларини ривожланиш даврларини қисқача тавсифлаш
- Ўрта асрларда жисмоний тарбияни ва, унга мослашган ҳолда, спорт иншоотларининг ривожланиш даражасини пасайиш сабабини тушунтириш
- Янги даврда спорт иншоотларнинг ривожланиш эволюциясини ҳамда янги ва энг янги даврда олимпия иншоотларини ривожланишини тавсифлаш

Ўқитиши воситалари:
Ўқитиши шакли
Ўқитиши шарт-шароитлари

Таништирув маърузаси

Ўқув фаолияти натижаси:

- Талаба қўйидагиларни билиши керак:
- Спорт иншоотларини пайдо бўлиш тархи
- Қадимги дунё асрларида спорт иншоотларини ривожланиш даврларини санаб бериш
- «Палестр», «камфитеатр», «терма» тушунчаларига таъриф бериш
- Антик дунёнинг уч даврига тааллуқли бўлган стадионларни айтиб ўтиш
- янги ва энг янги даврда олимпия иншоотларини ривожланиш эволюциясини тавсифлаш

Ўқув қўланмалари, слайдлар
Фронтал ишлаш
Талабалар гуруҳи билан ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб машғулот ўтказиш учун аудитория

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқич, вақт	Фаолият	
	ўқитувчи	талабалар
1 босқич. Kirish (10 дақиқа)	1.1. Мавзуни, мақсадни, ўқув машғулотдан кутилаётган натижани, режа ва уни ўтказиш хусусиятларини эълон қилади.	Эшитадилар, қайд этиб борадилар
2 босқич. Билимларни мустаҳкамлаш (55 дақиқа)	2.1. «Спорт иншоотлари» тушунчасига таъриф беришни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт иншоотларининг муаммоларини ва аҳамиятини тавсифлашни таклиф этади. Тезкор – сўров амалга оширади	2.1 Спорт иншоотлари тушунчасига таъриф берадилар. 2.2 Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги спорт иншоот ларини қисқача тасифлайди 2.3. Спорт иншоотлари муаммоларига нисбатан ўз тасаввур ва фикрларини баён қилади
3 босқич Якуний (15 дақиқа)	3.1. Бажарилган ишларга якун ясади, талабаларга баҳо қўяди 3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: таклиф этилган мавзулардан бири бўйича маъруза тайёrlайди	3.1 Тинглайдилар, топшириқни ёзиболадилар.

Маъруза _2: Қадимги дунё, Ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот. Мустақил Ўзбекистондаги Янги спорт иншоотлари ҳақида маълумот.

Маъруза режаси:

1. Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот
2. Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот
3. Янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот

Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот

Жисмоний тарбия ва спортнинг тарихий илдизлари қадимдан маълум. Археологик қазилмалар натижасида спорт билан шуғулланиш тош асрида ҳам бўлганлиги аниқланган. Бунга асос бўлиб тарихий қазилмаларда спорт қурилишлари топилганлиги хизмат қиласи (Хиндистон, Арабистон, Ўрта Осиё ва Жанубий Америка). Қадими замондан одамлар жисмоний тарбияни ахамиятини яхши тушунишган.

Жисмоний тарбия ва спорт соғлиқни мустахкамловчи меҳнаткашларнинг иш қобилиятини оширувчи ишлаб чиқариш кучини ривожлантирувчи асосий мухим манбадир.

Тарихдан маълумки, қадими Грецияда спорт мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақаларни ўтказиш учун ҳар бир шаҳарда спорт иншоотлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар ҳам буни исботлаб берган. Масалан, Эгей денгизи соҳилларида Крит оролининг Микен шаҳри қазилмаларида ҳар хил ўйинлар, машқлар ва тортишувлар тасвирлари ифода этилган. Жисмоний машқлар жангчиларни харбий-жисмоний тайёрлаш учун қўллаганлар. Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» поэмаларида оммавий югуриш, кураш, муштлашиш, диск улоқтириш, камондан ўқ отиш, аравада пойгалашиш (эр. олдинги XII-IX аср) батафсил ёритиб берилган.

Юнон стадионининг аренаси тўғри тўртбурчакли шаклда бўлиб, узунлиги 200 м бўлган.

Олимпиядаги қадими стадионда томошабинлар табиий Кронос тоғининг табиий жанубий қиялигидан жой олиб, стадион аренаси эса тоғ ёнбағридаги кенглиқда бўлган.. Арева атрофларида тупроқдан тепаликлар барпо этилиб, уларда ҳам тамошабинлар жойлашганлар. Бу трибуналар тахминан 40000 кишилик сиғимга эга бўлган.


Кейинчалик Дельф (эрамизгача V асрнинг иккинчи ярмида), Афина (эрамизгача IV асрнинг иккинчи ярмида), Эпидавр (эрамизгача IV асрнинг биринчи ярмида) ва бошқа шаҳарларда ҳам бундай стадионлар бунёд этилди.

Олимпиада ўйинлари – қадими Грек жисмоний маданияти ривожланишини ахамиятли тарафи хисобланади. Ўйинлар хар 4 йилда

мунтазам равишда **Олимпия** шаҳрида (1-расм) ўтказилган маълумотларга кўра бу байрамнинг бошланиши эр. аввалги 776 йил бошларига тўғри келади.

Эрамиздан аввалги VII асрда Олимпия шаҳрида жойлашган Гера обидасида Олимпия машъаласи ёқилган ва бронздан ясалган Ифит диски сақланган. Дискда олимпия ўйинларининг қонун ва қоидалари ёзилган эди.

Умумгрек олимпиада ўйинлари қарорида Грециянинг кўпгина шаҳарларида кичик миқёсидаги, лекин давлат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий тарафдан катта ахамиятга эга бўлган ўйинлар ўтказилиб турилган. Грециянинг бир қатор шаҳарларида ва районларида қазилмалар натижасида ўйинлар учун мўлжалланган кўпгина иншоотлар ва стадион қолдиқлари топилган.



1-расм. Грециядаги қадимиј Олимпия шаҳрининг қўриниши

Қадимиј стадионлар уч даврга бўлинган:

1. Элленик
2. Элленистик
3. Қадимиј Рим давридаги стадионлар

Элленик давр. Мустақил давлатлар ҳисобланган қадимиј Греция шаҳарлари фан, маданият ва спорт соҳаларида бошқа давлатлар билан доим рақобатлашганлар. Яхши қўшничилик ва дўстлик мусобақалари руҳи, қадимиј Грецияда жисмоний маданият ва спорт ривожига катта таъсир қўрсатади. Греция стадионлари меъморий шакллари, кенглиги ва ландшафнинг гармоник мослиги билан ажралиб туради. Элленик давр стадионлари давлат ижтимоий ҳаётида етакчи рол ўйнаган. Бу даврдаги стадионлар ўриндиқсиз қурилган.

Элленистик давр. Элленистик даврдаги стадионлар оммавий ҳаётда катта ахамиятга эга бўлган. Ундан ташқари улар шаҳар ахолиси учун томоша кўрсатадиган иншоотга айланади. Стадион трибуналари унча кўп бўлмаса ҳам фақат шаҳар ахолисига мўлжалланган эди. Масалан: 1000000 аҳоли яшайдиган Милет шаҳридаги стадион шу шаҳар ичига қурилган.



**2-расм. Эрамиздан аввалги 7 асрдаги Гера номидаги обида
(узунлиги 50 метр, эни 18,7 метр).**



**3-расм. Олимпия машъаласини ёқиши тантанаси. Греция, Олимпия
Қадимий Рим даври.** Кўпгина стадионлар ва спорт иншоотлар Рим империясининг шаклланаётган вақтига тўғри келади (эрамизнинг боши). Бу вактда элленик даври стадионларининг кўпгинаси қайта курилди. Эрамизнинг иккинчи асрида Афина ва Делфадаги стадионларни қайта куришга тўғри келди. Мусобақа қатнашувчилари сонининг ортиши туфайли стадионлар

майдони кенгайтирилди ва томошабинлар учун мармар трибуналар-үриндиқлар ўрнатилди. Қадимги Рим давридаги стадионларнинг трибуналари кўришга қулай бўлишини таъминлаш учун яrim ой шаклида қурилган. Бу даврдаги стадионлар меъморчилик томонидан тўла-тугалланган объектларга айланади. Эрамиздан олдинги биринчи асрда Қадимги Рим иншооти бўлмиш амфитеатр шаклана бошлади. Амфитеатр ўз навбатида замонавий спорт ареналарининг қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амфитеатр (юнончадан Amphitheatron – икки томонлама томоша) оммавий томошалар: театр спектакллари кўрсатиладиган Қадимги Рим монументал биноси ҳисобланади. Амфитеатр – ўртасидаги майдони эллипс шаклида қурилган ва томошабинлар учун мўлжалланган спорт аренаси қатор-қатор ўриндиқлари пастдан юқорига зина шаклида кўтарилиб борган. Бу амфитеатрлар Помпей шаҳрида милоддан аввалги 70-йилларда қурилган бўлиб ўз ичига 15000 томошабинни олган.

Бутун дунёга машҳур бўлган Римдаги Коллизей милоддан олдинги 125 йилда қурилган бўлиб 50000 томошабинларга мўлжалланган. Коллизей аввал уч ярусадан иборат бўлиб, тўртинчи яруси эрамизни иккинчи асида тўла битказилган. Аввал Коллизейда ҳайвонлар, кейинчалик эса гладиаторлар жанги бўлиб ўтган. Бу ерда трибуна остида жуда кўп сонли хоналар бўлган. Ундан ташқари аrena остида ҳайвонлар учун қафаслар ва бошқа хоналар жойлашган. Коллизейдан 1 км узоқликда қуллар қишлоғи жойлашган бўлиб, у стадион аренасигача ер ости йўли билан туташган. Коллизей устига брезент қоплама тортилган бўлиб, у ёпиқ стадионга айлантирилган деб тахмин қилинади (4-расм).

Коллизейга ўхшаган стадионлар Римнинг ҳар бир йирик шаҳарларида бўлган. Аравада пойгага мўлжалланган гипподром деб номланган йирик Циркус Максимус иншооти алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу иншоот ўз трибунасига 250000 ча томошабинни сифдирган.

Қадимги Римда терм (ҳаммом) иншоотига катта эътибор берилган. Бу сузиш, чўмилиш учун мўлжалланган йирик сув ҳавзаси бўлиб, эрамизнинг I асри ва II асри оралиғида қурилган. Энг йирик ва машҳур Диоклентана ва Каракалла терми тахминан $120000\ m^2$ майдонда жойлашган бўлиб, узунлиги 337 метр, эни 338 метрни, деворларининг қалинлиги 6 метрни ташкил қилган. Бу термларга бир вақтнинг ўзида 3000 одам сифиб, улар чўмилиш, парланиш, уқалаш, душ, ванна қабул қилиш, сув ҳавзасида (совуқ, илиқ, иссиқ) сузиш каби муолажаларни олиш мумкин бўлган.



а) Олди томондан қўриниши



б) ички томондан қўриниши

4-расм. Римдаги Коллизей харобалари

Рим термлари ўзининг ажойиб безак ва ускуналари билан ажралиб туради. Бино деворларни безаш учун қимматбаҳо мармар ишлатилган. Рим яна сув қувурлари ва иситгичлар билан жиҳозланган. Қадимий Рим шаҳри сув қувурлари ва иситкичлар билан ҳам машҳур бўлган.

Римда эрамизнинг IV асридан бошлаб христиан дини давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кириб келди. Уч минг аҳолини йиғувчи Рим томошаларига қарши черков фаол қураш олиб борди. Аста-секин миллий маданиятнинг пасайиши бошланди, шу билан бирга жисмоний тарбия ҳам

пасайди. Одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланишини инкор этувчи христиан динининг тарқалиши қадимги оламга мансуб қўпгина йирик спорт иншоотларининг қонунсиз емирилишига сабаб бўлди. Айримлари эса черковга айлантирилган.

Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот

Ўрта асрни бошланиши жисмоний тарбияни бутунлай пасайиб кетиши билан тавсифланади. Бунга сабабчи бўлиб аввалом бор христиан динидир. Христиан дини бўйича одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланишини инкор этилган. Давлат дини бўлиши билан жуда қўп стадионлар ва спорт иншоотлари қонунсиз емирилишига сабаб бўлди.

Лекин X-XI асрларда секин аста спорт ўйинлари ва машқлар ривожлана бошлади. Бунга XI асрда бошланган Шарқнинг савдо истилоси, борди-келди юришлар ва рицарликнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Юришдан бўшаган вақтларда рицарлар асосан ҳарбий машқлар бажаардилар ва турнирларда қатнашардилар. Рицарларнинг алоҳида қоиидага эга бўлган турли ўйинлари сарой ҳовлиларида ўтказилган. Ўрта асрда жисмоний машқларнинг ўргатилишидан асосий мақсад-рицарларни урушга, жангга тайёрлаш эди.

Ривожланган феодал жамиятда (X-XI асрларда) синфий кураш таъсири остида халқ жисмоний маданияти (шахарликлар ва деҳқонлар) ва устун турувчи синф жисмоний маданияти (феодаллар, рицарлар) шаклланади. XV-XVI асрларда тўп ўйинлари пайдо бўлди. Ўйинлар учун майдонча ва жойлар, шахарликлар учун сайиргоҳларда, зиёлиларга хиёбонларда ҳар-хил томоша шаҳобчалари курилди. Буларга: Римдаги Вилла Монтално (XVI) сузиш ҳавзасини, Флоренциядаги Боболи боғи амфитеатрини (XVII) мисол қилиш мумкин. Европанинг баъзи мамлакатларида найзабозлар ва тўп ўйинлари учун заллар, камонда ўқ отиш учун майдон ва майдончалар қурилиши олиб борилди. Ўрта Осиёда ҳам спорт ўйинлари ривожланган. Бу ўйинларга чавандозлик, камондан отиш, кураш, қўпкари, қиличбозлик ва бошқалар спорт турларини мисол қилиш мумкин.

Ўрта асрнинг охири – бу феодал тузумининг емирилиб, буржуазия маданиятининг туғилиши давридир.

Янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот

Буржуазия тузуми Европа мамлакатлари иқтисодиётини ўз қўлига олиб, сиёсий ҳукумронликни эгаллаган эди. Капиталистик ишлаб чиқариши жадал ривожланаётган мамлакатларнинг йирик спорт иншоотларини яратишга имконияти бўлган. Шундайлардан 1806-1807 йил қурилган катта Милан спорт аренасидир. XIX аср ўрталарида Европада катта спорт залларга эга бўлган бинолар (вокзаллар, универсал магазинлар ва бошқалар) қурилган. Спорт заллари ва майдонлари пайдо бўлди. Бирок Европанинг

турли мамлакатларида оммавий спорт иншоотларини қурилиши спорт жамиятлари, клублари, ўртасида алоқа ўрнатилган, турли мамлакатлар билан спорт алоқалари ривожланган ҳамда олимпия ўйинлари ўтказила бошланган даврда, яъни XIX аср охирларида бошланди. Бу даврда стадионлар, спорт залларигина эмас, балки велотреклар, трамплинлар, қишки ва сув спорт турлари учун ҳам иншоотлар қурилган. Олимпия спорт иншоотларини ўрганишда, уларга қўйилган асосий технологик талабларни тушуниб, давр ўтган сайин турли мамлакатлардаги спорт иншоотларининг қурилиши ривожланиб ўсганини тушунамиз.

Кўйида янги давр Олимпия иншоотларига қисқача маълумот берамиз.

I Олимпиада ўйинлари (1896 й.) Грециянинг Афина шаҳрида бўлди. Олимпиада бошланишигача қадимги Афина стадиони қайта шаклланган. Бироқ стадионда футбол майдони бўлмаган. Асосан стадион ареналарида гимнастика, енгил атлетика мусобақалари (100, 400, 800 ва 1500 м га югуриш, 110 м га тўсиқлар оша югуриш, сакраш, диск улоқтириш) ўтказилган.

II Олимпиада ўйинлари (1900 й.) Франциянинг Париждаги Булон ўрмонида бўлди. II Олимпиада очилишига ҳеч қандай маҳсус спорт иншооти қурилмаган.

Булон ўрмони текислигига фақатгина 313 м узунликка югуриш йўлакчалари белгиланган бўлиб. диск улоқтириш шу ўрмоннинг бошқа майдончасида бажарилган. Ҳозир у эсадалик сифатида темир бетон тўсиқ билан тўсилган.

III Олимпиада ўйинлари Американинг Сент-Луис шаҳрида (1904 й.) бўлди. Сент-Луисда ҳам ҳеч қандай маҳсус спорт иншооти қурилмаган.

IV Олимпиада ўйинлари (1908 й.) Англиянинг Лондон шаҳрида бўлган. Лондон стадиони бизнинг эрамизнинг биринчи олимпиада стадиони ҳисобланиб, унинг трибунасига 70000 томошабин сифган. Стадионда футбол майдони, югуриш йўлакчasi, велотрек, сув ҳавзаси бўлган.



5-расм. Антверпен стадиони, Бельгия

V Олимпиада ўйинлари (1912 й.) Швециянинг Стокгольм шахрида бўлган. Стокгольмда жуда қулай стадион қурилиб, то бизнинг кунгача сақланиб қолган. Унда футбол майдони ва югуриш йўлакчаси бўлган. Югуриш йўлаги грунтли ер қоплама бўлиб, старт ва финиш чизигидан ташқари ҳеч қандай белги бўлмаган. Стадион аренаси чим ўтли қопламадан иборат бўлган. Ядро улоқтириш жойи тупроқли бўлиб, спортчи тушадиган жойи чим ўтли қоплама бўлган. Таёқча билан юқорига сакраб тушадиган чуқурлик қипик билан тўлдирилган. Сакраш учун қўлланиладиган таёқча бамбуқдан ясалган.

VI Олимпиада ўйинлари (1916 й.) Германиянинг Берлин шахрида бўлиши керак эди. Биринчи империалистик уруш туфайли навбатдаги олимпиада бўлмаган. Аммо немислар Грюневалдега стадион қурганлар. Стадиондаги футбол майдони 120 м x 70 м, югуриш йўлаги 600 метр, мототрек эса 660 метрни ташкил қилган. Стадион жуда ноқулай бўлганлиги сабабли, кейинчалик кайта таъмирланган.

VII Олимпиада ўйинлари (1920 йил) Бельгиянинг Антверпен шахрида бўлган. Антверпен стадионининг узун ёй шаклидаги трибуналари ўзига 60000 томошабинни сифдирган (5-расм). Трибунанинг ғарбий қисмида томошабинни ёмғирдан ҳимоя қилувчи мослама бўлган.

VIII Олимпиада ўйинлари (1924 йил) Франциянинг Париж шахрида бўлган. Олимпиада учун “Коломб” стадиони қурилган. Стадионда 450 метрли югуриш йўлаги бўлиб, бу спортчилар учун ноқулай бўлган. Шу сабабли бошқа фойдаланилмаган. “Коломб” стадиони йирик спорт комплекси бўлиб, унда асосий спорт майдони, сузиш ҳавзаси, теннис корти, ҳар хил машқ қилиш ва ёрдамчи спорт иншоотлари бўлган.

IX Олимпиада ўйинлари (1928 йил) Голландиянинг Амстердам шахрида бўлган. Амстердам стадионида асосий бош аренадан ташқари футбол майдони ва 7000 ўринли теннис корти, 50мх18 метрли сузиш ҳавзаси ва ҳар хил спорт билан шуғулланиш учун майдончалар бўлган. Асосий спорт майдони ёнида кураш, гимнастика, қиличбозлик ва бокс учун спорт заллари жойлашган. Стадион ҳудудида енгил автомашиналар ва велосипедлар учун туриш жойи ҳам бўлган. Асосий спорт аренаси трибунасига олдинига 40000 томошабин сифиб, ундан 16000 нафари туриб томоша қилган. Кейинчалик трибуунадаги ўтириш жойлари 60000 га етган. Трибуна ости бўшлиғига ёрдамчи спорт иншоотлари жойлаширилган.

X Олимпиада ўйинлари (1932 йил) Американинг Лос-Анджелес шахрида бўлган. X Олимпиада учун жуда йирик 100000 ўринли Лос-Анджелес стадиони қурилган. Унинг аренасида 105x70 метрли футбол майдони, атрофида 400 метр ва 450 метрли югуриш йўлаги бўлиб, асосий майдондан ташқари очиқ сузиш ҳавзаси ҳам қурилган.

XI Олимпиада ўйинлари (1936 й.) Германиянинг Берлин шахрида бўлган. Бу олимпиадада Греневалд стадиони вайронаси ўрнига 100000 ўринли Берлин стадиони қурилган ерда биринчи марта сопол аралашмасидан югуриш йўлаги қурилган, унда Д.Суэнс 100 м ли масофани 10,2 сек югуриб ўтган. Берлин стадиони 90 га (гектар) майдонни эгаллаб, унда асосий спорт майдонидан ташқари очиқ сузиш ҳавзаси, гимнастика заллари, футбол майдони ва машқ қилиш майдонлари бўлган.

XII Олимпиада ўйинлари (1940 й.) Финляндиянинг Хельсинки шахрида бўлиши керак эди, аммо бўлмаган.

XIII Олимпиада ўйинлари (1944 й.) Англиянинг Лондон шахрида бўлиши керак эди. Иккинчи жаҳон уруши сабабли олимпиада ўтказилмаган.



6-расм. Римдаги Олимпия стадиони

XIV Олимпиада ўйинлари (1948 й.) Англияning Лондон шаҳрида бўлиб ўтди. Олимпиада учун алоҳида стадион қурилмаган, сабаби иккинчи жаҳон уруши мамлакатни иқтисодий қийин аҳволга олиб келган эди

XV Олимпиада ўйинлари (1952 йил) Финляндияning Хельсинки шаҳрида бўлган. Хельсинкидаги Олимпиада стадиони 1940 йилдан 1952 йилгача қурилган. Асосий спорт майдонлари трибунасига 60000 томошабин сифган.

Спорт аренасида 105x70 м ли футбол майдони, 400 м ли сопол қопламали югуриш йўлаги ва яна очик сузиш ҳавзаси, катта спорт зали, шуғулланиш майдонлари, енгил атлетика ядролари бўлган.

XVI Олимпиада ўйинлари (1956 й.) Австралияning Мелбурн шаҳрида бўлиб ўтган. Олимпиадагача Мельбурн стадиони қайта таъмиранган. Темир бетонли трибуналарнинг сони 100000 ўринга кўпайтирилган. Спорт майдонида уч қаторли 400 м ли югуриш йўлаги бўлиб, унинг устки қопламаси Англиядан келтирилган. Аммо унинг сифати унча юқори бўлмагани сабабли, ўйинлардан сўнг, олиб ташланган.

XVII Олимпиада ўйинлари (1960 й.) Италияning Рим шаҳрида бўлган. Олимпиадагача Римнинг ҳар бир районларига ҳар хил спорт иншоотлар, ҳамма спорт турлари учун комплекслар қурилиб битказилган. Асосий спорт майдони трибунасига 80000 томошабин учун ўрин бўлиб, унда 105x70 м футбол майдони, сопол қопламали 400 м ли югуриш йўлаги жойлашган. Рим

спорт иншоотларидан ўзининг меъморчилиги ва фойдаланиш жиҳатдан қулай бўлган “Палаццо делло Спорт” ва “Палацетта” ларда ҳозиргача турли спорт ўйинлари, гимнастика ва бокс мусобақалари ўтказилиб келинади.

XVIII Олимпиада ўйинлари (1964 й.) Япониянинг Токио шаҳрида бўлган. Токиода жуда кўп сонли ўзига хос спорт иншоотлари қурилган. Токио марказида асосий олимпиада шаҳобчалари, асосий стадионлар, Олимпиада боғи жойлашиб, унда ёпиқ спорт майдони, ёпиқ сузиш ҳавзаси, бейсбол ва регби учун стадион бўлган. Иккита ёпиқ универсал майдонли Йоглар спорт боғи, Олимпия шаҳарчасидан иборат бўлган. Қолган спорт иншоотлари шаҳардан 20 км ташқарига қурилган. Токио стадиони трибунасига 100000 томошабин сифган.

XIX Олимпиада ўйинлари (1968 й.) Мексикада бўлган. Мексика Олимпиадасида мусобақалар ўтказиш учун 16 та йирик комплекс марказ ва 27 та машқ қилиш учун комплекс тайёрланган.

XX Олимпиада ўйинлари (1972 йил) ФРГ Мюнхен шаҳрида ўтказилган. Мюнхен олимпиадаси шаҳар марказидан атиги 4 км узоқликда ўтказилиб, спорт иншоотлари етакчи техника билан таъминланган эди.

Олимпиада ўйинлари ўтказиладиган територияни шаҳар ҳиёбонлари ва унча катта бўлмаган канал ўраб турарди. Олимпиада спорт комплекси Мюнхендан бир неча юз метр узоқликда эди. Шунинг учун олимпиада “Олимпиада ўйинларига қисқа йўл” шиори остида ўтказилган.

XXI Олимпиада ўйинлари (1976 йил) Канаданинг Монреал шаҳрида бўлган.

Бу Олимпиада учун бутун бир спорт комплекслари тайёрланиб, унда футбол, ҳар хил спорт ўйинлари ва турлари учун иншоотлар мавжуд бўлган. Енгил атлетика мусобақалари учун, кураш, қиличбозлиқ, гимнастика заллари, сув ҳавзалари, эшкак эшиш учун спорт комплекслар қурилиб битказилган.

XXII Олимпиада ўйинлари (1980 йил) Москвада ўтказилган. Олимпиада ўтказиш муддати қисқа бўлиб, уй-жой, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши миқдорини пасайтирасдан 70 та олимпиада шаҳобчаси қурилган ва қайта таъмирланган. Улардан энг йириги: “Олимпийский” спорт комплекси. Крилатский ёпиқ велотреки, Олимпия шаҳарчаси, Останкинодаги телекомплекс, Измайловдаги меҳмонхона комплекси ва бошқалар. Парус спорт бўйича олимпиада мусобақаларини Таллинда ўтказишга юкори даражада тайёрлик қўрилган. Футбол бўйича дастлабки тур ўйинлар Санкт-Петербург, Минск ва Киев шаҳарлардаги стадионларда ўтказилган.

XXIII 1984 йил Лос-Анжелесда –Халқаро Олимпия Кўмитаси XXIII Олимпиада ўйинларини АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

XXIV Олимпиада ўйинлари 1981 йил 30 сентябрда Сеулда ўтказилиши эълон қилинди. Аҳоли сони жиҳатидан жаҳонда олтинчи ўринда турадиган

Жанубий Қурия (42 миллион) пойтахти Сеул мамлакатнинг юраги, давлатнинг сиёсий, молиявий, дипломатик, илмий ва маданий маркази ҳисобланади. Сеулда 1981 йилдан бошлаб жуда кўп янги спорт иншоотлари қурилди. Шу жумладан, чиройли Олимпия стадиони қурилиб ишга топширилди. Бундан ташқари кўп эски стадионлар қайта реконструкция қилинди ва таъмирланди

1988 йилдаги Олимпиада 159 мамлакатдан 9633 спортчини қабул қилди. Улар орасида Ўзбекистондан ҳам 9 нафар спортчи бор эди. Вакилларимиз спортнинг 9 тури бўйича беллашдилар. Уларнинг деярли барчаси совриндор булишди. Тадбирларда жами 8757 нафар журналист жалб килинди.

XXV ёзги Олимпиада ўйинлари Испаниянинг энг йирик шаҳарларидан бири Барселонада бўлиб ўтди. Бу шаҳарга 173 мамлакатдан 15,5 мингдан ортиқ вакил ташриф буюрди. Улар орасида Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларининг 654 дан ортиқ вакили бор эди. Бу Олимпиадада Ўзбекистондан 17 спортчи иштирок этди. Улар спортнинг 8 тури бўйича беллашдилар.

Маълумки, жаҳон спортчиларининг маҳорати кун сайин ошмоқда. Ёшлар ўртасида спортга қизиқиш ўсмоқда. Халқаро спорт мусобақалари фақат спортчилар ёки мутахассисларнигина эмас, балки йирик давлатларнинг ҳам шон-шуҳратини ошироқда.

XXVI Олимпия ўйинлари 1996 йилда Атланта (АҚШ) шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақалар замонавий олимпиада ҳаракатининг 100 йиллигига бағищланди. Бу ўйинларни ўtkазиш учун янги спорт иншоотлари ишга туширилган. Бир неча стадионлар реконструкция қилинди ва таъмирланди.

АҚШнинг Атланта шаҳридаги Олимпия стадионида янги аср олди ўйинлари машъаласи ёндирилди. Ўт олдириш таниқли боксчи Мухаммад Али (Кассиус Клей)га топширилди.

Олимпия ўйинларида баъзи нохуш ҳолатлар рўй берди. Террорчилар яширган бомбанинг портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, 110 киши жароҳатланди.

XXVII Олимпиада Сиднейда бўлиб ўтди ва XX асрнинг сўнгги Олимпиадасидир.

Австралияда Олимпия ўйинлари биринчи марта 1956 йили ёз даври бошида ўтказилган эди. Айнан шу вазият деярли жаҳоннинг ҳамма етакчи жамоаларининг олимпия ўйинлари олди тайёргарлиги жадвалини тубдан ўзгартиришга мажбур қилди. XVI Олимпиада ўйинларига қурилган барча спорт иншоотлари қайтадан реконструкция қилинди ва янги спорт иншоотлари қурилди.

XXVII Олимпия ўйинлари Сиднейда (Австралия) 2000 йилнинг 15 сентябридан 1 октябригача ўтказилди. Бу вақтда об-ҳаво шароитлари ҳам олимпия терма жамоалари учун қулай ва одатий эди.

Олимпия шаҳарчаси 100 гектар майдонни ташкил этган. Янги спорт иншоотлари қурилди, эскилари эса таъмирланди.

XXVIII Олимпия уйинлари 2004 йил Афина

XXIX Олимпия уйинлари 2008 йил Пекин

XXX Ёзги Олимпия ўйинлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтди.

“Биз угун Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимизни қутлаш ва тақдирлаш учун тўпландик” – дейди давлатимиз раҳбари. – Дунёда спорт соҳасида ўтказиладиган мусобақалар кўп. Лекин улар орасида Олимпия ўйинлари юксак нуфуз ва алоҳида ўринга эга. Шунинг учун Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳар бир спортчи учун катта шарафдир. Лондон Олимпиасида иштирок этиб, Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит – қизларимиз, уларнинг устоз, ва мураббийларига, бутун жамоамиз аъзоларига чукур миннатдорчилик билдириш менга катта мамнуният бағишлиайди.

Юртимиздаги миллионлаб спорт мухлислари Олимпияда ўйинларида мардона кураш спортчиларимизни нафақат экран орқали кузатиб борди, балки уларга чин қалдан мадад тилаб турди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Лондондаги мусобақаларда спортчиларимиздан 4 нафари совриндор, 14 нафар ўз йўналиши бўйича кучли саккизликка кирганини алоҳида таъкидлаш ўринлидар. Беллашувларда эркин кураш бўйича учинчи бор Олимпиада олтин медалини кўлга киритган Артур Таймазов, бронза медаллар бин тақдирланган дюздочи Ришод Собиров, машхур боксчимиз Аббос Атоев ва эркин курашчи Сослан Тигиев муросасиз ва шиддатли курашларда ғолиб чиқиб, юксак матонат ва маҳорат намунасини кўрсатгани барчамизга қувонч ва ғурур бағишилади.

“Тошкент” футбол шахарчаси курилиши.

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг куламли ислохотлар, улкан микёсдаги бунёдкорлик ишлари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, турар жойлар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуг ва энг азиз айём-Мустакиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш анъанага айланган. Ана шу

Хайрли анъанага мувофиқ, истиқтолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча худудларида спорт иншоотлари куриб битказилди. Энг замонавий талабдар асосида курилган “Бунёдкор” стадиони диёримиз буйлаб изчил давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёркин ифодаси булди. “Тошкент” футбол шахарчаси Марказий Осиёдаги энг катта иншоот булиб,

пойтахтимиздаги Мирза Улугбек ва Чилонзор метростанциялари оралигига жойлашган булиб, 36 гектар майдонни эгаллайди ва энг замонавий техника воситалари билан жихозланган. Уз ичига 34 000 томошибинлар учун мулжалланган уриниклар пастки ва юкориги каватларга бупинган. Шунингдек бу ерда ногиронлар учун мулжалланган аолхидаги секторлар мавжуд. "Бунёдкор" стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шароит ва кулайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи каватда спортчилар, хакамлар, мураббийлар, футбол маъмурилари учун мулжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлар зали, фтбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи каватида учта ресторон, фитнес маркази барпо этилган. "Бунёдкор" стадионининг мухандислик таминотишгина алоҳидаги эътибор билан ёндашилган. 7 та машгулот майдончалари, бир неча спорт заллари, ёпик бассейн хамда 400 та бола таълим олиши мумкин булган "Болалар" футбол академияси, меҳмонхона ва "Бунёдкор" футбол клубининг базасининг уз ичига олади.

11x7,5 метр ўлчамдаги иккита видетабло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдони четига видеоборт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан тўғри эфирга узатувчи ва радиотрансляция тизими, шархловчилар хонаси ҳалқаро стандартлар даражасида.

Назорат саволлари

1. Антик стадионлар қайси учта даврларга бўлинади?
2. Эллин даври стадионлари қандай роль ўйнади? Ушбу даврга тегишли стадионларни айтиб ўтинг.
3. Олимпия стадиони мисолида эллин даври стадионлари тузилишини тавсифланг.
4. Эллинистик, қадимги Рим дарлари стадионларини айтиб беринг.
5. Палестрлар, гимнасиялар, амфитеатрлар, термлар нималардан ташкил топганини айтиб бўринг.
6. Энг янги давр олимпия иншоотларида иншоотлар эволюциясини тавсифланг.

Адабиётлар

1. Указ Президента Республики Узбекистан УП № 3154 "О создании Фонда развития детского спорта Узбекистана".

2. “Здоровое поколение – основа развития Узбекистана”. Речь Президента Республики Узбекистан на IX сессии Олий Мажлиса от 24 июня 2002 г.
3. Гагин Ю.А. Спортивные сооружения. М., 1976.
4. Каталог спортивного инвентаря и оборудования для оснащения детских спортивных сооружений. Т., Узбекистан, 2006.
5. Коненко И., Малахов Г. М. Спортивные сооружения. Краткий справочник. Профиздат. 1960.
6. Легкая атлетика и правила соревнования, М., ФиС, 1984.
7. Мирзақулов Ш.А., Азизов Н., Нуршин Ж.М. Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. Т., 1993.
8. Николеенко А.В. Спортивные сооружения. Справочник для факультета физкультуры пединститута. М., Просвещение, 1976.
9. Паликарпов А. Спортивные сооружения. М., ФиС, 1972.
10. М.С.Ходжаев, А.А.Толаметов, А.М.Нурмухамедов, Ж.Х.Умаров. Спорт иншоотлари. / Ўқув қулланма. Тошкент. 2007 й. 96 б.

Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1.

Жисмоний тарбияни келиб чиқиши ва спорт иншоотлар

Жисмоний меҳнатдан ажратилган жисмоний тарбия, жамоатчилик фаолияти ихтисослашган соҳаси сифатида тахминан 10 – 8 минг йил аввал вужудга келган. Жисмоний машқлар пайдо бўлиши тўғрисида улар меҳнат фаолиятидан ажратилган ҳолдагина гапириш мумкин. Жисмоний маданият машғулотлари бошқа фаолият турларидан, энг аввало, улар бизнинг хусусий шарт-шароитларимизни, яъни харакатланиш малака ва кўникумаларини, жисмоний сифатларни, функционал имкониятлар ва шу синагиларни ривожлантиришга йўналтирилган.




Мазкур ҳолат жисмоний тарбияни пайдо бўлишига сезиларли туртки бўлди. Қадимги дунё одамининг жисмоний машқлари сехрли тантаналар, урф-одат рақслари, бағишловлар ва ўйинлар таркибига кирган. Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг кўпчилик турлари ўз илдизлари билан меҳнат фаолиятига (контакт билан ўйинлар, оғирликни кўтариш, камондан ўқ отиш ва бошқалар), ҳарбий ишга (ўқ отиш, буюмни ирғитиш, яккақураш ва бошқалар), узоқ масофани босиб ўтиш ва катта тўсиқларни енгид ўтиш заруратига, табиатнинг табиий кучларига (от спорти, эшкак эшиш, конъкида югуриш спорти қва бошқалар) бориб тақалади. Антик палестрлар ва гимнасиялар, стадионлар, ипподромлар, цирклар замонавий спорт иншоотларининг олдинги авлодлари ҳисобланади. Кўп ҳолларда архитектуранинг буюк ёдгорликлари (Римдаги Колизей ва бошқалар) ҳисобланган қадимгирим улуғвор амфитеатрларида стадион ва циркни бирлаштириш ғояси ўз аксини топган. Қадимги юонон палестрларида фаолият кўрсатган иситилган сувли чўмилиш бинолари қадимгирим термларида ўз риожини топган.

Тақдимот 2 Қадимий спорт иншоотлари



Олимпия ўйинлари қадимги юонолар ҳаётида жисмоний тарбия ва спортнинг риожланишини характерлайдиган аҳамиятга молик ҳодиса бўлган. Тарихий ҳужжатлар маълумотларига кўра ушбу байрамона мусобақаларни бошланиши эрамиздан олдинги 776 йилга тўғри келишини кўрсатади. Олимпия ўйинлари дастурининг бошланишида фақатгина битта спорт тури – узунлиги «битта босқич»га, (рухоний оёғи ости узунлигининг 600 таси узунлигига teng) яъни 176-192м га teng бўлган масофага югуриш бўйича мусобақа ўтказилган. Югуриш бўйича бундай юонолар стадиодром (бир босқичга йўл) деб аташган.

Қадимий Граниядаги спорт иншоотлари




Тақдимот 3 Антик стадион

Антик стадионларни қуйидаги уч даврга: эллин, эллинистик ва қадимий юонон даврларига бўладилар. Эллин даврига Олимпдаги (тахминан э.о. 450 й.), Дельфдаги (э.о. V аср охири), Афинадаги (э.о. 330 й.) стадионларни киритадилар. Эллинистик даврга Митеетдаги (э.о. II аср) ва Приенндаги (э.о. II асрнинг иккинчи ярми) стадионлари киритилган. Қадимгирим даври стадионларига Пергдаги (эрэмизнинг II асри), Аицани (эрэмизнинг II асри) ва Римдаги (эрэмизнинг 80 йили) стадионлар киради



Тақдимот 4 Колизей



Колизей қадимги рим амфитеатрининг ёрқин намояндаси ҳисобланади. Шунга ўхшаш иншоотлардан Колизей ўз ўлчамлари: ташқи эллипснинг узунлиги – 524 м, катта ўқ узунлиги – 187.77 м, кичик ўқ узунлиги – 155.64 м, ўйин майдонини (аренани) узунлиги – 85.75м, кенглиги – 53.62м, деворининг баландлиги – 48 метрдан 50 метргача эканлиги билан фарқ қиласы.

Тақдимот 5. Қадимги дунё сув ҳавзалари

Қадимги дунё сув ҳавзалари

Кимdir сузиш ҳавзаси яқингинада – бундан кўпи билан икки юз йил аввал қашф этилган деб ўйлаши мумкин. Масаланинг техник томонига эътибор бизни XVIII – асрдан олдинроқ ўтмишга назар ташлашга мажбур қиласи. Ҳақиқатан ҳам, чўмилишнинг қадимий маданияти ўрта асрларнинг деярли минг йили давомида узоқ вақт давом этган ва Европада тахминан йўқолиб кетган, бироқ уни Шарқда яхши сақлаб қолганлар. Бугунги кунда ҳам антик дунёдаги сузиш ҳавзалари инсонлар ҳаётида муҳим роль ўйнаганлиги тўғрисида янги далолатлар очилмоқда.

Александри сузиш ҳавзаси.

Қадимги Юнон тарихчилари қачонлардир македонияликларни қўпол ёввойилар деб ҳисоблаганлар, бироқ бундай топилмалар уларнинг ворисларига э.о. III- ва IV – асрларда қадимги Македониянинг ери шунчалик катта бўлган-ки, археологларнинг 30 йиллик узлуксиз қазиш ишлари натижасида мазкур ҳудуднинг 1%дан камроғини қамраб олганлигини XXI-асрда намойиш этиш имкониятини берди. Фақатгина битта саройнинг ўзи 60000 квадрат метрдан каттароқ майдонни эгаллаган. Бу ерда Қадимги дунё сузиш ҳазаларидан «энг янгиси» топилган. Македониядаги ушбу топилма антик мамлакатларда ва қадимий шаҳарларда фаолият кўрсатган табиий сув ҳазаларидан катта фарқ қиласиган спорт сузишининг ривожланган маданияти мавжудлиги яна бир марта тасдиқлайди.

Ўрта Ер денгизи сузиш ҳавзалари

Гераклион шаҳри яқинидаги Крит оролида амалга оширилган қазиш ишларида қадимий шаҳар топилган. Қадимий Элладани гуллаб-яшнашидан минг йил аввал бу ерда бой маданият бўлган. Бошқа иморатлар билан бир қаторда ванналар, сузиш ҳавзалари ва ҳаммомлар топилган. Мисрнинг Эль-Кантар шаҳри яқинидаги қазиш ишлари давомида фақатгина сузиш ҳавзаси, ҳаммом ва даволаш маскани, балки спорт залининг ҳам қолдиқлари топилган. Ўлик дengиз қирғоғида Иерихон яқинида (Исройлда) ҳозирги замонгacha яхудий шоҳ Буюк Ирод томонидан эрамиздан ўнлаб йиллар олдин қурилган сузиш ҳавзаларининг қолдиқлари сақланган. Ирод ундан бироз жанубдаги Иерихонда, қалъа – шаҳар Масадда янги қалъа деворлари ва гумбазлари, сузиш ҳавзалари ва шаҳарнинг гавҳари – Шимолий сарой қурдирган. Масаддаги Шимолий саройнинг бош зийнати ҳаммомлар бўлган. Бироқ, энг аввало, сув муаммосини ҳал этиш керак эди. Сахро ўртасидаги тоғ – бу сувсиз жой учун энг яхши танлов бўлиши мумкин? Ва бу ерда Римда акведукларни тузилиши тўғрисида тўпланган билимлардан тўлик

фойдаланилди.



Бир минг етти юз йил олдин Римда саккиз юзта унчалик катта бўлмаган ва уч мингтагача одам сиғадиган бешта улкан император ҳаммомлари мавжуд бўлган. Рим ҳаммомлари замонавий ҳаммомларга ўхшамаган. Бу фақатгина одамлар ювинадиган ва ванна қабул қиласидиган бинолар бўлиб қолмай, балки гимнастик машқлар бажарадиган жой, спорт мусобақалари учун майдончалар, дам олиш, фалсафий музокаралар ва ҳатто илмий машғулотлар жойлари ҳамдир. Каракалладаги термлар – энг катта ва ҳашаматлидир.

Тақдимот б Үрта аср иншоотлари

XV-XVI асрларда копток билан ўйинлар пайдо бўлган. Ўқ отувчилар ва қиличбозларнинг бирлашуви содир бўлди, копток ўйини ва қиличбозлик учун заллар ҳамда камондан ўқ отиш учун майдончалар қурилиши олиб борилди. Қиличбозлик, қураш, отга миниб ҳаракатланиш дворянларни ўқитишида мажбурий бўлиб борди. Кейинчалик эшкак эшиш, елканли спорт сингари спорт турлари вужудга келган. XVII асрдан бошлаб мазкур спорт турлари учун яроқли иморатлар қура бошлаганлар.

XIX-асрнинг ўрталаридан Европада спорт заллари ва майдончалари қурила бошлаган. Бироқ, Европа мамлакатларида спорт иншоотларини оммавий қурилиши факат XIX асрнинг охиридан бошланган. Бу вақтга келиб турли жойларда спорт жамиятлари, клублар ташкил этила бошлаган, турли мамлакатларнинг спорт алоқалари ривожланган, олимпия ўйинлари яна ўтказила бошлаган. Бу вақтда фақат стадионлар, спорт заллари эмас, балки велотреклар, трамплинлар, қишки ва сув спорти учун иншоотлар қурилган.




Тақдимот 7. Ўзбекистондаги спорт иншоотлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг катта эътибори спорт иншоотларининг қурилишида ҳам акс этган. Бундай иншоотлардан энг ахамиятлиси, сўзсиз, ёшлар учун «Камолот» (олдинги НБУ ёки «Старт») стадиони, Олимпия сузиш ҳавзаси ва «Жар» спорт комплекси ҳисобланади. Тошкентда Президент кубоги учун Халқаро теннис Кубоги мусобақаларини ҳар йили муваффақиятли ўтказилиши республикамиз учун янги спорт турининг оммавийлашишини ортишига хизмат қилмоқда. Шу муносабат билан, Тошкентда, Андижонда, Наманганда, Қаршида ва бошқа вилоят шаҳарларида замонавий теннис комплекслари қурилди. Тошкентда очилган йирик теннис кортлари Амир Тимур кўчаси бўйлаб жойлашган. Улардан кейин 3000 томошабинга мўлжалланган ҳамда ўз архитектураси ва фаолият функцилари бўйича хориж спорт ареналаридан қолишмайдиган универсал ёпиқ теннис стадиони ишга туширилди.




Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» спорт – соғломлаштириш комплекси 2300 томошабинларга мўлжалланган марказий очиқ кортдан, сув спорт турлари бўйича саройдан, универсал спорт залидан, ўз таркибида иккита теннис зали ва ертуладаги атлетик гимнастика, аэробика, стол тенниси, бокс, кураш заллари ҳамда иккита сауна ва массаж кабинетлари жойлашган бинони бирлаштирган икки қаватли бинодан ташкил топган.



1954-56 йилларда Тошкент шаҳри марказида мамлакатимизнинг бош футбол жамоаси «Паҳтакор» номи билан бир хил бўлган янги стадион қурилди. 11 август куни Анхор бўйида жойлашган янги комплекс ўз туғилган кунини нишонланди. Ҳашаматли байрамда элликминг ҳозир бўлганлар орасида қурувчилар ва паҳтакорлар, спортчилар ва артистлар, раҳбарлар ва мураббийлар бўлганлар. Уларнинг барчаси янги спорт аренасига узоқ йиллар давомида спорт ишқибозларига хизмат қилишини тиладилар. Янги стадионда биринчи футбол ўйини 1956 йил 20 августда бўлиб, 35 минг ишқибозлар бевосита Тошкент ва Тбилиси шаҳарлари футбол жамоалари учрашувини кузатишиди.

19 сентябрда эса марказий “Паҳтакор” стадиони биринчи ҳалқаро ўйинни қабул қилди. Ўзбекистоннинг энг кучли жамоаси Албания пойтахти Тиран шаҳрининг «Динамо» жамоасини мағлуб этди. 1956 йил октябрда мазкур аренада собиқ иттифоқ терма жамоаси Мельбурн олимпиадасига тайёргарлик кўрган ва Австралияда ўтказилган ўйинлар чемпиони бўлган.



Универсал спорт саройи республикадаги замонавий талабларга жавоб берадиган улкан ёпиқ спорт иншиотларидан бири ҳисобланади.

Иншиоотнинг умумий майдони: 29458кв.м;

Аренанинг умумий майдони: 5304кв.м;

Томошабинлар учун умумий жойлар сони: 3750 мест;

Спорт иншиоот тоифаси: 1.

Маъруза №3

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Мавзу №3 Спорт иншоотлари назарияси. Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари. Спорт иншоотларининг шаклланиши.

Ўқув
машғулот
шакли
Режа

Маъруза

1. Спорт иншоотлари назарияси. Спорт майдонларининг ориента-ция ва конструкцияси ҳамда ўлчамлари
2. Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари
3. Стадионлар трибуналари

Ўқув машғулот мақсади: спорт иншоотлари классификацияси ва тоифалари ҳамда спорт иншоотлари тармоғи тўғрисида билим ва тасаввурни шакллантириш

Ўқитувчи вазифалари:

- Спорт иншоотлари тармоғини шакллантириш тамойилларини тавсифлаш
- Спорт иншоотлари классификацияси ва тоифаларини тавсифлаш
- Спорт иншоотлари устидан санитария назорати қандай штказилишини тушунтиринг

Ўқитиш воситалари:

Ўқитиш шакли

Ўқитиш шарт-шароитлари

Ўқув фаолияти натижаси:

Талаба қўйидагиларни билиши керак:

- Спорт иншоотлари тармоғини тавсифлаш
- Спорт иншоотлари тоифаларини санаб ўтиш
- Спорт иншоотларининг асосий турларига оид таърифлар
- Спорт иншоотларининг классификациясини
- Спорт иншоотлари устидан санитария назорати мазмунини тавсифлаш
- Ўқув дарсликлари, услубий қўлланмалар, слайдлар
- Фронтал ишлаш
- ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб гурух талабалари билан машғулот ўткказиш учун мўлжалланган аудитория

Маърузанинг технологик харитаси

Фаолият босқичи, вакт	Фаолият	талаба
1-босқич. Ўкув машғулотига кириш (5 мин)	ўқитувчи	Эшигади, ёзиб боради, савол беради
2-й босқич Билимларни мустаҳкамлаш (20 мин.)	<p>1.1. Мавзуни, мақсадини ва режалаштирилган ўкув натижаларини эълон қиласди. Ўқув машғулот тузилиши ва хусусиятлари билан танишитиради.</p> <p>Талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида йўналтирувчи саволлар беради :</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Спорт иншоотлари тизими нималардан ташкил топган ? 2. Спорт иншоотлари қандай классификацияланади? 3. Спорт иншоотларини тоифалаш тартиби нимадан иборат? <p>Саволларга жавоб олиш учун талабаларни жуфт-жуфт бўлиб ишлашини ташкил этади. Блиц-сўров ўтказади.</p> <p>2.2. «Спорт иншоотларини классификациялаш ва тоифалаш схемаси»ни (1-илова Слайд №1) экранга чиқаради ва танишитиради, мавзунинг мазмун-моҳиятини изоҳлайди.</p> <p>Умумлаштирувчи хулоса ифодаланади (илова 2).</p> <p>2.3. Экранга ташкилий-мантикий схемани чиқаради</p> <p>«Фаннинг структураси» (№2 слайд), мазкур фан бўйича мавзулар рўйхати билан танишитиради, уларни қисқача характерлайди. Фан бўйича талабалар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими, жорий, оралиқ ва якуний назорат кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишитиради.</p> <p>Фан бўйича фойдаланиладиган асосий адабиётлар, талабаларга қўйиладиган талабларни изоҳлайди.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Слайднинг мазмунини ўрганади</p> <p>2.3. Фаннинг роли ва аҳамияти тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтади.</p> <p>2.3. №2 слайд мазмунини ўрганади, рейтинг назорат ва бошқа талабларини ёзиб олади</p>
3- босқич ИнМашғулот шакли-цион (45 мин.)	<p>3.1. Режа саволлари бўйича маъруза материалларини кетма-кет баён қиласди, визуал материаллардан фойдаланади (3 илова).</p> <p>Аниқлаштирувчи саволлар тизимини баён қиласди:</p> <p>1-масала бўйича. Спорт Иншоотлари тизими нималардан иборат ?</p> <p>2-масала бўйича. Спорт иншоотлари қандай классификацияланади ?</p> <p>1-масала бўйича. Спорт иншоотларини тоифалаш нимадан иборат ?</p> <p>Мавзунинг муҳим моментларига алоҳида эътибор қаратади, уларни ёзиб олишни таклиф этади.</p>	<p>3.1. Схема ва жадвалларнинг, визуал материалларнинг мазмунини муҳокама қиласди, саволлар беради.</p> <p>Асосийларини ёзиб олади.</p>

<p>4 босқич. Якунловчи (10 мин.)</p>	<p>Савол беради: «Спорт иншоотлари структурасини тавсифланг». Блиц-сўров ўтказади. Умумий якунловчи хулоса чиқаради (<i>илова 4</i>). 4.2. Мустақил иш учун топшириқ : «Спорт иншоотлари классификацияси» мавзусида кластер тузиш.</p>	<p>4.1. Саволга жавоб берадилар. 4.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p>
--	--	--

Маъруза_3. Спорт иншоотлари назарияси. Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари. Спорт иншоотларининг шаклланиши.

Маъруза режаси:

1. Спорт иншоотлари назарияси. Спорт майдонларининг ориента-ция ва конструкцияси ҳамда ўлчамлари
2. Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари
3. Стадионлар трибуналари

Спорт иншоотлари назарияси. Спорт майдонларининг ориентация ва конструкцияси ҳамда ўлчамлари

Ўйин майдонлари кенглигини аниқлашда уларнинг ўйин ва қурилиш майдони ўлчамларини билиш зарур. Ўйин майдони ўлчами ўйин қоидалари асосида белгиланади. Қурилиш ўлчамлари эса, хавфсизлик зоналари ҳисобига кўра ўйин майдонига нисбатан қаттароқ бўлади. 1-жадвалда ўйин майдонларининг асосий ва қурилиши мумкин бўлган ўлчамлари берилган.

Ўйин майдонлари алоҳида ёки бирлашган ҳолда жойлашиши мумкин. Масалан, бир текисликда битта ёки ҳар хил спорт турлари учун бирлашган майдонлар бўлиши мумкин.


1-жадвал

Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамлари

Спорт тури бўйича ўйин майдонлари	Ўйин майдонларининг ўлчамлари (м)				Осонлаштирилган қоида бўйича ўйин майдони ўлчами	
	ўйин		қурилиш			
	узунлиги	эни	узунлиги	эни	узунлиги	эни
Баскетбол	28	15			26	14
Волейбол	18	9	24	15	15	7,5
Қўл тўпи	40	20	44	23	36	18
Бадминтон	13,4	6,1	15	8	12	5
Теннис			40	20	36	18
Футбол	90	60	98	64	60	40
а) қоида бўйича	110	75	118	79	75	50
б) спорт ядро лойиҳаси типи бўйича	104	69				

Спорт майдонлар қурилишида шуни кўзда тутиш керакки, ўйин вақтида қуёш ён томондан тушиши лозим (унинг ўрта чизиги бўйлаб).

Шунга мувофик, асосан кечки пайт фойдаланиладиган майдонлар қурилишида меридиан чизиги эътиборга олиниб, яъни уларнинг бўй ўқи шимолдан жанубга томон тортилган бўлиб, мумкин бўлган оғиши 15° бўлади. Агар спорт ўйинлари бир тури учун бир неча майдон жойлаштириш зарур бўлса, унда ҳеч бўлмаганда, уларнинг учтасидан биттаси экватор чизиги эътиборга олинган ҳолда қурилади.



1-расм. Спорт майдонларини ориентацияси

Юқори қаватли уйлар бўлган туманларда майдонларни уйларнинг шарқ томонига ва экватор чизиги кўзда тутилиб қурилиши мақсадга мувофик бўлади. Шу мақсадда қурилган иншоотларда қуёш кеч пайтда ва кундузи ўтадиган ўйинларда ҳам ҳалақит қилмайди. (1-расм).

Волейбол ва теннис майдонлари қурилишида ўрта чизикдан юза чизиги томонга нишаб қилинади. Баскетбол ва қўл тўпи учун майдонларни режалаштиришда ўрта бўйлама ўқидан ён чизиги томон икки нишабли қилинади. Аммо спорт майдонларини жойлаштириш билан боғлиқ ҳолда ерни рельефига қараб вертикал режалаштиришни ўзгартирилиши мумкин (2-жадвал). **Вертикал режалаштириш.** Спорт майдони асоси учун ернинг нотекислигидан максимал фойдаланилган ҳолда керакли қиялик танланади. Ернинг рельефини ҳисобга олган ҳолда спорт майдонларини қуришнинг бир нечта варианти берилган.

Вариант “б” жуда кўп иш кучи талаб қиласи, чунки ер ковлаш ишлари ҳажми катта.

Вариант “в” қулай деб хисобланади. Лекин “в” вариантида волейбол майдони пастлиқда жойлашғанлығы сабабли захоб сувларини тушуши учун дренаж системаси ишончли бўлиши керак. Ишни бошланишида вертикал планировкадаги ишлар қандай олиб борилиши аниқланади, олдин ер қазиш ишларини картограммаси тузилади ва қурилиш майдонлари квадратларга бўлининг (2x2 ёки 3x3 метр) иш кўрилади. Қозиклар ёрдамида режа ипи тортилиб ер текисланади.

2-жадвал

Спорт майдонларини қоплама конструкциясига қараб сиртини нишаб катталиклари

Спорт турлари бўйича спорт майдончалар	Қоплама турлари	Максимал нишаблик	
		узунаси	кўндаланг
Бадминтон ва волейбол	Сув ўтказувчан	0,005 -	- 0,004
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Баскетбол	Сув ўтказувчан	0,005	-
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Кўл тўпи	Майсазор	0,006 -	- 0,008
	Сув ўтказувчан	0,005 -	- 0,006
	Сув ўтказмайдиган Тахта қопламали	0,000 0,000	0,000 0,000
Теннис	Майсазор	0,004 -	- 0,008
	Сув ўтказувчан	0,002 -	- 0,006
	Сув ўтказмайдиган Тахтали	0,000 0,000	0,000 0,000
Стол тениси	Сув ўтказувчан	0,010 -	- 0,010
	Сув ўтказмайдиган Асфальтли	0,000 0,000	0,000 0,000
	Тахта қопламали	0,000	0,000

Майдонларнинг қопламаларининг конструкцияси қўйидагича бўлади:

1. текис, зич ва эластик бўлиши шарт, чунки коптокни сакраши таъминланиши, сувни яхши шимадиган ва намликни ичидаги сақлайдиган бўлиши керак;

2. об-ҳаво таъсирига чидамли бўлиши керак;

3. иқтисодий томондан ижобий бўлиши керак.

Махсус қопламали майдонлар конструкцияси гидрогеологик ва об-ҳаво шароитлари билан узвий боғлиқ. Сувни ёмон ўтказадиган тупроқли ва соз тупроқли ерлар нобоб қопламаларга киради. Бу турдаги қопламаларни устидан шағал ётқизилади. Сувни яхши ўтказадиган қопламалар қум устидан ётқизилади ва майдончаларнинг конструкциясини соддалаштириш мақсадида пастки қатламларни қалинлиги камайтирилади ёки бир қатламли қилинади. Майдончаларда сув тўпланиб қолмаслиги учун сатҳини нишабли ва майдон атрофи бўйича ариқчалар ковланган бўлади. Сувни яхши ўтказадиган қопламлар сунъий ёки табиий қопламалардан тайёрланади. Махсус қопламалар қориши таркиби З-жадвалда кўрсатилган.

З-жадвал

Сув шимувчан махсус қоплама аралашмаларнинг таркиби

Хом ашёлар	Аралашма гурухи						
	1 чи	2 чи	3 чи	4 чи	5 чи	6 чи	7 чи
1. Янчилган ғишт ва сопол аралашма	90-85	65-70	60	70	40	-	-
2. Ўртача майдаликдаги қум	-	5-10	5	-	-	40-50	10-15
3. Қурилиш чиқиндилари	-	-	-	-	-	-	50-60
4. Кукусимон лой тупроқ	10-15	-	5	10	-	10-15	-
5. Соғ тупроқ	-	20-25	-	-	-	-	-
6. Ёғли-ўсимлик тупроғи	-	-	-	-	-	40-45	20-30
7. Оҳактош	-	5-10	-	-	-	-	-
8. Янчилган оҳактош	-	-	20	60	-	-	-

Асфальтли, асфальт-резинали ва битум қопламларнинг тузилиши.

Асфальтли қопламлар юқори малакали спортчиларнинг машғулотлари мунтазам равишда ўтказилмайдиган спорт майдонларида муваффақиятли ишлатилади. Асфальт-резинали ва резино-битумли қопламларнинг таранглик қобилияти уларни машғулот ва мусобақа ўтказиш майдонларида ишлатишга имкон беради. Бу қопламлар техник хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этувчи иссиқлик усули билан тайёрланади. Асфальт ва резинобитум қориши маси асфальт заводларида тайёрланади. Совук қориши мани ётқизиб, шиббалаш қийин, шу муносабат билан ётқизилаётган асфальт аралашма ҳарорати 120° дан кам бўлмаслиги, резино-битум ва асфальт-резина аралашма ҳарорати эса 140° дан кам бўлмаслиги керак. Қопламларни шиббалаш тахминан уч тоннacha келадиган махсус ғилдирак билан бажарилади. Битум паста асосли арашмали қопламлар ўзининг таркиби жиҳатидан резино-битум аралашмага яқин, лекин улар совук усул билан тайёрланади, шунинг

учун ўз кучи билан қуриладиган (мустақил) қурилишларда ишлатилади. Битум паста асосли қоришмани махсус тупроқлы аралашма сингари ётқизилади.

4-жадвал

Сув шиммайдиган қопламлар учун аралашмаларнинг тахминий таркиби

Коплама хиллари	Хом ашёлар	Спорт турларидан майдонлар учун қоплама (оғир, %) таркиби		
		Волейбол, бадминтон	Баскетбол, құл түпі	Теннис
Асфальтли	0,6 <i>мм</i> ли элакдан ўтказилган 65% дан кам бўлмаган ўртача донали қум қолдиги БН-II ёки БН-III маркали битум	100 8	100 7	100 6
Асфальт-резинали	Ўртача донали қум БН-II ёки БН-III маркали битум 0,6 <i>мм</i> ли элакдан ўтказилган 10% дан кам бўлмаган майдаланган оҳактош қолдиги 1-3 <i>мм</i> ли фракцияли майдаланган резина.	66 15 22 12	70 13 20 10	76 11 18 6
Битум-паста асосли	Оҳактош-битумли паста (8 <i>см</i> ли конус қолдиги) Битум-50-55% Оҳак-8-12% Сув-33,42% Ўртача донали қум Майдаланган ғишт ёки оҳактош 1-3 <i>мм</i> ли фракцияли резина майдаси Тупроқ бўёғи	80 66 10 12 12	26 70 8 10 12	22 76 6 6 12

Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари

Спорт иншоотлари – бу махсус қурилган ва ўз фаолиятида кўпкіррали маданий ва спорт тадбир ва анжуманлари ўтказиладиган маскандир. Замонавий тасаввурда спорт иншоотлари деганда ўкув машғулотлар, турли қишки ва ёзги спорт турлари бўйича мусобақалар учун мўлжалланган ҳар хил иншоотлар комплекси тушунилади. Комплекснинг асосий иншооти стадиондир, яъни томашабинлар учун мўлжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Томошабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусобақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характеристига кўра стадионларнинг турлари белгиланади.

Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма~босқич шаклланиши жараёнида антиқ тузилишига нисбатан таркиби ва ўлчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашди. Бундай стадионлар стандарт ўлчамли радиуси 36 м бўлган ва 400 м масофага югуриш йўлкаси билан ўралган футбол майдонидан (104x69 метр) ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган секторлардан ташкил топган.

Стадионда тамошабинлар сифимига кўра трибуналар спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипссимон ёки бошқа ёпиқ ҳалқасимон формада бўлиши мумкин.

Ўлчамларига кўра стадионлар қўйидаги категорияларга бўлиниши мумкин:

- трибунаси 1500-3000 ўриндикли кичик стадионлар.
- трибунаси 2000-10000 ўриндикли, майдони камида 5-6 гектар бўлган ўртача катталиктаги стадионлар.
- трибунаси 10000-50000 ўриндикли, майдони камида 10-15 гектар бўлган катта стадионлар
- трибунаси 50000 дан кўп ўриндикли, майдони камида 20-25 гектар бўлган Олимпик типидаги стадионлар.

Тахминий спорт иншоотлари тизими, тавсия этиладиган кичик, ўрта ва катта стадионлар лойиҳалаш меъёрларида келтирилган.

Спорт иншооти очиқ ёки ёпиқ типдаги ўкув-машқланиш жараёни ва ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишга мўлжалланиб қурилган ҳамда жиҳозланган маҳсус иншоотдир.

Спорт иншоотларнинг тасниф этишда ягона терминологиядан фойдаланилади:

1. очиқ ҳолдаги алоҳида спорт иншоотлар;
2. очиқ комплекс спорт иншоотлари;
3. ёпиқ ҳолдаги алоҳида спорт иншоотлари;
4. ёпиқ комплекс спорт иншоотлари.

Очиқ ҳолдаги алоҳида спорт иншоотларига волейбол, баскетбол, кўл тўпи ва футбол ўйин майдонларини мисол келтириш мумкин (ёпиқ ҳолда бўлиши ҳам мумкин).

Куйида текис майдонда умумий майдони 9 га, трибунаси 15000 ўриндикли стадионнинг тахминий баланси келтирилган.

Стадионнинг умумий майдони	100 %
Очиқ спорт иншоотлари, майдончалар ва майдон	34 %
Катта ўлчамли спорт иншоотлари	12 %
Хизмат кўрсатиш иншоотлари	1 %
Ички йўлакчалар ва тарқатувчи майдончалар	14 %
Кўкаламзорлаштириш	39 %

Майдон танлашда бош режанинг умумий композицияси стадионнинг умумий комплексига таъсир этади.

Стадионлар трибуналари

Трибуналар, кўп холларда, спорт ареналари бош режаларида икки ён тарафдан овал кўринишили ёки овал кўринишида қурилади. Бунда футбол майдони 69×104 м, айланма югуриш йўлкаси узунлиги 400 м, футбол майдони ва чопиш йўлкаси орасида эса икки енгил атлетика сектори жойлашган бўлади. Катта стадионлардаги спорт ареналарида енгил атлетика машғулотлари учун қўшимча югуриш йўлкасининг ташқи чегаралари бўйлаб қўшимча майдончалар ташкил этилади.

Трибуналарнинг сифими стадионнинг қайси турга мўжалланганлигига қараб, 2.5 дан 100 минггача ўриндиқ ва туриш ўринларига эга бўлади.

Спортчилар ва томошабинлар учун қуйидаги трибуна остида ёки алохидা бинода хоналар ажратилади; спортчилар учун — вестибюль-грелка гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет хоналари, массаж, тиббиёт хонаси, ҳакамлар инструкторлар учун хоналар, дам олиш хонаси, буфетлар, спорт анжомларини сақлаш хоналари ва бошқалар;

томушабинлар учун — касса, кулуар, ҳожатхона, буфет (ресторан), киоск ва бошқалар;


маъмурий — хўжалик хоналари — бошқарув ва муҳофаза, анжомлар ва бошқалар.

Ўтирганда ва турганда тўсик кўринишини таъминлаш усуллари (қирқим ва режада), трибуналарнинг тўлиши ва бўшашида (томушабин — одамларни эвакуация йўллари) уларнинг турли конструкциялардан ва материаллардан фойдаланилганлиги турли типдаги трибуналарни шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Табиийки, трибуналарнинг қирқим характеристери стадионнинг умумий архитектуравий - фазовий композициясига катта таъсир кўрсатади.


Замонавий стадионларда бир қаватли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда (2-расм).

Икки қаватли қурилмалардан фойдаланиш томошабинлар қаторларининг спорт аренасига яқинлашиши билан бирга, иккинчи қават биринчи қаватнинг ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади ҳамда икки томонлама ёритирилганликни ва шамоллатишни, шунингдек, иккинчи қават остида бир қатор қўшимча хоналарни лойиҳалаш имконини яратади. Бунда трибуналар остидаги хоналар нормал ўлчамларга эга бўлиб, хоналардаги одамлар эвакуациясини қулайлаштиради, бир қаватли трибуналар остидаги хоналарнинг нишаб шипларини тўғрилаш учун кетадиган материаллар иқтисод қилинади.


Спорт ареналаридаги минбарлар турлари




Трибуналар остидаги кенглиқдан
фойдаланиладиган аралаш
конструкцияли бир ярусли минбар




Минбар ости кенгликлари
ишлатиладиган икки ярусли трибуна




Минбар ости кенглигидан
фойдаланиб бўлмайдиган аралаш
конструкцияли икки ярусли минбар
(Неаполдаги стадион)



Минбар ости кенгликларидан
фойдаланиладиган икки ярусли темир
бетон трибуна
(АҚШ, Дайкадаги стадион)




30 метрдан иборат соябонли икки
ярусли аралаш конструкцияли минбар
(Рио-де жанеродаги стадион)




Бостирмали икки ярусли метал
трибуна
(Кливленддаги стадион)

2-расм. Бир ва икки ярусли трибуналарнинг кўриниши



Минбар ости ишлатилмайдиган
кенгликлари аралаш конструкциялы уч
ярусли минбар
(Неаполдаги стадион)



Бостирмали икки ярусли металл
трибуна
(Роттердамдаги стадион)

3-расм. Икки (метал) ва уч ярусли трибуналарни қўриниши

Икки қаватли трибуналар аренадан қаралганда, қаватлар орасидаги қуюқ соялик туфайли бой пластик қўринишига эга бўлади. Спорт аренасининг ғарбий томонида жойлашган тўғри бир томонли трибуна оптимал қўриниш шароитида режада турли шаклда бўлиши мумкин. У асосан 18-20 минг ўринли стадионларда кенг қўлланилмоқда. Кўп сонли томошабинларни жойлаштириш мақсадида тўғри трапеция ёки эгри чизиқли шаклдаги трибуналар қўлланилмоқда. Бундай трибуналар 35-40 минг ва ундан кўп ўрин сифимига эга.

Кўп ҳолларда уч томонли тўғрибурчакли, тақасимон ёки эгри чизиқли (овал шаклига яқинлашувчи) спорт аренасининг ён томонидан бўлинган трибуналар кенг тарқалмоқда.

Дюссельдорф (Германия), Ванкувер (Канада), Пасандене (Роуз-Боуль, Калифорния) шаҳарларидаги стадионлар бунга мисол бўла олади.

Уч томонли трибуналарнинг яна бир турида спорт аренасининг ғарбий томонида кўп сонли томошабинлар жойлаштирилган бўлиб, асосан куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтадиган мусобақалар вақтида спорт аренаси қўринишига ижобий таъсир этади.

Бундай турдаги трибуналарга Измайлловкадаги (Москва), Мессиндаги ҳамда Минск ва бошқа шаҳарларидаги стадионлар мисол бўла олади.

Замонавий 100 минг ва ундан кўп ўринли стадионларда икки-уч қаватли, ёпиқ қўринишли трибуналар қўлланилмоқда. Бундай турдаги трибуналарнинг режадаги шакллари турлича: тўғри, ён томонлари қавариқ, овал, доиравий ва бошқалар.

Оптимал қўриниш диаграммасида катта ўлчамли трибуналардаги футбол майдонидан энг узок нуқтада (190 метр) турган томошабинлар чиқиб кетишларининг максимал қулайлиги кўрсатилган. Аммо замонавий Олимпия

стадионларида чиқиши узоқлиги 240-250 метрга етиб аренани томоша қилишни фақат қуролланган кўз билан амалга ошириш мумкин. Бундай ўлчамларга режада турлича шаклга эга бўлган трибуналарни киритиш мумкин.

Мехико стадиони каби доира кўринишидаги трибуналарнинг сифими 40-50 минг бўлиб, қўшимча тик туриб томоша қилиш учун катта микдорда жой ажратилган.

Эллипс ва С кўринишли заминдаги трибуналар янги трибуналар бўлиб, Ганноверда лойиҳаланган заминдаги стадионда замонавий ечими акс этди. Бунда эллипс кўринишли стадион қисми ер сиртидан чуқурда жойлаштирилди, ўроқсимон қисми эса (тупрок) тўқма тепалик кўринишга эга бўлиб, трибуналарнинг бу қисми спорт аренасининг ғарбида жойлашган. Эллипссимон трибуна 25 минг ўринга мўлжалланган бўлса, ўроқсимон қисми эса 50 минг томошабиннинг тик туриши учун мўлжалланган.

Будапештдаги спорт аренаси бўйлама жойлашган стадион трибунаси тақасимон кўринишга эга. Трибуналарнинг конструкцияси қоришиқ — темирбетон ва тупроқдан ташкил топган. Бундай шакл оммавий спорт ҳаракатлари кечётган майдон атрофига кўп сонли томошабинларни (100 минг) жойлаштириш эҳтиёжидан келиб чиқкан. Трибуналарнинг ташқи ўлчамлари кўриш чегарасидан (190 м) ташқарига чиқиб кетган, 240 метр ва ундан кўп масофани қуролланган кўз билангина томоша қилиш имкони мавжуд.


Трибуналарни режада лойиҳалаштириш бевосита қирқим қурилишига боғланган бўлиб, улар биргаликда трибуналарнинг конструктив тузилишини ва архитектуравий композициясини аниклади.

Кўйида трибуна қирқимлари учун характерли схемалари кўриб чиқилади: бир қаватли, заминда, темирбетондан бунёд этилган бир қаватли ёпмали ва ёпмасиз, бир қаватли ва икки қаватли қоришиқ, тупроқли ва темирбетонли – ёпмали ва ёпмасиз, икки қаватли темирбетон ва бир қаватли ҳамда икки қаватли металл конструкция.


Заминдаги трибуналар профилининг бир неча турлари мавжуд:

- ер устига тўқма (тупрок) трибуна, орқа томонида қиялиги билан ёки тўсиқ деворли;
- ер сатҳидан пастда жойлашган трибуна;
- ер устига қисман тўқма (тупрок) трибуна, орқа томонида қиялиги билан ёки тўсиқ деворли нисбатан бир қисми ер сатҳидан пастда;
- трибуналарнинг катта қисми ер сатҳидан пастда, трибуналарнинг кичик қисми-тўқма (тупрок) орқа томонида икки қиялиги ёки тўсиқ деворлитеррасалари билан;


Томошабинлар қаторларини заминдаги трибуналардаги конструктив ечимлар 4-расмда кўрсатилган.




Люк ва зинапоялар орқали ўтиладиган минбар ости йўлаклар




а) Минбар ости йўлаклар
б) Устки зинапоялар ёки пандуслар




а) Зинапоялар ва люклар орқали ўтиладиган минбар ости йўллар
б) Ташқи зиналар




а) Люклар орқали ўтиладиган зинапоялар орқали ўтиладиган б) минбар ости




а) Люк орқали ўтиладиган ва минбар ости йўлак
б) Люк орқали ва зинапоя орқали ўтиладиган минбар ости йўлаклар



а) Люк орқали ўтиладиган ҳамда минбар ости йўлак
б) Люк орқали ва зинапоя орқали минбар ости йўлак




Зинапоялар орқали ўтиладиган минбар ости йўлаклар




а) Люк орқали ўтиладиган йўлак ва минбар ости йўлаклар;
б) Зинапоя бўйича ўтиладиган йўлак; в) Зинапоя орқали ўтиладиган минбар ости йўлаклар

4-расм. Томошабинлар қаторларини заминдаги трибуналарнинг конструктив ечимлари



Кия қаторларини секциялар бўйича гурухларга ажратиш



Тўғри қаторлар устма-уст жойлашган люк орқали ўтиладиган йўллар

5-расм. Юкламалар гуруҳи ва минбар эвакуацияси ўриндиқлар кўриниши

Стадион трибуналарининг такомиллашиш жараёнида уларнинг янги турлари – темир-бетон ва замин қоришиқ трибуналари яратилмоқда. Биринчи марта Лос-Анжелес шаҳридаги Олимпия стадионида бу турдаги трибуналар курилган (АҚШ, 1932 йил). Бунда трибуналарни пастки қавати заминдаги қияликда, юқори қават эса-темир-бетон қурилмалардан томошабинлар учун 25 қатор ўринлари билан ташкил этилган. Трибуналар остида хизмат қўрсатиш хоналари жойлашган. Худди шундай икки қаватли трибуна Неаполь шаҳридаги стадионда ҳам қўлланилган бўлиб, трибуналарни иккинчи қавати биринчи қавати учун ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қиласди.

Трибуналарнинг тўлиши ва томошабинларнинг эвакуацияси люклар орқали амалга оширилиб, улар қабул қилинган ўтиш жойларига қурилган.

Люклар орқали ўтиш системаси икки ёклама очик ёки бир варакай тарқалиш кўринишида бўлиши мумкин. Бир варакай тарқалиш томошабинларнинг люклар олдида тўпланишини камайтириб, эвакуацияни бир текис ташкил этиш имконини беради. Томошабин ўринларини секцияларга бўлиш ҳар бир секциядаги қатор 50 ўриндан ошмаслиги ва қатор чуқурлиги 75-80 см бўлиши керак. Томошабин ўрини ўлчамлари: ўриндиқ узунлиги бўйича 40-42 см, эни 30-35 см, ўриндиқнинг ўтиш полидан баландлиги 45 см, қатор оралиғидаги ўтиш жойининг эни 45 см.

Люкларнинг эни 1,5 метрдан кам эмас ва 2,5 метрдан кўп бўлмаслиги зарур. Люклар сони ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, яъни 15000 кишидан кўп бўлмаслик шарти билан белгиланади.

Трибуналарни юк кўтаришга хисоблашда 1 m^2 га 400 kg босим ҳолида қабул қилиниши зарур.

Трибуна профили тўсиқсиз кўринишни таъминлаб, бунда енгил атлетика югуриш йўлкаси ички тўсигининг кўриниши олдинда ўтирган томошабин кўзига нисбатан орқада ўтирган томошабиндан камида 15 см пастда бўлиши зарур. Бу ўлчам С катталиги орқали белгиланган. Йўлканинг эгилган трибунага яқинлашган жойларида С катталигини 13 см гача камайтириш мумкин.

Трибунадан оптималь кўринишни хисоблаш формуласи мазкур китобнинг иккинчи бобида берилган.

Спорт павильонлари очиқ спорт майдонларини ва стадион иншоотлари, очиқ сув ҳавзалари, яхтаклублар, эшкак эшиш станциялари, мерганлик тирлари ва стендларини шунингдек, турли спорт ўйинлари учун майдончаларни йил давомида (волейбол, баскетбол, тенис ва бошқаларни) хизмат кўрсатиши учун мўлжалланади.

Павильонлар мақсадларига қўра хоналари, майдончалари ҳам турличадир. Шу сабабли уларни режалаштиришда композицион усуллар хилма-хил характерга эга.

Содда композициядаги спорт павильони тўғри тўртбурчакли шаклга эга бўлиб, бинонинг фронтал ёки ён тарафидан аёллар ва эркаклар учун умумий кириш қисми мавжуд.

Павильонларни лойиҳалашда вестибюлдан фойдаланаётган ва спорт залига томон ҳаракатланаётган спортчилар оқимининг бўлинишини инобатга олган ҳолда улар учун қулай ҳаракатланиш графигини таъминлаш керак.

Кичик ва ўртача катталиқдаги стадионда барча очиқ спорт майдони ва майдончаларига хизмат кўрсатиши кулайлаштириш мақсадида спорт павильоннининг марказда жойлашиши мақсадга мувофиқ.

Кичик спорт павильонлари учун куйидаги хоналар тизими назарда тутилади: вестибюль-грелка гардероби билан, сақлаш хонаси, конъкилар билан таъминлаш ва тақдим этиш хонаси, буфет, санитария гигиена хоналари, спорт анжомлари хонаси; спорт зали, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хоналари билан, хусусан: аёллар ва эркаклар кийим алмаштириш хонаси душ ва хожатхоналар билан, массаж, тиббиёт хонаси, кўрсатмалар бериш, анжомлар, радиоузел, иситиш ва шамоллатиш хонаси.

Ҳар хил, яъни турли катталиқдаги катта спорт павильонлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг хоналари тизимида бир нечта спорт заллари, сузиш сув ҳавзалари, сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради. Бундай павильонларда спорт турлари бўйича ўқув-машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион худудидан янада унумлироқ фойдаланиш имкони туғилади.

Адабиётлар

1. Указ Президента Республики Узбекистан УП № 3154 “О создании Фонда развития детского спорта Узбекистана”.
2. “Здоровое поколение – основа развития Узбекистана”. Речь Президента Республики Узбекистан на IX сессии Олий Мажлиса от 24 июня 2002 г.
3. Гагин Ю.А. Спортивные сооружения. М., 1976.
4. Каталог спортивного инвентаря и оборудования для оснащения детских спортивных сооружений. Т., Узбекистан, 2006.
5. Коненко И., Малахов Г. М. Спортивные сооружения. Краткий справочник. Профиздат. 1960.
6. Легкая атлетика и правила соревнования, М., ФиС, 1984.
7. Мирзақұлов Ш.А., Азизов Н., Нуршин Ж.М. Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. Т., 1993.
8. Николеенко А.В. Спортивные сооружения. Справочник для факультета физкультуры пединститута. М., Просвещение, 1976.
9. Паликарпов А. Спортивные сооружения. М., ФиС, 1972.
10. М.С.Ходжаев, А.А.Толаметов, А.М.Нурмухамедов, Ж.Х.Умаров. Спорт иншоотлари. / Ўкув қулланма. Тошкент. 2007 й. 96 б.


Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1. Спорт иншоотлари тармоғи.

Спорт иншоотлари тармоғи шаҳар ва қишилоқ аҳолисининг маънавий-масий ва согломлаштириши умуний тизимининг ажралмас қисмини ташкил этади.




Тақдимот 2. Спорт иншоотларининг турлари



Томошабинлар учун маҳсус жойлари бўлган ҳамма спорт иншоотлари намойиш қилишга мўлжалланган спорт иншоотлари ҳисобланади. Уларга стадионлар, спорт саройлари, универсал майдончалар, велотреклар ва бошқа трибуналарга, ўриндиқларга, стулларга, туриш учун жойларга эга бўлган спорт иншоотлари киради. Аҳолининг фаол дам олиши учун мўлжалланган спорт иншоотларига хиёбонларда, сув ҳавзалари яқинида ва бошқа жойларда жойлашган дам олиш масканлари киради ҳамда улар аҳолининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари учун мўлжалланган.



Тақдимот 3. Ҳажмли режалаштириш тармоқланиши



Ҳажмли - режалаштириши конструкцияси бўйича очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари фарқланади.

Ёпиқ спорт иншоотлари – бу ўқув – стренировка машғулотлари, мусобақалар ёпиқ залларда, манежларда, бассейнларда ва шу сингариларда ўtkaziladigan sport inshootlariidir.

Тақдимот 4. Ёпик иниоотлар мажсмуаси

Ёпик иниоот мажсмуалари




Спорт саройи – бу күп сонли ишқибозлар иштирокида турли спорт турлари бүйича мусобақалар ва оммавий чиқишилар үтказишига мослашувчи ҳамда спортчилар ва томошабинлар учун маҳсус жиҳозлар ва ёрдамчи биноларга эга бўлган аренали маҳсус қурилган бино.

Ёпик стадион – бу мусобақалар үтказиш учун мўлжалланган ҳамда томошабинлар учун трибунага эга бўлган нормал спорт ядроли спортчилар ва томошабинларга хизмат кўрсатиш учун барча керакли

Тақдимот 5. Алоҳида ёпиқ иншоотлар

Алоҳида ёпиқ иншоотлар



Спорт манежи – бу енгил атлетика ва спорт ўйинлари машғулотлари ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда керакли жиҳозлар ва мазкур спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш нормалари ва қоидаларида белгиланган ўлчамларга, шунингдек шуғулланувчилик учун ёрдамчи иншоотларга эга бўлган маҳсус бино.

Сувда сузиш учун ёпиқ бассейн – бу сузишга, сувда сакрашга, сув полоси ўйинига ўрганиш учун мослаштирилган ва мазкур спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш учун иситилган сувли ёки 25-50 метр узунликдаги ванналар катори (бу ҳолда иншоот комплекс ҳисобланади) бўлган маҳсус жиҳозли ва ёрдамчи иморатли бино.



Спорт зали – бу спорт ўйинлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун юзаси 300 м^2 дан кам бўлмаган тенис, баскетбол ва волейбол ўйинлари учун мусобақалар ўтказиш нормалари ва қоидаларида белгиланган маҳсус ўлчамларга эга бўлган ва ёрдамчи бинолар билан таъминланган қурилмалар билан жиҳозланган маҳсус бино.

Гимнастика зали – бу гимнастика бўйича машғулотлар ўтказиш учун юзаси 125 м^2 дан кам бўлмаган мусобақалар ўтказиш нормалари ва қоидаларида белгиланган маҳсус ўлчамларга эга бўлган ва ёрдамчи бинолар билан таъминланган қурилмалар билан жиҳозланган маҳсус бино.




Бокс учун зал – бу бокс бўйича машғулотлар ўтказиш учун мусобақалар ўтказиш нормалари ва қоидаларида белгиланган маҳсус ўлчамларга эга бўлган ва ёрдамчи бинолар билан таъминланган қурилмалар билан жиҳозланган маҳсус бино.

Кураш учун зал – бу кураш бўйича машғулотлар ўтказиш учун мусобақалар ўтказиш нормалари ва қоидаларида белгиланган маҳсус ўлчамларга эга бўлган ва ёрдамчи бинолар билан таъминланган қурилмалар билан жиҳозланган маҳсус бино.



Оғир атлетика учун зал – оғир атлетика бүйича мусобақалар ўтказиш учун мусобақалар ўтказиши нормалари ва қоидаларида белгиланган махсус ўлчамларга эга бўлган ва ёрдамчи бинолар билан таъминланган қурилмалар билан жиҳозланган махсус бино.
Қиличбозлик учун зал – қиличбозлик бүйича машғулотлар ўтказиш учун мусобақалар нормалари ва қоидаларида белгиланган қурилмалари хамда зарур ёрдамчи бинолар билан таъминланган мос ўлчамлари бўлган махсус бино.

Тақдимот 6. Очиқ иншоотлар комплекси



Стадион деб ўз таркибиде нормал спорт ядросига ёки 1500 томошабин учун ўриндиқларга, шунингдек махсус бино ва иншоотли ўйинлар ва гимнастика учун майдончаларга эга бўлган спорт иншооти комплексига айтилади.

Стадионлар майдон қисмлари (участкалари) ўлчамлари ва трибуналардаги ўринлар сони бўйича уч гурухга бўлинади :

- 1) Кичик стадион юзаси 3,5 гектардан кам бўлмаган ер участкасида 1500 – 5000 кишилик томошабинлар учун трибунага эга бўлиши керак;
- 2) Ўртacha стадион юзаси 5 гектардан 10 гектаргача ер участкасида 5000 – 10000 кишилик томошабинлар учун трибунага эга бўлиши керак;
- 3) Катта стадион 10 гектардан кам бўлмаган ер участкасида 10000 дан кўп томошабинлар учун трибунага эга бўлиши керак .


Спорт майдонча комплекси деб ўз таркибидагы томошабинлар учун ўриндиқлари, шунингдек шуғулланувчилар учун ёрдамчи биноси (павильони) бўлган нормал ёки кичиклаштирилган спорт ядроли спорт иншоотлари комплексига айтилади. Спорт майдончалари қўйидаги гурӯхларга бўлинади:

- 1) Ер участкаси 2,25 гектар бўлган катта спорт майдонлари;
- 2) Ер участкаси 1 гектардан кам бўлмаган ўрта спорт майдонлари;
- 3) Ер участкаси 1 гектардан кам бўлган кичик спорт майдонлари (футбол майдонисиз).

Эшкак станцияси ёки базаси – бу комплекс сооружений на естественном водоеме, обеспечивающий проведение занятий по гребле и хранение судов, имеющий на берегу павильон для обслуживания занимающихся.

Қишки стадион – тоғли жойда жойлашган ҳамда чанғида трамплин, тезкор тушиш ва слалом ва бошқалар бўйича машғулотлар ва мусобақалар ўтказилишини таъминлайдиган иншоотлар комплексидир. Қишки стадион керакли маҳсус қурилмаларга, ускуна-жихозларга, қўшимча биноларга ва томошабинлар учун жойларга эга бўлиши керак.

Тақдимот № 7. Очиқ алоҳида спорт иншоотлари



Маъруза №4

Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

4-Мавзу

Ўйин майдончалари (баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, чим устида хоккей, тенис, бадминтон). Болалар ўйин майдончалари.

Машғулот

шакли

Режа

1. Болалар ўйин майдончалари
2. Мактаб ўйин майдончалари.
3. бошлангич синф ўқувчилари ўйинлари учун майдонча ускуна-жиҳозлари.
4. ўйин майдонлари

Ўқув машғулот мақсади: болалар учун ўйин майдончаларнинг тузилиши ва ускуна-жиҳозлари ҳамда волейбол, баскетбол, тенис, бадминтон учун майдонча, футбол ва қўл тўпи майдонлари асосий параметрлари ва ускуна-жиҳозлари тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш.

Ўқитувчи вазифалари:

- болалар учун ўйин майдончаларининг турлари, тузилиши, жойлашиши ва ускуна-жиҳозлари билан таништириш
- волейбол, баскетбол, тенис, бадминтон майдончалари ҳамда футбол ва қўл тўпи майдонлари учун асосий параметрлар ва ускуна-жиҳозларни қисқача тавсифлаш

Ўқитиш воситалари:

Машғулотда ўқитиш шакли
Ўқитиш шарт-шароитлари

Маъруза

Ўқув фаолияти натижаси:

Талаба қўйидагиларни билиши керак:

- Болалар ўйин майдончаларининг турларини
- Шуғулланувчиларнинг ёшига қараб болалар ўйин майдончаларининг намунавий (тахминан) ускуна-жиҳозларини
- волейбол, баскетбол, тенис, бадминтон майдончалари ҳамда футбол ва қўл тўпи бўйича майдонлар учун асосий ўлчамлар ва ускуна-жиҳозларни

Ўқув қўлланмалари, слайдлар

Фронтал ишлаш

Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб гурух талабалари билан машғулот ўтказиш учун мўлжалланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқич, вакт	ўқитувчининг фаолияти	талабаларнинг
1-босқич. ўкув машғулотеига кириш (5 мин)	1.1. Мавзуни, мақсади ва режалаштирилган ўкув натижаларини эълон қилади. Ўйин майдончалари структураси, ўқув машғулотининг хусусиятлари билан танишитиради.	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар
2-й босқич Билимларни мустаҳкамлаш (20 мин.)	Талабалар билимини мустаҳкамлаш мақсадида йўналтирувчи саволлар беради: Болалар ўйин майдончалари қаерларда жойлаштирилади? Мактаб ўйин майдончалари қандай жиҳозланади? 3. Ўйини майдонлари қандай жиҳозланади? Саволларга жавоб олиш учун талабаларни жуфт-жуфт бўлиб ишлишини ташкил этади. Тезкор сўров амалга оширади. Экранга «Ўйин майдончалари» (<i>илюва 1</i> , Слайд №1) схемани чиқаради, танишитиради, схеманинг мазмунини изохлайди. Умумлаштиручи хулоса чиқаради (<i>илюва 2</i>). структуравий-мантиқий схема (Слайд №2) чиқарилади. Фан бўйича мавзулар рўйхати танишитирилади, уларни қисқача характеристлайди. Фан бўйича рейтинг тизими, жорий, оралиқ ва якуний назорат кўрсаткичлари ва мезонлари билан танишитиради. Асосий адабиётлар рўйхати ҳамда талабаларга кўйиладиган талаблар билан танишитиради.	1. 2. 2.1. Саволларга жавоб беради. 2.2. Слайд мазмунини ўрганади. Фаннинг роли ва аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. 2.3. №2 слайд мазмунини ўрганадилар, рейтинг - назорат ва бошқа талабларни ёзиб оладилар.
3-й босқич Машғулот шакли – маъруза (45 мин.)	3.1. Маъруза материаларини режадаги саволлар кетма-кетлиги бўйича баён этади, визуал материаллардан (<i>илюва 3</i>) фойдаланади ҳамда йўналтирувчи саволлар тизимини қўллайди: – савол бўйича: спорт иншоотлари тизими нималардан ташкил топган? – савол бўйича: Спорт иншоотлари қандай классификацияланади ? – савол бўйича: Спорт иншоотларини тоифалаш тартиби нималардан иборат ? Кўйидаги саволни беради: «Спорт иншоотлари структурасини тавсифланг». Тезкор сўров ўтказади.. Якуний хулоса чиқаради (<i>илюва 4</i>). Мустақил ишлиш учун топшириқ беради: «Спорт иншоотлари классификацияси» мавзусида кластер тузинг.	1 2 – савол 3 – Дикқат-эътиборни мавзунинг муҳим моментларига каратади ва уларни ёзиб боришини таклиф этади. 4.1. Схема ва жадвалларни, визуал материалларнинг мазмунини мухокама қиладилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар. Асосий жойларини ёзиб борадилар.
4 босқич. Якунловчи (10 мин.)	4.2. Саволларга жавоб беради. Тинглайдилар, Ёзиб борадилар.	

Маъруза_ 4. Спорт иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда асосий ташкилий ҳолатлар. Ўйин майдонлари (баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, тенис, бадминтон)

Маъруза режаси:

1. Ногиронлар учун спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар
2. Спорт майдонларининг технологик чизмаси
3. Ўйин майдонлари
 - A) Баскетбол
 - B) Волейбол
 - C) Футбол
 - D) Қўл тўпи
 - E) Тенис
 - F) Бадминтон
 - G) муз ва чим устида хоккей майдонлари.

Ногиронлар учун спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар.

Авваллари жисмоний томондан камчилиги бўлган инсонларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида шуғулланишларига етарлича эътибор берилмас эди.

Мустақиллик туфайли жамиятимизда илгари сурилаётган инсонпарварлик, “Ҳамма нарса инсон ва унинг фаровон ҳаёти учун” шиори туфайли ногиронлар жамиятнинг кўпқиррали ҳаётига тўлақонли кириши ва унда фаолият қўрсатишига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг барча аъзолари учун, уларнинг жисмоний ҳолатлари ва қобилиятлари даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, ҳаётий талаб ва эҳтиёжларни тўла амалга ошириш имкониятларини яратишни талаб қиласиди. Ушбу йўлда учрайдиган қийинчиликларнинг каттагина қисмифазовий муҳитни ташкил этишдан иборат бўлади.

Ногиронларнинг эҳтиёжларини архитектура (курилиш)ни лойиҳалаштиришда инобатга олиш зарурати, биринчи марта, ВСН 62-91 “Ногиронлар ва аҳолининг камҳаракатчан гурухлари ҳаёт фаолияти муҳитини лойиҳалаштириш” норматив ҳужжатида тасдиқланган.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари, бир томондан, харакатланиш фаоллигини оширади, бошқа томондан эса, жисмоний томондан камчилиги бўлган инсонларнинг ўзларини тадбиқ этишларининг муҳим омили ҳисобланади. Ушбу жараёнда айниқса, ўз кучига ва иродасига ишонишига, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишига ёрдам берадиган психологик реабилитация жуда муҳим.

Сиҳат саломат инсонлар ҳам, ногиронлар ҳам борадиган ҳар қандай спорт иншооти ёки биноси шундай лойиҳалаштирилиши керак-ки, ҳар бир инсон ва айниқса ногирон бу ерда ўз жисмоний камчилигини сезмаслиги ҳамда

эркин ҳаракатлана олиши ва ҳаракатланиш фаоллигига интила олиши, шуғулдана олиши керак. Буларни инобатга олган ҳолда ногиронлар учуниншоотлар ва биноларнинг архитектура - режалаштириш, конструктив ва техник талаблари ишлаб чиқилган. Жисмоний нуқсони хусусиятлари алломатлари бўйича жисмоний жиҳатдан камчилиги бўлган инсонлар тоифаларини аниқлашдан бошлаб ногиронларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш уларни лойиҳалаштиришнинг асоси сифатида олинган. Жумладан, ногиронларнинг қўйидаги уч тоифаси энг аҳамиятли архитектура - техник тадбирлар амалга оширилишини талаб қиласди:

- таянч-ҳаракатланиш аппарати шикастланган инсонлар;
- кўришида дефекти, тўлиқ ёки қисман кўзи ожиз, бўлган инсонлар;
- эшитиш дефекти бўлган, яъни кар, инсонлар.

Бошқа ногиронлар зикр этилган уч тоифа инсонлар учун барча зарур нарсалар кўзда тутилган иншоотлардан, шунингдек соғ-саломат инсонлар учун мўлжалланган иншоотларнинг кўпчилигидан фойдаланиши мумкин.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш тажрибаси фақатгина ногиронлар учун мўлжалланган жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотларининг намуналарини ва мисолларини келтириш имконини беради. Бироқ, улар, одатда, даволаш-реабилитацион ҳарактерига эга бўлади. Ушбу жараёндаги бош тенденция - ногиронлар ихтиёрий спорт ёки кўнгил очиш иншоотларидан сиҳат-саломат инсонлар билан teng ҳолда фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

Ногирон ўзини жамиятнинг тўлақонли ва tengxуқуқли аъзоси сифатида ҳис этиши керак. Унинг психологик реабилитацияси жараённида фақат эркин ҳаракатланиш ва ҳаракатланиш фаолияти турларини танлаш эмас, балки ногиронлар жамияти билангина чегараланиб қолмаслик имконияти жуда муҳим. Шу билан бирга, соғлом одамларнинг ногиронларга муносабати, бошқа одамларга нисбатан бўлгани каби, фақат улар билан бевосита ва доимий контакт жарёнида эришилиши мумкин. Инсоний муносабатлар қадриятлари тенденцияси шунчалик кучли-ки, эксплуатация жараённида соғлом одамлардан ҳам фойдалана бошлайдилар, жисмоний камчиликка эга бўлган одамларга мўлжалланмаган бино ва иншоотлар эса қайта таъмирланади ва ногиронларга керакли маҳсус анжомлар билан тўлдирилади.

Спорт иншоотларини лойиҳалаштирадиган ва улардан фойдаланадиган мутахассислар ногиронлар ҳаракат қилишлари учун ва машғулотлар жараённида қандай қийинчиликларга дуч келишларини яхши тасаввур қилишлари, улар олдида қандай қурилиш, техник ва технологик «барьер»лар туришини яхши билишлари керак. Бундай «барьер»лар вужудга келмаслиги ёки улар имкон қадар кам сонли бўлишлари учун қуийдаги икки гурух вазифаларни ҳал этиш керак:

- бинолар, иншоотлар ва алоҳида иморатлар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлишидан қатъий назар, уларнинг умумқурилиш вазифалари бўйича ногиронлар имкониятлари даражасида барча хизматлардан (масалан, ҳожатхоналар ёки гардероблар ва бошқалардан) фойдалана олишлари керак;
- ҳар бир типдаги иншоотларнинг ўз функциясини бажариш хусусиятлари, машғулотлар ташкил этиш жойлари ихтисослашганлиги, ногиронлар билан ишлаш услубиёти билан боғлиқ бўлган маҳсус вазифалар.

Умумқурилиш талаблари ногиронлар машғулотларини ташкил этишнинг услубий ва спорт-технологик томонларидан келиб чиқади.

Спорт майдонларининг технологик чизмаси

Спорт майдонларининг технологик чизмасида спорт турларига мўлжалланган майдонларини кўриниши ва ўлчамлари, бундан ташқари ўйин майдонларини қопламаларининг тузилиши ва қандай бўлиши кераклиги ифодаланади. Майдонларнинг тузилишини ва ўлчамларини аниқлаш мақсадида спорт майдонлари чизмалари берилган. Спорт ўйин майдонлари, асосан, тўғри тўртбурчак, очиқ ёки ёпиқ кўринишида бўлади. Ўкув машқларининг жараёни ва ҳар хил спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишга мўлжалланиб қурилган ҳамда жиҳозланган спорт иншоотлари билан танишиб чиқамиз.

Нарсанинг аник шакли ва улчамларини тугри курсата олишга кодир текисликдаги тасвирга чизма дейилади.Хозирги вактда чизма мухандисининг уз гояси ва фикрини ифодаловчи асосий хужжат хисобланади.Бу хужжат бўйича ишчи шу буюмни тайёрлаш имкониятига эга булади.Чизмаларни бажаришда Давлат стандарт(ГОСТ) ларига баён килинган коидаларга катъий риоя килиш шарт.Стандартлар техник хужжат булиб ,улар буюмнинг улчами шакли,материали ва бошка сифатлари курсатилади.Чизма бажаришда кабул килинган коида ва меъёрларга амал килиниши лозим.Чизма чизиш ва уларни тахт килишда,иш урни яхши ёритилган булиб,ёргулик иш урнида юкори ва чап томондан бироз олдинрокдан тушиши керак ва куз билан чизма орасидаги масофа 300-350мм булиши керак.Спорт иншоотлари фанидан спорт майдонларини чизмаси А4 бичимдаги когозга чизилади.Унинг улчамлари 297x210 мм булади.Форматлар ва асосий ёзувлар куйдагилардан иборат:

A0 841x1189

A1 594x 841

A2 420x594

A3 297x420


A4210x297 .

Чизма хошияси (рамкаси)ни ва асосий ёзуби ГОСТ.2.104-68 га мувофик бурчак колипи булиши лозим.Асосий ёзув чизма вараги хошиясининг пастки унг томонидаги бурчагида жойлаштирилади.Чизма альбом ёки китоб килиб

тикиш максадида унинг чап томонидан хошия чизигини варак четидан 20 мм булган узокликда чизилади.Хошиянинг колган учта томонни когоз четидан 5 ммга teng булган масофа чизилади.1.11 шакл чизма масштаблари; масштаб немисча суз булиб нисбатан деган маънони англатади.Яъни чизмани узини хакикий катталиги улчамларида чизиб булмайди,шунинг учун бундай ишни масштаб ёрдамида амалга оширилади.1:1-хакикий улчам,1:2- марта кичрайтирилгани,2:1-2 марта катталаштирилгани.

Баскетбол майдони

Баскетбол майдони маҳсус ер участкасида режалаштирилиб, тўғри тўртбурчак шаклида, алоҳида қоплама ётқизилган (ёғочли ёки синтетик, резина-битум ва тупроқка), маҳсус белгили ва мос равишда жиҳозланган бўлади. Ўйин майдони 28×15 м бўлиб, ички чизиқлардан ўлчанади ва узунасига тортилган ён чизиқ дейилади. Бошқа зоналар эса контитентал ва миллий мусобақаларда қуидагича: 4 м ён чизиқ ва 2 м юз чизиқ қисқароқ бўлиши ҳам мумкин. Янги қурилган ўйин майдонлари 28×15 м бўлиши шарт. Агар ёпиқ ҳолдаги майдон бўлса, полдан шипгача бўлган баландлиги 7 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ўйин майдони текис ва яхши ёритилган ва ёриткичлар ўйинчиларга халақит бермаслиги керак. Ўйинчиларга яхши кўриниши учун майдонни чегараловчи чизиқлар қалинлиги 5 см бўлиши ҳамда майдон бир текисликда ётиши лозим. Майдонни чегараловчи чизиқ ташқарисида ундан 2 м узокликда яна бир чизиқ тортилиб, бу оралиқ хавфсизлик зonasи дейилади.




1-расм. Баскетбол майдони

Майдон ўртасидан марказий чизиқ ва айлана тортилган бўлиб, айлана радиуси 180 см га тенг. Айлана ўлчами ташқи чизигигача ўлчанади. Марказий чизиқ ва юза чизиққа параллел ҳолда тортилиб, ён чизиқни кесиб, 0,15 м ташқарига давом эттирилган бўлади.

Баскетбол устуни ва шити

Халқа баландлиги 3050 мм, темирдан тайёрланган: хом-ашё – темир, устун ранги-очиқ, ёрқин ранглар, устун баландлиги – 3900-4100 мм, баскетбол устунлари ГОСТ 62-91-86 ва барча техника хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак.




2-расм. Баскетбол устуни ва шити.

Волейбол ўйин майдони

Майдон ўлчамлари. Майдон тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ўйин майдони узунлиги 18 метр, эни 9 метр бўлиши керак. Майдон ташқарисида биринчи чизиқдан 3 метр узоқликда яна бир чизиқ тортилиб, бу оралиқ хавфсизлик зонаси дейилади. Шунинг ҳисобига қурилиш ўлчами 24x15 метр бўлади. Хавфсизлик зонаси очиқда жойлашган майдонда 3 метр, ёпикдагида

эса 2 метр бўлади. Соддалаштирилган қоидага мувофиқ $15 \times 7,5$ метрни ташкил этади.

Майдонни чегараловчи чизиқлар майдон билан бир текисликда бўлиб, чизиқлар эни 5 см бўлади. Узунасига тортилган чизик – ён чизик, энига, яъни кўндалангига тортилган чизик – юз ёки эн чизик деб аталади. Майдон ўртасида иккита ён чизиққа туташган ўрта чизик ўтади.



3-расм. Волейбол ўйин майдони. Т-мураббий, БХ-бош ҳакам, ҳакам чизифи, тўпни узатиш.

У майдонни иккига бўлиб туради. Ҳар бир майдончада ўрта чизиқдан 3 метр узоқликда ўрта чизиққа параллел яна бир чизик ўтиб, бу оралиқ-хужум зонаси деб аталади. Хужум зонаси чизигидан орка юз чизиққача 6 метр оралиқ – химоя зонаси деб аталади.

Волейбол майдони қуидаги жиҳозлар билан тамилданади.


Түр. Ўрта чизик устида майдонга кўндаланг тортилади, узунлиги 9,5 метр, эни 1 метр катакчаларининг ўлчами 10×10 см бўлади. Баландлиги ўйинчиларнинг жинси ва ёшига қараб, яъни: эркак гуруҳи учун – 2,43 см; аёллар гуруҳи учун – 2,24 см бўлади. Тўр каноп ёки ипак ипидан тўқилган ва йўғонлиги 5 мм бўлади.

Түп. Түп юмалоқ бўлиб, айланаси 66 ± 1 см, оғирлиги 270 ± 10 г, чармдан ясалган.

Футбол майдони

Майдон ўлчами. Ўйин ўтказиладиган майдон тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, узунлиги 90 м дан 120 м гача ва эни 45 м дан 90 м гача бўлиши кўзда тутилган. Халқаро мусобақаларида ўйин ўтказиладиган майдон узунлиги 100 м дан 110 м гача ва эни 64 м дан 75 м гача бўлиши керак. Майдон узунлиги ҳар доим унинг энидан катта бўлиши тавсия этилади. Майдонни чегараловчи чизиқлар кенглиги 12 см дан ортиқ бўлмаслиги, аниқ кўриниб туриши ва майдон билан бир текисликда ётиши шарт (4-расм).

Майдоннинг узунасига чизилган чизиқлар – ён чизиқлар, майдоннинг кўндалангига чизилган чизиқлар эса дарвоза чизиқлари дейилади. Майдон ўртасидан унинг энига тортилган чизиқлар ўрта чизик бўлиб, ундан майдон маркази белгиланади. Майдон маркази белгисидан радиуси 9 м ли айланада чизилади. Чизиқлар ўлчами майдон ўлчамига киради.



4-расм. Футбол майдони.

Дарвазабон майдони. Дарвоза устунлар ичидан дарвоза чизиги буйлаб унинг икки ён тарафига 16,5 м узоқлиқда нуқта белгиланиб, дарвоза чизигига перпендикуляр қилиб майдонга 16,5 м ли чизик тортилиб, иккаласи туташтирилади. Ҳосил бўлган майдон жарима майдони дейилади.


Дарвоза чизигидан 2 м узоқликда дарвоза қаршисида пеналти түп тепишиң жойи белгиланиб шу ердан 9 м ли радиусда жарима майдони чизиги устига ярим айлана чизилади. Майдоннинг ҳар 4 та бурчаги ичидан радиуси 1 м бўлган ён чизиклари чизилади. Бу бурчак секторлари дейилади.

Дарвоза чизиги ўртасида дарвоза ўрнатилиб, узунлиги 7,32 см баландлиги 2,44 см бўлади. Тусин ва устунлари тўғри тўртбурчак шаклида, уларнинг кесишимаси 12x12 см ни ташкил қиласди.

Майдон усти текис, чимли қоплама билан қопланган кўринишга эга бўлиши керак.

Футбол майдонидан сувни оқиб чиқиб кетиши учун марказий қисмдан чегара чизиф томон қияликлар қилинади.

Футбол майдони қурилишини қўйидагича олиб борилади: чуқурлиги 30-40 см хандак ковланади. Хандак туби шағал тош билан тўлдирилади ва захоб сувлар ариқчаларидан ташкил топган тармоғи ётқизилади.



5-расм. Футбол майдони дарвозаси

Захоб сувлар тушадиган ариқчалар тубидан чуқурлиги 25-30 см хандақлар қилинади. Улар бир-биридан 17-18 м оралиқда қувурдан айланиб чиқиб кетадиган қилиб ўрнатилиади.

Майдон қатлами атмосфера сувларини табиий шимиб олса бундай жойларда захоб сув қувурлари тармоғи қурилмайди.

Агарда сув шимимайдиган ер бўлса, унинг асосига қалинлиги 6-8 см йирик дарё қумли қатlam қопланади ва унинг устига қалинлиги 10-15 см ли тупроқли қатlam ётқизилади. Иккала қатlamни енгил ғалтак мола билан шиббаланади.

Футбол майдонининг чимли қопламаси

Футбол майдонининг чимли қопламасигача унумдор тупроқ қатламининг қалинлиги 15-20 см бўлиши керак.

Уруғ сепишга қадар унумдор тупроқ солиниб ва текислангандан сўнг ўт уруғи сепилгунга қадар майдонни камида 15 кун давомида тупроқли ер бир текис секин-секин чўкиши ва якуний текисланиш ишларини амалга ошириш учун тўхтатиб турилади.

Футбол майдонига ўт уруғини экиш учун танлашда, жойнинг табиий шароитини ҳисобга олиш керак (иқлим, тупроқ). Яхшиси бу масала бўйича маҳаллий тажрибали агрономдан маслаҳат олиш керак.

Аралаш ўт уругини майдоннинг 1 m^2 га 20 g уруғ сепилиш ҳисобини олган ҳолда олиб борилади.

Уруғ экишдан аввал, майдон усти хасткаш билан текисланади ва оғирлиги 200 kg келадиган ғалтак молада шиббаланади.

Аввало пусти қаттиқ уруғларни майдоннинг бўй ва энига сепилади. Уруғ экилган майдон хасткаш билан текисланади ва яна худди уша ғалтак мола юрғизилади.

Уруғ сепишдан аввал ўсимлик тезроқ ўсиши учун тез таъсир этувчи ўғитлар солинади (сульфат аммиак, супер фосфат). Бутун майдоннинг юзасига $400\text{-}450\text{ kg}$ ўғит солиш талаб қилинади.

Лекин, ўғитнинг нави қанча ва қанча миқдорда солиш керак каби саволларга жавоб олиш учун маҳаллий агроном билан маслаҳатлашиш мақсадга мувофиқдир.

Майдонга экилган уруғ униб чиққунга қадар тупроқ намлигини сақлаб туриш лозим. Суфориш тадбирлари сувни пуркаш орқали амалга оширилади.

Майдонда ёш чимли қоплама қалинлиги камида 5 cm бўлгандагина ўйнаш мумкин. Ёмғирли кунларда ёш чимли қопламада ўйнаш мумкин эмас. Футбол майдонига экиладиган ўт уруғлари аралашмасининг таркибини 1-жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

№	Уруғлар номи	Фоизда				Аралашмалар			
		-	15	-	15	20	20	10	10
1.	Қўноқ ўт	-	15	-	15	20	20	10	10
2.	Қизил бошоқли ўсимлик	-	25	40	50	50	25	-	20
3.	Бошоқли ўт	70	10	50	15	15	20	20	-
4.	Яйлов рейграси	30	40	-	10	10	15	15	20
5.	Оқ беда	-	10	10	10	5	-	15	10
6.	Оқ дала кучқороқ	-	-	-	-		10	15	10
7.	Тулки қўйруқ ўти	-	-	-	-	-	10	-	-
8.	Бошоқли ўтлар								
9.	Қилтиқсиз ялтирбош	-	-	-	-	-	-	15	15

	Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
--	------	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Қўл тўпи майдони


Майдон ўлчами. Қўл тўпи майдони тўғри турбурчак шаклида бўлиб, узунлиги 38 m дан 44 m гача ва эни 18 m дан 22 m гача бўлади. Оптимал ўлчами $40 \times 20\text{ m}$. Майдонни чегараловчи чизиклар 5 m кенглиқда бўлиб, майдон билан бир текисликда ётади.

Узунасига тортилган чизиклар – ён чизиклар, кўндалангига тортилган чизиклар, юз чизиклар дейилади.

Дарвоза юз чизик ўртасига маҳкам қилиб ўрнатилиб, эни 3 m , баландлиги 2 m (ички тарафдан ўлчангандан) бўлади. Усти ва тўсиқлар ёғочдан тўғри тўртбурчак шаклида ишланиб, кесмаси $8 \times 8\text{ cm}$ бўлади.

Дарвозабон майдонини белгилаш учун юз чизиққа параллел равишда 6 m узоклиқда 3 m ли узунлиқда чизик чизилиб, дарвоза иккала устунининг ички бурчагидан 6 m радиусли ярим айланга 3 m ли чизиққа туташтирилади.

Шу майдон дарвозабон майдони дейилади. Дарвозабон майдони ташқарисида ундан 3 m узоклиқда шу майдон ташқарисида ундан 3 m узоклиқда шу майдон чизигига параллел ҳолда яна бир узуқ чизик чизилади. Бу эркин тўп отиш зонаси дейилади.




6-расм. Күл түпи майдони

Теннис майдони

Түп узатиш ва ўйин майдони $23,77 \times 10,97$ м майдондан иборат. Ўйин майдони яқинида ҳакам учун 1,83-2,15 м баландликда ўриндиқ (айвонча) ўрнатилди. Ўриндиқ мустаҳкам, енгил күчириладиган, горизонтал, тирсак күядиган ёндори ва ҳакам қоғоз қўйиб ёзиб бориши учун кўндаланг очилувчи планкадан ташкил топган.

Теннис майдони жиҳозига қуидагилар киради:

- икки устун орасига тортиладиган тўр;
- тўп баландлигини ростлаш учун маҳсус асбоб;
- майдоннинг ён томонига баландлиги камида 3 м бўлган тўр тортилади (тўсиқ сифатида).



7-расм. Теннис майдонни 1-сетка учун стойка, 2-3-сетка

Теннис майдони устки қисмини қоплаш учун маңсуз аралашма қуидагы таркибда бўлади:

1. Майдаланган кукунга ўхшаш тупроқ ----- 15-25%
 2. Қум ----- 40-45%
 3. Эланган қурилиш чиқити ----- 35-40%

Бадминтон майдони

Бадминтон майдончаси текислиқда жойлашған спорт иншоотларига кириб, унинг устига маҳсус қоплама, маҳсус жиҳозлар ва ўлчамлари туширилади. Майдоннинг ўлчамлари $13,4 \times 6,1$ м.

Бадминтон майдонида марказдан икки металл устунга қотирилган түр тортилиши лозим. Тўрнинг ўлчамлари: $6,1 \times 0,75$ м бўлиб, тўрнинг юқори чегараси $1,55$ м баландликда ўрнатилади.

Муз устида хоккей уйин майдони.

Муз устида хоккей - бу жамоавий уйин бўлиб, унинг мақсади шайбани чавган ёрдамида рақиб дарвозанинг тўрига тушириш ва шу билан бирга ўз дарвозасини голдан ҳимоя қилиш.

Муз устида хоккей ўйини маэлум ўлчамдаги ёйсимон бурчакли бортлар билан тўсилган ҳамда хоккей майдончаси деб аталағидан муз сиртида (текислигида) ўтказилади. Ушбу майдоннинг ўлчамлари 61×30 м.ни ташкил этади. Ёйсимон бурчакнинг эгрилик радиуси – 8,5 метр.

Хоккей майдончаси муз текислигидан баландлиги 122 см.дан катта ва 115 см.дан кичик бўлмаган ёғоч ёки пластиле бортлар билан ажратилган бўлади. Музнинг ўйин текислиги, белгиоаш чизиқларидан ташқари, оқ рангли бўлиши керак. Муз майдонига қараган бортлар текислиги ўйинчиларга бирон чароҳат ётказхиши мумкин бўлган буюмлардан холи бўлиши керак. Борелар оқ рангга (уларда рекламани жойлаштириш имконияти мавжуд) бўялаган бўлади. Бортнинг муз текислигига чегарадош қисмларида буткул параметри бўйича 15-20 см., баландликда ва 2,5-3 см., кенглика пластиқдан қалинлаштирилади ва шунингдек оқ рангга бўялади.

Хоккей ўйин майдончаси текислигига кириш имкониятини берадиган эшиклар майдончага нисбатан ташқи томонга очилиши керак. Ҳимоя қурилмалари ва мосламалари бортларга майдончанинг ташқи томонидан маҳкамланади. Ҳар бир олдинги бортдан 4 метр масофада ва орқа орқа бортга параллел ҳолда муз текислигида буткул майдончага кўндаланг кенглигим 5 см., бўлган қизил чизик ўтказилади. Бу чизиқлар дарвоза чизиқлари деб айтилади.

Майдончанинг дарвоза чизиқлари оралиғида жойлашган муз текислиги ўзаро тенг учта соҳага бўлинади. Белилашлар 30 см., қалинликдаги кўк чизиқлар билан амалга оширилади. Чизиқлар дарвоза чизиқларига параллел ўтказилади ва ҳар бир ҳимоя борти бўйича вертакал давом эттирилади. Майдончанинг ҳимояланаётган жамао дарвозаси ўрнатилган қисми ҳимоя соҳаси деб айтилади. Майдончанинг 2та кўк чизиқлар орасида жойлашган марказий қисм ўрта соҳа деб айтилади. Майдончанинг ҳимояланаётган жамао дарвозасидан энг узоқ қисми ҳужум соҳаси деб айтилади. Дарвоза чиқизлари орасидаги масофани ўртасида ва уларга параллел 30 см., кенглиқдаги қизил чизик ўтказилади ва майдончанинг иккала бортида ҳам юқорига кертикал

холда давом эттирилади, бу чизиқлар ўрта чизиқ деб айтилади. Дарвозалар олдида қизил чизиқ билан дарвоза маңдони белгиланади. Чизиқнинг енглиги 5 см.ни ташкил этади. Дарвоза майдони ўлчамлари 253 x 122 см., бўлган тўғри тўртбурчакдан иборат. Ушбу майдон иккита параллел чизиқ билан кесишишидан ҳосил бўлади. Ён чизиқлар дарвоза тзсиқларининг ташки томонидан 30 см., узоқда ўтказилади. Чизиқнинг кенглиги дарвоза майдончаси ўлчамларига киради.

Майдончанинг марказида майдонча текислигига диаметри 30 см., бўлган ва марказий нуқта деб айтиладиган кўк нуқта белгиланади. Ушбу нуқтанинг марказидан радиуси 4,5 мерт бўлган ва марказий айланани ташкил этадиган кўк рангли айлана ўтказилади. Чизиқнинг кенглиги - 5 см. Ўрта соҳада ҳар бир кўк чизиқдан 1,5 метр узоқликда ва ён бортлардан 8 метр ёки дарвозалар марказларини туташтирадиган шартли ўқ чизиқдан 7 мерт узоқликда муз текислигига шайбани ташлаш нуқталари деб аталадиган ҳамда диаметри 60 см., бўлган иккита қизил нуқталар белгиланади.

Ҳимоя соҳасида ва хужум соҳасида дарвозанинг иккила томонидан дарвозалар марказларини туташтирадиган шартли ўқ чизиқдан 7 мерт узоқликда ва дарвоза чизиғидан 7 мерт узоқликдан муз текислигига диаметрик 60 см., бўлган ҳамда сўнгги шайба танлаш нуқталари деб аталадиган тўртта қизил нуқталар белгиланади. Ушбу нуқталар марказларидан радиуси 4,5 мерт бўлган қизил рангдаги айлана ўтказилади. Чизиқнинг кенглиги 5 см., бўлади. Дарвоза чизиғидан 6 мерт масофада ва ушбу чизиқларга параллел ҳолда ҳар бир айлананинг ташки томонидан кенглиги 5 см., ва узунлиги 60 см., бўлган қизил чизиқлар ўтказилади. Сўнгги шайба ташлаш нуқталари марказидан 1 мерт масофада муз текислигига қалинлиги 7,5 см., бўлган Т – симон чизиқ чизилади. Чизиқнинг юқори қисми дарвоза чизигига параллел бўлиши керак. Т – симон чизиқнинг ўртасидан муз текислигига узунлиги 1 мерт бўлган юқори қисмiga перпендикуляр қизил чизиқ ўтказилади. Ҳар бир сўнгги шайба танлаш нуқтасидан ён бортларга параллел ҳолда узунлиги 15 см., ва кенглиги 5 см., бўлган ҳамда қарама қарёи томонларга йўналтирилган иккита қизил чизиқлар ўтказилади. Ушбу чизиқларга ҳакам томонидан шайба ўйинга ташланганда ўйинчилар ўз чаргарларининг илгагини (шайбани ўз жамоаси томонига олиш мақсадида) қўйиб турадилар. Ҳакамлар бригадаси (бригада – маълум бир вазифани бажариш мақсадида бирлашган бир гурӯҳ ҳодилар) жойлашадиган жойнинг яқинида муз текислигига қизил чизиқнинг ўртасидан радиуси 3 метр ва кенглиги 5 см., бўлган қизил рангли ярим айлана ўтказилади. Ушбу ярим айлана ҳакамлар соҳасини ташкил этади.

Дарвозалар дарвоза чизиқлари устида ва ён бортлар орасида ўрнатилади. Дарвоза тўсинларининг ташки диаметри 5 см.ни, дарвозанинг баландлиги эса муз текислигидан 122 см.ни ташкил этади. Тўсинларнинг ички томонлари орасида бир биридан 183 см. масофада ўрнатилади.

Ўйинчилар учун ўриндиклар 14 нафар ўйинчига ва жамоанинг 6 нафар расмий вакилларига мўлжалланган бўлиши керак. Жарима жазосини олган

ўйинчилар учун ўриндиқлар 8 нафардан ортиқ бўлмаган жаримачиларга мўжалланган бўлиши керак.

Чим устида хоккей ўйини учун майдон.

Чим устида хоккей - анча эски ва кизиқарли ўйинлардан биридир. Бу ўйинда ҳар бирининг таркибида 11 ўйинчи бўлган икки жамоа иштирок этади. Чим устида хоккей ўзйини учун майдонча 92 x 52 мертли ўлчамли тўғри тортбурчакдан иборат. Белгилаш оқ чизиқлар билан амалга оширилади. Чизиқларнинг кенглиги 8 см. Майдонда каноплар билан белгилаш, унга оҳак ёки қипиқлар сочиш рухсат этилмайди.

Чизиқларнинг кенглиги майдон ўлчамлартга киради. Майдон марказий чизиқ билан teng иккига бўлинади. Дарвоза чизигидан 23 метр масофада пунктиир билан ўрта (23 метрли) чизиқ беогиланади. Дарваза марказидан 7 метр масофада диаметри 8 см., бўлган жарима зарбаси бажарилиши учун оқ белги қўйилади.

Дарвоза олдида 15 м масофада дарвоза чизигига параллел ва узунлиги 3,66 м бўлган чизиқ ўтказилади. Бу чизиқ дарвоза чизиги билан кесишгунча марказлари дарвоза тўсинларининг ташки томонида ҳисобланган айлана ёйлари сифатида ҳар икки томонга давом этади. Ушбу чизиқлар ва дарвоза чизги чегаралари ташкил этадиган майдонча зарба соҳаси деб айтилади. Майдоннинг бурчакларида марказий ва 23 мли чизиқларни белгилаш учун 120 см баландликдаги байроқчалар ўрнатилади. Бу байроқчалар майдон ташқарисида ён чизиқдан 1 м масофада ўрнатилади. Дарвоза чизиги ўртасидан 1,83 м масофада қарама - қарши томонга 1,83 м узоқликда дарвозани ўрнатиш учун иккита белги қўйилади. Ҳар бир устуннинг ташки томонидан дарвоза чизигида тўртта белги (дарвоза чизигига тўғри бурчак остида ўтказилган қисқа чизиқлар): иккитаси 4,5 м масофада ва яна иккитаси 9 м масофада қилинади.

Ўйин учун майдон текис, яхши чим билан қопланган бўлиши керақ, шунингдек, ўйин сирти текис бўлган тупроқли майдонларда ҳам ўтказилиши мумкин. Майдоннинг атрофида 3 мертдан кам бўлмаган ўлчамдаги ҳавфсизлик соҳаси бўлиши керак.

Чим устида хоккей учун майдоннинг ускуна ва жиҳозларига дарвозалар киради. Дарвоза иккита вертикал устунлар, горизонтал тўсин (олдинги ром) ва тўсин ва устунларни бирлаштириб турадиган орқа ромдан ташкил топган.

Штанганинг ва устуннинг орқа томонлари кенглиги 5 см, уларнинг ён томонлари кенглиги эса – 8 мерт бўлиши керак. Дарвоза устунлари орасидаги масофа 3,66 метрни, устунлар баландлиги – 2,14 метрни, дарвозанинг пастки кенглиги – 1,2 метрни, юқори кенглиги эса – 0,91 метрни ташкил этадиарсар. Дарвозанинг орқа роми коптокни ўтказиб юбормайдиган тўр (иеталл тўр бўлгани мақсадга мувофиқ билан тортилади. Тўр штангаларга, устунга ва орқа ромга мустахкам махкамланган бўлиши керак. Махкамланиш оралиғи 15

смдан катта бўлмаслиги керак. Дарвоза ўзининг буткул пераметри бўйлаб баландлиги 0,45 метр бўлган қуи тахтачага эга бўлади. Дарвоза роми металлдан тайёрланган бўлиши мумкин, бироқ вертикал устунлари ва тўсин оқ ранга бўялган ёғочдан бўлиши керак.

Чим устида хоккей учун майдоннинг қабул қилиш қобилияти – 22 киши.

Назорат саволлари

- 1.** Болалар майдончаларида ўрнатиладиган ускуна ва жиҳозларни болаларнинг ёшига ва майдончаларни жойлашишига қараб тахминан тавсифланг.
- 2.** Волейбол (баскетбол) майдончаларининг асосий параметрларини тавсифланг .
- 3.** Тенис (бадминтон) майдончаларининг ускуна-жиҳозларини тавсифланг.
- 4.** Футбол (қўл тўпи) майдонларининг асосий параметрларини тавсифланг.
- 5.** Чим устида хоккей ўйини майдоннинг асосий ўлчамларини ва жиҳозларини тавсифланг.
- 6.** Бошланғич синф ўқувчилари учун майдончаларнинг ускуна-жиҳозларига нималар киради?


Адабиётлар

1. Гагин Ю.А. Спортивные сооружения. М., 1976.
2. Каталог спортивного инвентаря и оборудования для оснащения детских спортивных сооружений. Т., Узбекистан, 2006.
3. Легкая атлетика и правила соревнования, М., ФиС, 1984.
4. Мирзақулов Ш.А., Азизов Н., Нуршин Ж.М. Миллий кураш мусобақаларини ўтказиш қоидалари. Т., 1993.
5. Николеенко А.В. Спортивные сооружения. Справочник для факультета физкультуры пединститута. М., Просвещение, 1976.
6. Паликарпов А. Спортивные сооружения. М., ФиС, 1972.
7. М.С.Ходжаев, А.А.Толаметов, А.М.Нурмухамедов, Ж.Х.Умаров. Спорт иншоотлари. / Ўқув қулланма. Тошкент. 2007 й. 96 б.

Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1 Спорт иншоотлари таснифи ва тоифаланиши


1996 йил 26 марта спорт иншоотларини аниқ белгилаш учун қисқача тасвифномали таснифи киритилиб тасдиқланди. Бу ягона таснифлаш ёрдамида спорт иншоотларини табақалаш, ҳисоботи ва паспортизацияси бажарилади. Бу синфлаш асосида спорт иншоотлари қуидагиларга бўлинади:



Тақдимот № 2

Энди мактабда жисмоний тарбия
машғулотлари учун спорт
майдончаларини ва уларнинг
жиҳозларини қараб чиқамиз.


Волейбол майдончаси яхши текисланган ер участкасидан иборат бўлади. Бу участкада 18×9 м ўлчамдаги, участка ўлчамлари кичик бўлганда 15×7.5 м.ли, ўйин майдончаси бўр ёки оқ бўёқ билан белгиланади. Майдончанинг тўлиқ периметри бўйлаб 3 м ўлчамдаги йўлка бўлиши ҳамда ушбу йўлкада халақит берувчи буюмлар, ўриндиқлар ва шу сингарилар бўлмаслиги керак.





Волейбол майдончаси.

Тақдимот 3. Баскетбол майдончаси.


Баскетбол майдончасининг ўлчамлари 28×15 м.ни, участка кичик бўлганда эса, 18×12 м.ни ташкил этиши керак. Майдонча периметри бўйлаб хавфсизлик соҳасининг кенглиги 1 м.дан кам бўлмаслиги керак. Ўйин майдончаси яхши кўринадиган чизиқлар билан белгиланиши ҳамда ихтиёрий нуқтада томошавинлар ёки ҳар қандай тўсиқлардан 2 м. масофада жойлашиши керак. Ҳамма чизиқлар бир хил (оқ ранг бўлиши мақсадга мувофик) рангда ҳамда кенглиги 5 см. ва яққол кўринадиган бўлиши керак.





Тақдимот 4. Қўл тўпи учун майдонча


Қўл тўпи учун майдонча 40×20 м ёки 30×15 м (кичрайтирилган вариант) ўлчамларга эга бўлади. Майдонча периметри бўйлаб хавфсизлик соҳаси кенглиги 1.5 м.ни ташкил этади. Бундай майдонча текис, чим қатлами бўлмаган, ўйинчиларга хавф-хатар туғдирадиган ташки буюмларсиз бўлиши керак. Майдонча сиртига яхши дренаж тизимига эга бўлган резинобитум асфальт ёткизилиши. ёғочлан тайёрланган катлам бўлиши



Тақдимот 5. Теннис майдончаси

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида теннис ўйини оммавийлашиб бормоқда. Теннис ўйини учун жой сифатида югуриш соҳаси деб аталадиган фазо билан ўралган текис майдонча – корт хизмат қиласди.


Кортнинг маркази тўр билан иккига бўлинади. Яккалик ўйин учун корт узунлиги 23,77 м. ва кеглиги 8,23 м. бўлган тўғрибурчакли майдондан иборат.




Стандарт теннис корт.

Тақдимот 6. Бадминтон учун майдонча

Бадминтон – дунёдаги энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Бадминтон бўйича расмий мусобақалар бинони ичидаги ўтказилади. Жуфтлик бадминтон ўйини учун майдонча $13,4 \times 6,1$ м., яккалик ўйин учун $13,4 \times 5,18$ м. ўлчамдаги тўғрибурчакли тўртбурчакдан иборат. Майдонча умумий юзаси 15×7 м бўлган худудда белгиланади.







Тақдимот 7. Футбол майдон

Футбол майдонининг стандарт ўлчамлари, масалан, узунлиги бўйича 110-100 м ва кенглиги бўйича 75-64 м. Бундай майдонларнинг энг кенг тарқалган ўлчамлари


104^x69 м. Соддалаштирилган қоидалар бўйича ўйинда футбол майдонининг ўлчамлари 90^x60 м. бўлиши мумкин. Майдоннинг узунлиги ҳар доим кенглигидан катта бўлиши керак. Майдон ҳар қандай халиқ берувчи ташки буюмлардан холи бўлиши керак. Майдондаги белгилашлар кенглиги 12 см. бўлган аниқ кўринувчи чизиклар (арқон ёки иплардан фойдаланиб бўлмайди) билан амалга оширилади.



Футбол ўйини учун майдон.



Тақдимот 8. Чим устида хоккей



Чим устида хоккей ўйини учун майдонча ўлчамлари 92×55 м. бўлган тўғри бурчакли тўртбурчакдан иборат. Нисбатан узун чизиклар ён чизиклар деб, нисбатан қисқа чизиклар эса – дарвоза чизиги деб айтилади. Белгилашлар оқ чизиклар билан амалга оширилади. Чизикларнинг кенглиги 8 см. Ўйин майдони марказий чизиқ ёрдамида teng иккига бўлинади. Дарвоза чизигидан 23 м масофада пунктир билан ўрта (23 метрли) чизиклар белгиланади. Дарвоза марказидан 7 м масофада диаметри 8 см бўлган жарима зарбаси бажариладиган оқ белги жойлаштирилади. Дарвоза олдида 15 м масофада дарвоза чизигига параллел 3,66 м узунликдаги оқ чизик ўтказилади.

Маъруза №5

Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси

5-мавзу.

Спорт иншоотлари фалиятини режалаштириш. Спорт иншоотларининг классификацияси ва тоифаланиши. Спорт майдонлари конструкцияси ва материаллари.

Машғулот

шакли

Режа

1. Жорий режалаштириш бўлимлари
2. Даромад ва харажат сметаси
3. Спорт иншоотларининг тоифаланиши
4. Универсал спорт иншоотлари
5. Ёпик спорт сув хавзалари

Ўкув машғулот мақсади: спорт иншоотларини лойиҳалаштириш ва қурилиши асослари ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

Ўқитувчи ҳал қиласидаги азифалар

- лойиҳалаштириш турлари билан таништириш.
- Лойиҳа мазмуни ва қурилиш усуллари билан таништириш.
- Спорт иншоотлари паспортининг асосий бўлимларини қисқача тавсифлаш
- Энг кенг тарқалган қопламаларнинг қисқача характеристикасини изоҳлаш.
- Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича асосий чора-тадбирларини тасифлаш.

Ўқитиши воситалари

Ўқитиши шакли

Ўқитиши шарт-шароитлари

Маъруза

Ўкув фаолияти натижаси

Талаба қуидагиларни билиши керак:

- лойиҳалаштириш турларини
- Лойиҳанинг асосий ҳужжатларини
- спорт иншоотлари паспортининг асосий қисмларини айтиб беришни
- Энг кенг тарқалган қоплама турларини айтиб беришни
- Мехнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича асосий чора-тадбирлар

Ўкув қўлланмалар, слайдлар

Фронтальная ишлаш

Ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб гуруҳ талабалари билан машғулот ўтказишга мўлжалланган аудитория

Маърузанинг технологик харитаси.

Машғулот босқичи, вакт	Фаолият	талабалар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (5 мин)	ўқитувчи 1.1. Мавзуни, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қилади. Ўйин майдончалари структураси, ўқув машғулоти хусусиятлари билан таниширади.	Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, савол берадилар
2-й босқич. Билимларни мустаҳкамлаш (20 мин.)	Талабалар билимини ўрганиш ва уларни фаоллаштириш мақсадида жалб қилувчи саволлар беради : <ol style="list-style-type: none"> 1. Болалар ўйин майдончалари қаерда жойлаштирилади ? 2. Мактаб ўйин майдончалари қандай жиҳозланади ? 3. Ўйин майдончалари қандай жиҳозланади ? Для ответа на всўровы организует работу в парах. Ўтказади блиц-сўров. 2.2. «Ўйин майдончалари» (1-илова №1 слайд) схемасини экранга чиқаради ва у билан танишишини таклиф қилади,, схемани мазмунини изохлади. Умумлаштирувчи хулоса чиқаради (2 - илова). 2.3. Экранга структуравий - мантиқий схемани (№2 слайд) чиқаради, фан бўйича мавзулар рўйхати билан таниширади, уларни қисқача тавсифлайди. Фанни ўйин бўйича рейтинг тизими, жорий, оралиқ ва якуний назорат кўрсаткичлари ва мезонлари билан таниширади. Асосий ва қўшимча адабиётлар билан ҳамда талабаларга қўйиладиган талаблар билан таниширади.	2.1. Саволга жавоб берадилар. 2.2. Слайд мазмунини ўрганадилар, фаннинг роли ва аҳамияти тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. 2.3. №2 слайд мазмунини ўрганадилар, рейтинг назорат ва бошқа талабларни ёзиб оладилар.
3- босқич. информацион (45 мин.)	3.1. Режа бўйича маъруза материалларини кетма-кетликда баён этади. Визуал материаллардан (3-илова) йўналтирувчи саволлар тизимидан фойдаланади: 1-савол бўйича. Спорт иншоотлари тизими нималардан ташкил топган? 2-савол бўйича. Спорт иншоотлари қандай классификацияланади? 3-савол бўйича. Спорт иншоотларини тоифалаш қандай амалга оширилади? Талабалар дикқатини мавзунинг асосий моментларига қаратади ва уларни ёзиб олшни таклиф қилади.	3.1. Схемалар ва жадваллар, визуал материалларнинг мазмунини муҳокама қиладилар, аниқлаштирадилар, савол берадилар. Асосий ва муҳим жойларини ёзиб оладилар.
4 босқич. Якуний (10 мин.)	Савол беради:: «Спорт иншоотлари структурасини тавсифланг». Блиц-сўров ўтказади. Якуний хулоса чиқаради (4-илова). 4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: «Спорт иншоотлар классификацияси» мавзусида кластер тузиш.	4.1. Саволга жавоб берадилар 4.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.

Маъруза_5. Спорт иншоотлари фаолиятини режалаштириш. Спорт иншоотларининг классификацияси ва тоифаланиши. Спорт майдонлари конструкцияси ва материаллари.

Маъруза режаси:

1. Жорий режалаштириш бўлимлари
2. Даромад ва харажат сметаси
3. Спорт иншоотларининг тоифаланиши
4. Универсал спорт иншоотлари
5. Ёпиқ спорт сув ҳавзалари

Жорий режалаштириш бўлимлари.

Спорт иншоотларини режалаштириш ишлари бир йил муддатга (ёзги, қишки) спорт сезонига мўлжалланиб тузилади. қаттиқ қиш бўладиганжойларда ёзги сезон апрелдан қишки сезон эса октябр-ноябрдан режалаштирилади. қаттиқ қиш бўлмайдиган жойларда декабр-январ баҳор сезонига спорт иншоотларини ишларига ўтиш даври деб хисобланади. Спорт иншоотларнинг жорий режаси аввал жисмоний тарбия жамоасида, профсоюзда ва юқори спорт ташкилотларида тасдиқланади. Бундан ташқари жорий редалаштиришнинг бир бўлими бўлмиш молия режаси керакли молия органларида тасдиқланади. Спорт иншоотларнинг жорий режалаштириш ишлари иншоотларнинг функционал фаолиятини ўз зиммасига олади.

Режага:

- 1) ташкилий ишлар
- 2) ўқув спорт ишлари
- 3) спорт тадбирлар ўтказиш
- 4) молия масалаларни ечиш
- 5) жисмоний тарбия ва спортни оммавилаштириш
- 6) ремонт қурилиш ишларини обориш
- 7) тиббий хизмат кўрсатиш ва техника ҳавсизлигини ташкил этиш
- 8) моддий техника билан таъминлашлар киради.

Режанинг хар бир бўлими спорт иншшотлари фаолиятидаги ривожи, тўғри эксплуатация, молия фаолиятига қўра масалаларни ечиши лозим.

Ташкилий ишлар бўлими ўз зиммасига базибир иншоотлар қисмини режасини тузишни инструкция ва қонунларни тузишни, иншоотларга қарашли органларни ташкил этишни олади.

Ўқув-спорт ишлари бўлими спорт турлари жумладан умумий жисмоний таяргарлик, сузиш, конки отиш, чанғи учиш бўйича спорт секциялар ташкил этишни ўзига мужассам этади. Бу ишлар маълум бир вақтга режалаштирилади, ўқув машғулотлар сеткаси (кун, хафта, ўн кунлик ёки ойлик бўйича бўлади. Маълум бир иншоотларда тахсил кўраётган гурӯхлар соатбай юкламасига

қараб спорт иншоотларнинг юклама графиги деб юритилади. Спорт иншоотлари хафталик графиги энг кўп тарқалган бўлади. Спорт иншоотлари комплексида базибир спорт иншоотлар графиклари спорт турлари бўйича умумий бир дарс жадвалига келтирилади. Юклама графиклари ва дарс жадваллари ҳамма кирадиган ва яққол кўрадиган жойларга осилади.

«Спорт тадбирлари» бўлимидағи режа ўз зиммасига ҳамма спорт мусобақалар тақвими режасини олади ва сезон ёки жорий ойга тузилиб у ҳам кўринадиган жойга осилади.

Даромад ва харажат сметаси.

Молия режа ишлари бўлими спорт иншоотлар фаолиятини энг асосий қисми бўлади. Режалаштирилаётган молиявий операцияларда асосий хужжат спорт иншоотларининг даромад ва харажат сметаси хисобланади. Бу хужжатни тузиш спорт иншоотлари фаолиятини ҳамма қиррасини билишни талаб қиласди. Даромад ва харажат сметаси бир йилга кварталга бўлинган холда тузилади. Даромад сметасини биринчи қисми спорт иншоотлари бўйича ўтказиладиган ҳар хил мусобақалар даромад моддасини ўз зиммасига олади. Бу сметага спорт мусобақаларни, байрамларни ва бошқа тадбирлар (концертлар, эстрада ва цирк томошалари, кинофильмлар кўргазмаси ва спортчиларнинг кўргазмали чиқишилари) кириш тўлов ечимлари киради. Кўпчилик спорт иншоотлар учун асосий даромад моддаси жисмоний коллективларига, клубларга, олий ўқув юртларга ва бошқа ташкилотларга мужассам бўлган спорт иншоотларни ижара топшириш асосий даромад моддаси деб юритилади. Ундан ташқари даромад сметасига умум жисмоний тарбия бўйича тўлов гурухлари спорт турлари бўйича пул тўлидиган спорт гурухлар, сузиш бўйича ўргатув гурухлари, инвентар ва ускуналарни прокатга бериш улардан олинган қирав тўловлар киради.

Харажатни асосий моддасига спорт иншоотларни таъминлаш сув қиймати отопление, электроэнергия ва транспорт харажатлари киради.

Администрация ишлаб чиқарувчи персонал ва штатда бўлмаган ишчилар маоши режа харажатини кейинги моддасига киради. Маош фондини ва ишчилар сонини юқори турган молия ташкилотлари тасдиқлайди. Спорт иншоотларини штати уларни таснифи ва бошқа ташкилотларни бу иншоотларни таъминлашга боғлиқ. Ойлик ва йиллик маошлар бўйича спорт иншоотлари ишчиларини штатлари бўйича жадвал тузилади. Бу жадвал спорт иншоотлари ишга тушиш вақтига раҳбар томонидан тузилиб, юқори турувчи молия ташкилот томонидан тасдиқланади. Ҳамма давлат бюджетига қарашли спорт иншоотлари учун яна бир муҳим ўринни «Амартизация ажратмалар моддаси» эгаллайди. Бу спорт иншоотлари ҳар йили Давлат банкига амартизация ажратмаларини ўтказади. Ажратмалар йифиндиси иншоотларини қиймати ва иш муддатларига боғлиқ бўлади. Ҳар бир спорт иншооти нормал ишлатилганда вақтида жорий ва капитал ремонтлар қилинганда кўп муддатда

ишилайди. Давлат органларида тасдиқланган вақт муддати (эксплуатация муддати) амартизация нормаси деб юритилади. Бу маблағларни йигиндиси йиллик ва квартал амартизация ажратмаларини Давлат банкидаги йигиндисидан иборат бўлади. Амартизация фонди фақатгина иншоотларни асосий фондларини тўла тиклашига (реновацияга) ёки уларни капитал ремонтига сарфланиши мумкин. Бинобарин тиклаш ёки капитал ремонт учун алоҳида амартизация нормалари тасдиқланади.

Спорт иншоотларининг тоифаланиши

Бир типли спорт иншоотлари ўзининг катталиги билан табақаларга бўлинади. Спорт иншоотларининг б-та табақаси белгиланиб, улар қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

1. Трибуналадаги жойларнинг сони ва очиқ спорт майдонларининг сони (стадионлар).
2. Ҳовузларнинг кенглиги ва сони.
3. Трибуналардаги ўтириш жойларининг сони, сунъий равишда музлатилган муз жойларининг сони (спорт саройлари).
4. Очиқ ва ёпиқ типдаги спорт иншоотлари сони ва спортчилар учун яшаш хонасининг сони (ўқув-спорт базалари).
5. Чанғилар сони (chanfi базаларида).
6. Масофали механизация билан таъминланган жиҳозланган тирларнинг борлиги (ўқ отиш жойи).
7. Айлана шаклидаги ошиш учун деворлар ва зовурлар (траншеялар) сони (ўқ отиш-овчилик деворлари).
8. Катта кемалар сони (эшкак эшиш базалари, яхтклублар ва сув-мотор базалари).
9. Алоҳида иншоотлар сони (комплекс майдонларда).
10. Трамплин катталиги, ҳисобланган сакраш узунлиги (chanfi трамплинларида).
11. Алоҳида спорт залларининг таркибий сони.

Тоифаларга (категорияга) кирмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Булар қаторига Москвадаги йирик спорт комплекси ҳисобланувчи В.И.Ленин номли Марказий стадион, Олмаота яқинидаги юқори тоғ чўққисида жойлашган музлик Медео стадиони, Москвадаги сув спорти Саройи, Киев, Санкт-Петербург, Минск ва бошқа шаҳарлардаги Спорт саройлари киради. Ўзбекистонда Тошкентдаги Пахтакор стадиони шулар жумласидан.

Ўйин майдонлари тенглигини аниқлашда (белгилашда) уларнинг ўйин ва қурилиш майдони ўлчамларини билиш зарур. Ўйин майдони ўлчами ўйин қоидалари ёрдамида белгиланади. қурилиш ўлчамлари эса, хавфсизлик зоналари ҳисобига кўра ўйин майдонига нисбатан каттароқ бўлади (қуида I-жадвалда кўрсатилган).

Ўйин майдонлари алоҳида ёки бирлашган ҳолда жойлашиши мумкин. Масалан, бир текисликда битта ёки ҳар хил спорт турлари учун бирлашган майдонлар бўлиши мумкин. Бирлашган майдонлар мисоли I-расмда кўрсатилган.

1-жадвал

Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамлари

Спорт тури бўйича ўйин майдонлари	Ўйин майдонларининг ўлчамлари (м)				Осонлаштирилг ан қоида бўйича ўйин майдони ўлчами	
	Ўйин		қурилиш		Узу нлиги	эни
	уз унлиги	эн и	уз унлиги	эн и		
Баскетбол	28	15			26	14
Волейбол	18	9	24	15	15	7,5
Қўл тўпи	40	20	44	23	36	18
Бадминтон	13,4	6,1	15	8	12	5
Теннис			40	20	36	18
Футбол	90	60	98	64	60	40
а) қоида бўйича	110	75	118	79	75	50
б) спорт ядро лойиҳаси типи бўйича	104	69				

Бир типли спорт иншоотлари ўзининг катталиги билан табақаларга бўлинади. Спорт иншоотларининг олтига табақаси белгиланиб, улар қуидаги кўрсаткичлар билан аниқланади:

1. трибуналадаги жойларнинг сони ва очиқ спорт майдонларининг сони (стадионлар);
2. ҳовузларнинг кенглиги ва сони;
3. трибуналардаги ўтириш жойларининг сони, сунъий равишда музлатилган муз жойларининг сони (спорт саройлари);
4. очиқ ва ёпиқ типдаги спорт иншоотлари сони ва спортчилар учун яшаш хонасининг сони (ўкув-спорт базалари);
5. чанғилар сони (chanfi базаларида);
6. масофали механизация билан таъминланган жиҳозланган тирларнинг мавжудлиги (ўқ отиш жойи);
7. айлана шаклидаги ошиш учун деворлар ва зовурлар (траншеялар) сони (ўқ отиш-овчилик деворлари);

8. катта кемалар сони (эшкак эшиш базалари, яхтклублар ва сув-мотор базалари);
9. алоҳида иншоотлар сони (комплекс майдонларда);
10. трамплин катталиги, хисобланган сакраш узунлиги (chanғи трамплинларида);
11. алоҳида спорт залларининг таркибий сони.


Универсал спорт иншоотлари



1-расм. Рио-де-Жанейро. Маракана стадиони

Тоифаларга (категорияга) кирмайдиган спорт иншоотлари ҳам бор. Булар қаторига Жанубий Америкадаги энг йирик футбол стадионлардан бири – Маракана стадиони, 1950 йилда қурилган. Архитекторлар П.П.Б. Бастус, А.А. Диас Карнейру ва бошқалар томонидан лойиҳалаштирилган (1-расм). Москвадаги йирик спорт комплекси Марказий стадион, Олмаота яқинидаги юқори тоғ чўққисида жойлашган музлик Медео стадиони, Москвадаги сув

спорти Саройи, Киев, Санк-Петербург, Минск ва бошқа шаҳарлардаги спорт саройлари киради. Ўзбекистонда Тошкентдаги Пахтакор стадиони шулар жумласидан (2-расм).



2-расм. Тошкент шаҳридаги “Пахтакор” стадиони макети

Спорт иншоотларининг тоифалари жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари тасдиқланган кўрсаткичларига мос равишда белгиланади. I ва II тоифаларни республика спорт қўмиталари, қолганларини вилоят ва туман қўмиталари белгилайди.

Республикамизда ҳозирда халқаро стандарт миқъёсидаги спорт иншоотлари жуда кўп қурилмоқда. Кўпгина спорт иншоотлари фақатгина шаҳарларда қурилибгина қолмасдан, балки туман ва вилоят марказлари ва қишлоқларда қурилмоқда. Одамларни оммавий жисмоний тарбия ва даволаш марказларига жамлаб, ёшларни ишга ва Ватан ҳимоясига тайёрламоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент, Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган қатор спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги «Юнусобод», «Жар», Миллий банк, Наманган шаҳрида «Паҳлавон», Жиззах шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар

шулар жумласидандир. 2000 йилга келиб мамлакатимизда спорт иншоотлар сони 7407 тага етди ёки 1992 йилдагига нисбатан 19 фоизга кўпайди. Уларни бунёд этишда, айниқса, мураккаб спорт иншоотлари – стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт залларига алоҳида эътибор бериляпти. 2003 йилда 1991 йилга нисбатан стадионлар сони 120 тага ёки 64 фоизга, спорт заллари 1307 тага ёки 29 фоизга, сузиш ҳавзалари 162 тага ёки 142 фоизга ошди. Бундан ташқари, футбол майдонлари сони 1140 тага ёки 20 фоизга, теннис кортлари эса, 475 тага ёки қарийб 3 баробарга кўпайди. Асосийси, янгидан барпо этилган ёки реконструкция йўли билан қайта тикланган барча спорт соғломлаштириш масканлари замонавий лойиҳалар, шарқона услугуб ва юқори самарадорлик асосида ташкил этилаётгани, барча спорт турлари бўйича техник малакаларни эгаллаш имконини берувчи воситалар билан жиҳозланаётгани таҳсинга лойиқдир.

Спорт иншоотлари республикамизнинг энг узоқ бурчакларида ҳам бор. Лекин энг кўпи ва йириклари ватанимиз пойтахти Тошкентдадир. Тошкентдаги марказий “Пахтакор” стадиони 1956 йили қурилиб 55000 томошабинни сифдиради. Унда енгил атлетика мусобақалари ўтказиш учун жой, катта майдон (футбол майдони), кичик майдон мавжуд, бокс ва қиличбозлик заллари ҳам бор. Футбол майдони чим қоплама билан қопланган.

Стадионда стандарт талабларига жавоб берадиган ҳамма ёрдамчи иншоотлар ҳам мавжуд.

“Меҳнат резервлари” спорт комплексида югуриш йўлаклари ва енгил атлетика секторлари бор, стадионга 18000 томошабин сиғади. Стадионда мусобақа ўтказиш учун синтетик қопламали жойлар мавжуд. Волейбол ва баскетбол мусобақалари ўтказилади. Комплексда намойиш заллари, бокс, эркин ва классик кураш учун ҳам заллар мавжуд. Оғир атлетика учун 2 та зал бор. Иккита сузиш ҳавзаси бўлиб, унда биттаси ёпиқ 25 метрли йўлакчали, иккинчиси 50 метрли очиқда жойлашган бўлиб, сув иситиш тармоғи билан боғланган. Бу ерда яна ўқ отиш мусобақалари ўтказса бўладиган ихтиёрий катталиктаги ўқ отиш жойи бўлиб, замонавий тиббийтикланиш маркази мавжуд. Комплексда юз ўринли меҳмонхона ҳам бор.

Яна бир асосий спорт комплексларидан бири “Юнусобод” теннис корти бўлиб, у территория жиҳатидан ўртача комплекс хисобланади. У ўкув – шуғулланиш, спорт томошалари ва аҳолига ҳар хил майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан иборатдир. Унинг умумий майдони 3 гектарга тенг. Спорт комплекси ўз ўзини мустақил қоплаш хисобидаги бирлашма бўлиб, у 1994 йил 28 майда фойдаланишга топширилган. Иншоотда очиқ ва ёпиқ спорт обьектлари бўлиб, бинодан ташқарида жойлашган 8 та очик, бинода жойлашган 2 та ёпиқ кортдан иборат. Комплексда гимнастика атлетикасига ва шейпингга мўлжалланган заллар мавжуд.



3-расм. Юнус-Обод спорт комплекси

Спорт комплекс режасига киритилган 120 ўринли ошхона, магазин, гўзаллик салони бўлиб, бунда 50 хилга яқин майший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари бор. Комплексда “Сауна”, уқалаш, сув муолажалари, стоматология, овоз ёзиш хоналари ва автомашиналар турар жойлари бор. Марказий бинода шаҳар меҳмонлари учун меҳмонхона ишлаб турибди. Комплекснинг диққатга сазовор томони – бу теннис кортлари. Унда 4 та халқаро стандартга жавоб берадиган корт бўлиб, 40 x 20 метр ўлчамга эгадир. Қолган 4 таси шуғулланиш учун мўлжалланган. Марказий корт 3000 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Бино ичидаги кортлар 132 томошабин сиғдириш имкониятига эга. Комплексда барча ёрдамчи спорт иншоотлари мавжуд (3-расм).



4-расм. Юнус-Обод тенニис иншооти олди томондан қўриниши

Ўзига хослигини айтиб ўтиш жоиз, бунда ойнабанд икки қўшма қобик қўринишидаги ёпма бўйлама йўналиши бўйича ўзаро боғланган.


Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1.



Яшовчилар сонини ортиши, мавжуд спорт базалар сонини, уларнинг тайёргарлик сифатини ва транспортга кулайлигини аниқлаш сингари – асосий факторлардан ташқари, яшовчиларнинг спортга бўлган қизиқишини, географик жойлашишини, иқлим хусусиятларини ва мазкур аҳоли пунктида яшовчилар учун характерли бўлган бошқа кўпгина факторларни инобатга олиш зарур.

Тақдимот № 2.




Спорт иншоотини лойиҳалаштириш конструктив схемани танлашдан, яъни вазифаси, ҳажми ва структураси билан аниқланадиган объектнинг бўлажак иншоот элементларини горизонтал ва вертикал

Намунавий,
тажрибавий ва
индивидуал
войиҳалаштириш
ўзаро бир-биридан
фарқланади.


Намунавий
войиҳалаштириш деб
белгиланган тартибда
тасдиқланган ва кўп
мартали
фойдаланишга
мўлжалланган
пойинага айтилади

Тажрибавий
войиҳалаштириш
спорт
иншоотларининг энг
рационал турини
аниқлаш мақсадида
амалга оширилади.

Индивидуал лойиҳа
алоҳида бир спорт
иншоотини қуриш
учун яратилади.



Чизмалар қурилишнинг ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечими тўғрисида тасаввур беради. Бошланғич сметалар, айрим иш турларига ва объектларга сметалар яхлит спорт иншоотининг нархини белгилайди.



Умумий чизмалар

Чизмалар тафсилоти

Тақдимот № 3.

Муз спорт саройларини лойиҳалаштириш ва қуриш

Муз спорт саройи – бу ажойиб инвестицион лойиҳадир. Европада бундай комплекслар ресторонлар, кафелар, бассейнлар (сув ҳавзалари) ва ўйин заллари, хоккей учун ҳамда муз устида югурувчилар ва фигурали учувчилар тренировкалари учун муз майдони билан жиҳозланган бўлади.

Муз спорт саройи туридаги спорт иншоотлари бугунги кунда – концертлар ва шоу-томушалар, спорт мусобақалар ва оддий ҳордик чиқариш учун фойдаланиладиган катта спорт - қўнгилочар комплекслардир. Бундай сарой мусобақадан ва бошқа катта тадбирлардан бўш бўлган кунларда конъкини олиб болалари билан биргаликда ажойиб машғулотга, конъкида учишга ... ошно бўлиш имконини берган бўлар эди.


Сув ҳавзасини лойиҳалаштириш хусусиятлари

Яхши, чиройли ва сифатли замонавий сув ҳавзаси фақатгина эфектли ва антиқа дизайнга эга бўлиб қолмай, балки анъанавий сув ҳавзаларининг функционал талабларига жавоб бериши, лойиҳалаштириш ва қурилишнинг энг замонавий технологиялари бўйича қурилиши керак.


Тақдимот № 4.



Тақдимот № 5.



Тақдимот № 6.



Тақдимот № 7.

Спорт иншоотларидан фойдаланиш – бу, энг аввало, ўқув – тренировка машғулотларини ўтказишда хавфсизликни таъминлаш.


Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича тадбирлар қўйидаги бўйимларга бўлинади: техника хавфсизлиги, вентиляция, ишлаб чиқариш санитарияси, асосий ва ёрдамчи спорт иншоотларини лойиҳалаштириш ва куриш нормалари, техника хавфсизлигини тарғибот қилиш.

Хавфсизлик техникиси ўқув – тренировка машғулотлари ва мусобақаларни ўтказишда хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган тадбирлар

Тақдимот № 8.

Ишлаб чиқариш санитарияси ўз таркибига сунъий ва табиий ёритилганликни рационаллаштиришни; машғулот ўтказиш жойларини йиғиштириш ва тозалаш ишларини механизациялаштиришни; ўқув жиҳозлари предметларини ва спорт (инвентар) ускуналарини тозаликда сақлашни; ҳаво муҳитида нормадаги ҳароратни сақланишини, шунингдек машғулот шароитларини такомиллаштиришга йўналтирилган барча тадбирларни олади

Тақдимот № 9.



Маъруза №6

Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси

№6 мавзу. **Шаҳар ва қишлоқда спорт иншоотлари тармоқлари.**
Қишлоқ жойларида спорт иншоотларини режалаштириш.

Шакли

Режа

1. Шаҳар спорт иншоотлари тармоқлари.

2. Қишлоқ спорт - соғломлаштириш комплекси

Ўқув машғулот мақсади: шаҳарда спорт иншоотлари тармоғини тавсифлаш ва замонавий қишлоқ спорт комплекси тўғрисида тасаввурни шакллантириш.

Ўқитувчи вазифалари

маъруза

Ўқув фаолияти натижалари

Талаба қуидагиларни билиши керак:

- Шаҳарда спорт иншоотлари тармоғи тузилиши билан таништириш
- Микрорайон, район, районлараро ва умумشاҳар спорт иншоотларини қисқача тавсифлаш
- Замонавий қишлоқ спорт – соғломлаштириш комплексига қисқача характеристика бериш

Ўқитиш воситалари

- Шаҳарда спорт иншоотлари тармоғи мазмунини;
- Микрорайон, район, районлараро ва умумшаҳар спорт иншоотлари характеристикаларини;
- Қишлоқ спорт комплексининг намунавий мазмуни ва жиҳозларини санаб ўтиш;

Ўқитиш шакли

Ўқув қўлланмалар, слайдлар

Ўқитиш шарт - шароитлари

Фронтал ишлаш

Ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб гурӯҳ талabalari билан машғулот ўтказишига мўлжалланган аудитория

Маърузанинг технологик харитаси

Машғулот босқичи, вакт	Фаолият
1-босқич. Ўқув машғулотга Kirish (5 мин)	ўқитувчи 1.1. Мавзуни, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қиласди. Шаҳар ва қишлоқ жойларида спорт иншоотларини режалаштириш билан таништиради.
2-й босқич Билимларни мустаҳкамлаш (20 мин.)	таалабалар Тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саол берадилар Талabalар билимини ўрганиш ва уларни фаоллаштириш мақсадида жалб қилувчи саволлар беради : 1. Спорт иншоотлари тармоқларини қандай фарқ

	<p>қиладилар?</p> <p>2. Спорт иншоотлари классификацияланади?</p> <p>3. Ўйин майдонлари қандай жиҳозланади?</p> <p>Саволларга жавоб олиш мақсадида жуфт-жуфт ишлашни ташкил этади. Блиц-сўров ўтказади.</p> <p>2.2. Экранга «Ўйин майдончалари» (№1 слайд, 1-илова) схемасини чиқаради ва танишиб чиқишни таклиф қиласи, схема мазмунини изоҳлайди.. Якунловчи хулоса чиқаради (2-илова).</p> <p>2.3. Экранга структуравий - мантикий схемани (№2 слайд) чиқаради, фан бўйича мавзулар рўйхати билан таништиради, уларни қисқача тавсифлайди. Асосий ва қўшимча адабиётлар, талабаларга қўйиладиган талаблар билан таништиради.</p>	<p>роли ва аҳамияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</p> <p>2.3. С№2 лайд мазмунини ўрганадилар, рейтинг – назорат ва бошқа талабларни ёзиб оладилар</p>
3-й босқич. Информацион (45 мин.)	<p>3.1. Режа бўйича маъруза материалларини кетма-кетликда баён этади. Визуал материаллардан (3-илова) ҳамда йўналтирувчи саволлар тизимидан фойдаланади:</p> <p>1-савол бўйича. Спорт иншоотлари тизими нималардан ташкил топган?</p> <p>2-савол бўйича. Спорт иншоотлари қандай классификацияланади?</p> <p>3-савол бўйича. Спорт иншоотларини тоифалаш қандай амалга оширилади?</p> <p>Талабалар дикқатини мавзунинг асосий моментларига қаратади ва уларни ёзиб олшни таклиф қиласи.</p>	<p>3.1. Обсуждают содержание схем и таблиц, визуальные материалы, аниклаштирадилар, саол берадилар. Ёзиб оладилар главное.</p>
4 босқич. Якуний (10 мин.)	<p>Савол беради: «Спорт иншоотлари структурасини тавсифланг». Блиц-сўров ўтказади. Якуний хулоса чиқаради (4-илова).</p> <p>4.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: «спорт иншоотлари классификацияси» мавзусида кластер тузиш.</p>	<p>4.1. Отвечают на всёров.</p> <p>4.2. Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p>

Маъруза_6. Шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотлари тармоқлари. Қишлоқларда спорт иншоотларини режалаштириш

Маъруза режаси:

1. Шаҳар ва қишлоқ спорт иншоотлари ҳақида умумий тушунча
2. Шаҳар ва қишлоқда спорт иншоотларини куриш
3. Болалар спорт иншоотлари
4. Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари
5. Мехмонхона биносининг қурилиш-конструктив асоси
6. Мехмонхона биноларини архитектуравий композицияси
7. Автотуристлар учун меҳмонхоналар

Шаҳар ва қишлоқ спорт иншоотлари ҳақида умумий тушунча

Спорт иншоотларини қурувчи ташкилотлар аввалом бор, ўзлари иншоотни яхши кўз олдига келтириб, қуидагиларни инобатга олишлари керак:

1. Иншоотни қандай мақсадда қўлланишини;
2. Унинг класси ва қанча одам бўлишини;
3. Асосий майдон ва заллар сонини;
4. Ёрдамчи хоналар жойланишини;
5. Томошибинлар учун жойлар сони ва жойланишини.

Бундан кейин унинг нархини аниқлаш лозим. Бир турдаги лойиҳалар смета нархидан аниқланади.

Агар қурилиш объекти лойиҳа бўйича қурилса, бу ҳолда унинг тахминий нархи қўлланмалар ёрдамида аниқланади.

Бинони нархини аниқлагандан кейин лойиҳа ишлаб чиқиш нархи, лойиҳа нархини ва қурилиш нархини ажратиш муаммоларини ҳал қилиб қўйиш зарур. Бунинг учун қурилиш ташкилотларида лимитларни ҳал қилиш керак ва бу спорт иншоотни қурилишини давлат режасига киритиш лозим.

Бу муаммоларни ҳал қилингандан кейин буюртмачи ва лойиҳани ишлаб чиқадиган корхона билан биргаликда керакли ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлашга тайёрлайди.

1. Лойиҳа ишларини бажариш учун топшириқ тайёрланади. Топшириқни тайёрлаш жараёнида қуидагиларни хисобга олиш керак:

- а) қурилаётган спорт иншоотини қайси туманда қурилишини ва бу туманнинг режасини ҳисобга олиш зарур;
- б) ёки қишлоқда, микрорайонда, шаҳарда бўлса, бу ерларнинг участкаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Лойиҳа буюртмасига қуидаги кейинги маълумотлар берилиши керак:

1. ушбу бино ёки спорт иншоотида шуғулланиши мўлжалланаётган спортчи, ишчи-хизматчи ва жисмоний тарбиячиларнинг сони;

2. қурилишнинг рўйхати;

3. қурилишнинг тахминий майдони, автомашиналар учун тўхташ жойлари ва ҳаракат ҳолларини, шунингдек, ободонлаштириш иш режаларини хисобга олиниши;

4. смета таннархини буюртмачининг имкониятлари билан солиштириш.

Катта қурилишларга (стадион, спорт саройлари) техник-иктисодий асослаш (ТЭО) ишлаб чиқилади.

Бунга асосан келажақдаги қуриладиган бино ёки комплексни рентабеллиги нархини чиқариб олиш керак. Лойиха буюртмачиси шу лойиҳага асосан маблағ ажратган корхонанинг раҳбари тасдиқлайди ва шундан кейин бу ҳужжат рўйхатга олинади ва шаҳар, қишлоқ, районнинг тавсияси бўйича ер участкаси ажратилади. Спорт иншооти қуриладиган участкага бир нечта талаблар қўйилади: 1) техник талаблар; 2) экономик; 3) санитар талаблари.

Шаҳар ва қишлоқда спорт иншоотларини қуриш

Ҳозирги замонда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида спорт иншоотлари зарурӣ аҳамият касб этади. Шуни назарга олган ҳолда шаҳарда ва қишлоқларда режалаштирилаётган спорт иншоотлари техник талабларга ҳамда лойиҳа талабларига жавоб бериши лозим.

Шаҳар ва қишлоқларда қандай спорт иншоотлари режалаштириш ва қуриш керак деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Шаҳар кўп аҳоли жойлашган ва маҳсус қарор билан шаҳар статуси берилган жой бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, завод, фабрикалар фаолият кўрсатади ҳамда қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуролларини ишлаб чиқаради.

Алоҳида жойлашган тураг жойлар ва унинг аҳолиси 1,5-3 минг бўлса, бу ҳолда унинг худудида комплекс жисмоний тарбия майдонлари, яъни гимнастика, енгил атлетика билан шуғулланиш учун, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари қурилиши лозим ва унинг умумий майдони 1200 m^2 дан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари иккита тенис столи учун майдонча ажратилади.

Микрорайонда – алоҳида жойлашган тураг жойлар учун ажратиладиган спорт иншоотлари қурилади ва алоҳида ажратилган ердан ташқари бу спорт майдонларини дам олиш ҳиёбонларда жойлаштириш мумкин.

Агар микрорайонда аҳолининг сони 6 минг одамдан кўп бўлса унда комплекс майдончалар қўйидагилардан иборат, яъни гимнастика билан шуғулланиш учун майдонча, волейбол, баскетбол, тенис майдонлари ва унинг умумий майдони 6700 m^2 дан кам бўлмаслиги керак. Агар микрорайоннинг аҳолиси 12 минг ва ундан ортиқ бўлса унда умумий майдон 8400 m^2 гача кенгайтирилади.

Аҳоли зич яшайдиган районларда (24-36 минг аҳоли) спорт маркази қурилиши режалаштирилади ва у спорт марказларининг иккинчи тоифасига киради. Уларга футбол майдони (96x64 метр) ва машқлар учун иккинчи майдон (66x44 метр), иккита тенис майдони (36x18 метр ҳар бири), очик

бассейн (25x10 метр), тир 50 метр ва томошабинлар учун бир минг ўриндиқ бўлиши керак.

Умумشاҳар спорт мажмуалари олий даражали спорт иншоотларига киради. Шаҳар худудида спорт иншоот тармоқларини қуришдан олдин ажратилган ер участкаларини ўрганиб чиқилади ва улар қуидагича:

- 7 ёшгача болалар учун спорт мажмуа узоқлиги 50-100 метр бўлиши керак;

- 7-10 ёшгача 150-200 метр;

- 11-17 ёшгача 400-500 метр.

Райондаги спорт маркази 20 минутли масофада жойлашган бўлиши керак.

Стадион бош режасини лойиҳалашда кўп минглик томошабинларни эвакуация вақтида турли оқимларни кесиб ўтмайдиган ҳолда шаҳар қурилишини ва йўлларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Транспорт йўлларининг жойланиши, турли шаҳар ва шахсий транспорт воситаларининг тўхташ жойларида одамлар оқимининг тарқалиш принципи билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабали бунда асосий кириш ва ички магистраллар жойланиши белгиланади. Кириш жойларида касса хоналари мўлжалланади. Кассалар чиптали томошабинлар оқимидан ташқарида жойлашади.

Бош режада стадион уч асосий қисмга бўлинади: намойиш (томушагох), ўқув-машғулоти, хизмат кўрсатиш қисмлари.

Намойиш қисмида асосий спорт аренаси ва трибуналар, томошабинларга хизмат кўрсатиш, спортчилар, ҳакамлар бошқаруви, матбуот, радио ва телевидение хоналари жойлашади.

Унда, шунингдек очиқ ва қиши сузиш сув ҳавзалари, велотрек, тўп ўйинлари ва тенис стадионлари жойлашган.

Бу қисм тарқатувчи майдон ва эвакуация йўллари билан бевосита боғланган.

Ўқув-машғулот қисмида спорт майдони ва майдончалари жойлашган бўлиб, уларнинг баъзилари намойиш характеристига эга. Бу қисмдаги спорт иншоотлари спортнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашган. Хизмат кўрсатиш қисмида томошабинларнинг дам олиш масканлари, кафе, киосклар, сухбат ўриндиклари, санитария иншоотлари, стадионни эксплуатация қилиш билан боғлиқ иншоотлар – хўжалик ҳовлиси, устахоналар, оранжереялар, омборлар ва бошқалар жойлашган.

Стадион қурилишида қуидаги талаблар муҳим аҳамиятга эга:

- шаҳар қурилиш ҳолати – шаҳар магистралларининг йўналиши, стадион рўпарасида майдон мавжудлиги, томошабинларнинг эвакуация йўллари, турли шаҳар транспортлари учун транспорт тутунлари ва бошқалар, кўкаламзорлашган худудларга ва сув ҳавзаларига стадионнинг имкон қадар яқинлиги, асосий спорт аренасининг трибуна ва бошқа спорт инишоотлари билан ўзаро пропорционал ва компакт, шунингдек энг маъқул йўналишда (шимол-жануб) жойлашиши;

- майдон рельефининг яроқлилиги (спорт аренанинг ғарбий тарафидан ерда трибуналарни жойлаш учун 30% нишаблик мақсадга мувофик); асосий йўналишда доимий эсувчи шамоллар йўналиши (ҳимоялаш чоралари); ер ишлари балансини ҳисобга олган ҳолда стадион худудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш; қишки мавсумдаги стадионнинг характеристери (конькида тез чопиш, фигурали учиш, хоккей, чанги трамплин учун мосламаларни ўрнатиш эҳтимоли).

Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида (СН 162-58) қуйидаги тавсиялар берилган:

- томошабинларни эвакуация қилишда (стадион ташқарисида) тарқатувчи майдоннинг зарурий ўлчамлари ҳар бир томошабинга $0,5-0,75\text{ m}^2$ ҳисобидан аниқланади;

- стадионга энг камида икки кириш жойи белгиланиши зарур; эвакуация йўлларининг (йўлакча, йўл, ўтиш ва кириш жойи) эни бир метрга 500 киши ҳисобидан аниқланади;

- бевосита трибуналар оралиғида тарқатувчи майдонлар назарда тутилган бўлиб, бунда, бир томошабин ўрни учун ўртача катталиқдаги стадионларда $0,5\text{ m}^2$, катта стадионларда $0,3\text{ m}^2$;

- кириш кассаларининг сони 1500 кишига 1 дарча ҳисобидан белгиланади.

Жойнинг ҳолатига қараб, стадионнинг бош режаси шаклан турлича кўринишда бўлиши мумкин.

Хар бир шаҳар, район, микрорайон ва алоҳида жойлашган турар жойларда спорт иншоотларига Москва, Волгоград, Санкт-Петербург шаҳарларидағи стадионларнинг бош режалари мисол бўла олади. Москвадаги Лужанский номли стадион бир-бирига перпендикуляр ўқлари асосида қурилган.

Болалар спорт иншоотлари

Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” мавзусида сўзлаган нутқида ва 2002 йил 24 июндаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисда”ги ПФ № 3154 Фармонида ёш авлодни спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, Ватанга меҳр-муҳаббат, ўз юрти билан ғуурланиш руҳида тарбиялаш ишлари асосий йўналиш сифатида белгиланди. Зикр этилган фармон нутқда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда болалар оммавий спортини ривожлантиришини таъминлаш мақсадида жойларда спорт муассасаларининг барпо этилиши, янги-янги спорт турлардан тўгараклар фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг тегишли жиҳозлар ва малакали спорт мураббийлари билан таъминланиши янада қучаймоқда ва бунинг натижаси

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони йилдан-йилга ортиб боришига асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши ўз фаолиятини жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, ахоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этишдан бошлади. Болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида, мамлакат ва худудлар миқёсида спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони аниқланиб, илмий ва тиббий асослар ҳамда ҳудудларнинг табиий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, истиқболли спорт турлари ривожлантирила бошланди. 2003 йилда Жамғарма орқали 130 та спорт ишооти қурилиши ва таъмирланиши ишлари йўлга кўйилди. Республикада тиббий ва илмий асосланган 2,8 мингдан ортиқ спорт тўгараклари ташкил қилиниб, уларга 85 мингдан ортиқ болалар жалб қилинди.

Болалар оммавий спорт маҳорати бўғинидаги тадбирлар, оммавий разрядлар кўрсаткичидан иккинчи – спортинг юқори маҳорати бўғинига, ўсмир-ёшлар спорти орқали тайёрланадиган 1-чи разрядли спорт устаси номзоди ва спорт устаси даражасига чиқиш имкониятларини яратади. Мамлакатда оммавий ва юқори спорт тизими доирасидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ўринбосарлари коллежлари, Республика олий спорт маҳорати мактабларида юқори малакали ва истеъдодли, ўз Ватани шон-шуҳрати учун кураша оладиган спортчилар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Замонавий ўқув ва спорт базасига эга бўлган ана шундай коллежлар Жizzах, Хоразм, Андижон, Фарғона шаҳарларида фойдаланишга топширилди.

Ёпиқ ва очиқ иншоотларда машгулот ўтказиш учун мўлжалланган барча спорт жиҳозлари ва анжомлари тўла-тўқис яроқли ва ишончли маҳкамланган бўлиши керак. Жиҳоз ва анжомларни яроқлилиги, мустаҳкамлиги бўйича ўтказилган кўрик натижалари маҳсус журналга қайд этиб борилади.

Гимнастик снарядларнинг бириктирилган ёки туташган жойлари эгилмаган, кимирламаслиги, маҳкамланадиган муруватлари (гайка, винтлари) ишончли қотирилган бўлиши лозим.

Брусларнинг жерди (ёгоч кисми) хар ўқув йили олдидан мукаммал таъмирланиши керак. Уларда ёриқлар пайдо бўлса уларни алмаштириш лозим.

Турникда машқлар бажаришдан олдин ва тугатилганидан сўнг унинг гриф қисмини қуруқ латта билан артиш ва «шкурка» билан тозалаш лозим. Крюк, растяжкалар махкамланадиган пластиналар полга мукаммал қотирилган бўлиши керак.

Гимнастик бревно ёриксиз булиши ҳамда буранг (қийшайган) бўлмаслиги лозим. Гимнастик «эшак»нинг тиргаклари корпус кутиларига яхши махкамланган булиши лозим. Гимнастик тўшаклар гимнастик снарядлар атрофига яқинроқ тўшалиши, сакраб тушганда, йиқилиб тушганда майдон ҳосил қилиши керак. Гимнастик кўприкчага (мостик) депсинганда сирпанишни олдини олиш мақсадида устки қисми резина билан қопланган бўлиши лозим.

Тўлдирма тўплардан ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, ёшига қараб рақамлари бўйича фойдаланиш лозим.

Улоқтириладиган снарядлар вазни мусобақа қоидасига мувофиқ ўқувчилар жинси, ёшига мос бўлиши керак.

Жиҳозларни жойлаштиришда ҳар бир снаряд атрофида хавфсиз худуд (зона) бўлишини назарда тутиш керак.

Зал дарсга, машғулотга ўқув дастури талабларидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланиши керак.



4-расм. Мактаб спорт зали қўриниши

Спорт залида машғулот ўтказища магнезия ёки канифолдан фойдаланиш керак ва бу чангланишини олдини оловчи маҳсус қутида сақланиши керак.

Ўқувчиларни сувга тушишига (бассейнга ўтишига) фақатгина жадвалда фамилияси қўрсатилган ўқитувчи, мураббий ҳозир бўлганида рухсат берилади. Ўқитувчи ёки мураббийнинг бошқаси билан алмаштирилишни фақат мактаб директори рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Сузиш бўйича машғулотларни мураббийлар ўтказадилар. Бу ҳолатда жисмоний тарбия ўқитувчилари ўз-ўзидан мураббийга ёрдамчи бўладилар, ҳар хил ташкилий вазифаларни бажарадилар ва машғулот жараёнида қатнашадилар.

Машғулотларни табиий сув хавзаларида ўтказишига фақат машғулот олиб бориш учун маҳсус жой ажратилганда ва жиҳозланганда, ажратилган жой санитария талабларига жавоб берганда рухсат этилади.

Болаларни сузишга ўргатиш жойи, уларнинг жиҳозланиши машғулотлар бошлидан олдин туман ва маҳаллий санэпидмарказ ва спорт ташкилотлари билан келишилади.

Табиий сув ҳавзаларидан машғулотлар учун жой танлашда қуидаги “Мактаб ўқувчиларини сузишга ўргатиш бўйича тавсиялар” талабларига амал қилиш лозим:

- сув ҳавзасининг туби чўмилишга ажратилган ёки ҳавзанинг махсус жиҳозлаб ажратилган жойи билан бирга бир текисда бўлиши;
- уларда сувнинг чуқурлиги 1,2 метрдан ошмаслиги;
- сувнинг оқими (ҳаракати) тезлиги секундига 0,3 метрдан ошмаслиги;
- табиий сув ҳавзасининг туби қумли бўлиши ва шох-шаббалардан, тошлардан, сув ўсимликларидан, темир ва бошқа болаларга хавф соловчи нарсалардан тозаланиши;
- чўмилиш жойи ажратилган бўлиши;
- машғулот давомида қутқарув воситалари (қутқарув ҳалқаси, арқонлар, таёклар, зарур ҳолатларда қутқарув қайиклари ва хоказо) бўлиши керак.

Сузиш бўйича машғулотлар ўтказишга зарур шарт-шароитлар тайёрлашда ўқитувчи-мураббий машғулот ўтказишга ҳалақит берадиган камчиликларни бартараф этиши, иложи бўлмаган ҳолатларда машғулотларни тўхтатиши, бекор қилиши лозим.

Барча ўқувчилар “Мактаб ўқувчиларини сузишга ўргатиш бўйича тавсиялар” талабларини билишлари ва қатъий амал қилишлари керак

Спорт иншоотларининг ёрдамчи хоналари

Ёрдамчи хоналар қуидаги асосий гуруҳларга бўлинади: томошабинлар учун хоналар; спортчилар учун хоналар; ҳакамлар ва мураббийлар учун хоналар; радио телешарҳловчилар ва матбуот хоналари; маъмурий-хўжалик хоналари.

Спорт иншоотларини томошабинлар трибуналари билан лойихалашда томошабинлар ва спортчиларнинг ҳаракатланиш йулаклари хамда зоналарининг алоҳида бўлиши талабларига қатъий риоя этилиши лозим. Улар томошабинлар ва спортчилар учун махсуслашган бинога кириш хамда чиқиш жойларига эга бўлишлари зарур. Томошабинлар учун мўлжалланган хоналарга вестибюллар, гардероб, коридорлар, фойе, буфетлар, санитария хоналари, чекиш жойлари, чипта сотиш кассалари ва фахрий ташриф буюрувчилар учун махсус хоналар киради. Гардеробли вестибюль майдони ҳар бир томошабин учун камида $0,24\text{ m}^2$, факат гардероб майдонида эса ҳар бир томошабин учун $0,08\text{ m}^2$ га тенг ўлчамларда қабул қилинади. Барьернинг узунлиги 40-50 томошабинга (баъзи ҳолларда 60 томошабин) 1 м барьер ҳисобида қабул қилинади. Кулуарлар, фойе ва буфетларда умумий меъёрларга кура ҳар бир томошабин учун $0,5-0,6\text{ m}^2$ қабул қилинади. Трибуналарнинг сиғими 10

мингдан ошганда бу меъёр – ҳар бир томошабин учун $0,3\text{-}0,4\ m^2$ гача камайтирилиши мумкин. Спорт иншоотидаги санитария хоналари барча қаватлар бўйича бир текисда тақсимланиши лозим. Ҳожатхоналарни ҳисоблашда аёл-эркак нисбати 3:5 кўринишида олинади. Эркаклар ҳожатхонасида ҳар юз киши учун 1 унитаз ва 2 писсуар, аёллар туалетида ҳар 50 киши учун 1 унитаз мўлжалланиши лозим. Агарда биринчи қаватдаги шамоллатиш ва ҳавони вентиляция шароитлари талаб даражасида бўлса, бу ерда чекишга рухсат берилади ва маҳсус чекиш хоналарини лойиҳалаш зарурати қолмайди. Чипта сотиш кассаларининг сони соатига ҳар бир кассадан 400-500 чипта сотиш имкониятидан келиб чиқилади.

Спортчилар учун хоналар гуруҳи қўйидагича: вестибуль гардероби билан, кийим алмаштириш, душ, ҳожатхона, массаж хоналари, қурук-иссиқлик ҳамоми, тиббиёт хонаси, буфетлар, дам олиш хонаси ва спортчиларни аренага чиқиш олдидан йиғиш хоналари. Санаб ўтилган барча хоналарни бир ерда гуруҳлаштириш ва бошқа хоналардан ажратиш ҳамда аrena билан алоқани қулайлаштириш мақсадга мувофиқ. Душ хоналари умумий ёки алоҳида бўлимлардан иборат бўлади. Кўп ҳолларда душ хоналарида чегараловчи деворларни кўллаш яхши натижалар беради.

Санитар-гигиеник талаблар юқори қўйилган иншоотларда, масалан, соғломлаштириш жисмоний тарбия иншоотларида, сув ҳавзаларида ўтказиш душлари ва оёқ душлари кўлланилади.

Душ хонасининг энг кичик ўлчами $0,9\times0,9\ m$. Чегараловчи деворнинг баландлиги $2\ m$. Душ хоналари қаторлари орасидаги йўлакнинг эни $1,5\ m$. Душ хоналари ва девор орасидаги йўлакни эни $0,9\ m$. Оёқ душининг ўлчамлари $0,85\times1\ m$ ҳисобида.

Душлар сони қўйидаги ҳисоблашдан аниқланади: спорт залларида бир вақтда шуғулланаётган 3 кишига 1 та душ, инструкторлар учун 20 кишига 1 душ.

Ҳожатхоналардаги санитария жихозлари сони қўйидагича: бир вақтнинг ўзида сув ҳавзасида машғулот ўказаётган 25 киши учун унитаз ва 1 та писсуар, аёллар ҳожатхоналари — бир вақтнинг ўзида сув ҳавзасида машғулот ўтказаётган 15 киши учун 1 та унитаз ёки 30 ўринли кийинибечиниш жойи.

Массаж хоналари 1 та стол учун $12\ m^2$. Столлар сони қўпайиши билан ҳар бир стол учун $6\ m^2$ қўшилади.

Қурук-иссиқ ҳамом майдони $10\ m^2$ дан кам бўлмаган бир ўринга $1\ m^2$ ҳисобида аниқланади.

Буфет спорт залида ёки сув ҳавзасида шуғулланаётган ҳар 6 кишига бир ўрин ($1,2\text{-}2\ m^2$) ҳисобида лойиҳаланади ва буфет учун қўшимча хоналар назарда тутилади.

Мехмонхона биносининг қурилиш-конструктив асоси

Меҳмонхонанинг конструктив схемаси асосида яшаш хонасининг ўлчамлари ётади.

Замонавий меҳмонхона бинолари қурилишида каркас ва панел, шунингдек монолит, темирбетон тизимлари кенг тарқалди.

Меҳмонхоналар қурилишида қўйидаги энлама конструктив қадамлар қўлланилади: 480, 540, 600, 640 ва 720 см. Бир кишилик хонасининг ўқлар оралиғи (кенглиги) 240, 270, 300, 330, 360 см ўлчамида бўлиши мумкин. Аксарият мақсадга мувофиқ бўлган хоналарнинг композицион очилиши 330 ва 360 см ли қадам асосида олиниши мумкин. Яъни: 1-каркас сеткаси (тўри) тўлиқ бир кишилик хона ўлчамлари модули билан боғланган; 2-каркас сеткаси (тўри) икки бир кишилик хоналарни қоплашга асосланган бўлиб, бунда ички оралиқ парда девор суримиши билан бу икки хоналарда бир-бирига тенг бўлмаган майдонларни юзага келтиради; 3-каркас сеткаси икки хона учун модулни сақлайди, аммо консол мосламаси ҳисобига устунлар сони 2 марта қисқаради, уларга енгиллашган ташқи деворлар таяниб туради.

Бир турдаги ячейкалардан ташкил топган токсона корпусларида панель конструкцияларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Сўнгги йилларда ҳажмий-блокли конструкциявий ётоқхоналар қурилишида қўлланилиб, уларнинг ячейкалари ётоқхона ҳажмига тўғри келади. Юқори сейсмик ҳолатли туманларда, шунингдек, қурилиш базаларидан узокда жойлашган туманларда монолит конструкцияларини қўллаш тавсия этилади ва бунда сирпанувчан ёки кўчма опалубкали индустрисал усуллар ёрдамида бинолар барпо этилади.

Компакт ҳал этилган биноларни қуришда ёпмаларни кўтариш усули кенг тадбиқ этилмоқда.

Меҳмонхона биноларини архитектуравий композицияси

Меҳмонхона биносининг ҳажмий-фазовий композицияси унга тегишли икки асосий ҳажмий элементлар муносаблигидан келиб чиқади: турар жой ва жамоат турар жой хоналаридан иборат бўлган яшаш қисми турли қаватлиликка ва катта бўлмаган қурилиш майдонига эга бўлади. Бунда бинонинг жамоат қисмининг майдони 1-3 қаватгача баландликка эга бўлгани ҳолида турар жой гуруҳи майдонидан ортиб кетади. Шунинг учун меҳмонхона мажмусининг умумий архитектуравий композициясидаги турар жой ва жамоат қисмлари турли ҳажмга эга бўлиб, турли мутаносибликда бўлади: жамоат қисми турар жой корпусига туташади; жамоат хоналари гуруҳи қисман турар жой қисмини ҳажмига кириб боради ва қисман унинг ташқарисида қолади.

Турар жой қаватидаги энлама коммуникацияларини максимал қисқартириш мақсадида аксарият йирик меҳмонхоналар кўп қаватли ҳолда лойиҳалаштирилади. Бу билан қурилиш майдони сезиларли қисқартиришга ва режанинг компактлигига эришилади.

Автотуристлар учун меҳмонхоналар

Оддий турдаги меҳмонхоналардан фарқли ўлароқ, мотеллар ҳам қаватли, бир-биридан ажратилған, кичик хоналари бўлган бинолар бўлиб, бевосита улар яқинида автомобиллар туриш жойлари жойлаштирилади.

Мотеллардаги тураг жойлар аксарият бир хонали ва бунда ётоқхонаси ва мужассамлашган санитария хоналари ваннаси ёки душ билан лойиҳаланади. Кўп холларда мотелнинг тураг жой хоналарида ёки олд қисмида ошхона ўрнатилади.

Биринчи гуруҳдаги схемаларда алоҳида павильон қўринишидаги хоналар кўрсатилған; иккинчи, учинчи ва тўртинчи схемаларда эса мотеллар қўриниши амалиётда кенг тарқалған, хоналарни блоклаштириш усули кўрсатилған. Учинчи ва тўртинчи усуллар нисбатан иқтисодий самарали бўлиб, бунда санитария хоналари бино узунлигини максимал қисқартирган ҳолда унинг ён томонида жойлашади.

Хоналарни бир қатор блоклаштиришда санитария хоналарига киравериш тарафдан ёки автомобиллар туриш жойи ажратган ҳолда шлюз орқали кириш мумкин бўлган ҳолда жойлаштирилади.

Икки қаторли хоналарни блоклаштиришда санитар-техник мосламалар 4 тадан гуруҳлашган ҳолда ичкарисида ёки хоналар оралиғида сунъий ёритгичликка эга ҳолда жойлаштирилади. Санитария хоналари улар ичкарисида жойлашганилиги иқтисодий самаралидир.

Мотелларни лойиҳалашда тураг жой хонасининг автомобиллар туриш жойи билан боғланиши катта ҳамиятга эга. Автомобилларни мотелларда жойлаштирилишининг қатор усуллари мавжуд. Энг содда усуллардан бири автомобилларни хоналар олдида жойлаштиришdir. Бундай ечим бир қаторли блоклаштирилған тураг жой хоналарида нисбатан қулай бўлиб, икки қаторли блоклаштиришда эса ноқулай. Тураг жой хоналари орасида автомобилларни жойлаштириш янада қулай бўлиб, бунда харакат бир ёки икки томондан амалга оширилиши мумкин.

Яна бир бошқа ҳолда икки қаватли мотелларнинг тураг жой хоналари остида автомобиллар жойлаштирилиб, бунда хоналар деразаларидан ташки кўриниш яхшиланади ва қурилиш майдонлари тежамкорлик билан фойдаланиш таъминланади.

Хизмат кўрсатувчи хоналар ўлчамлари ва тизими яшовчилар сонига боғлиқ. Унча катта бўлмаган тунаб қолиш учунгина мўлжалланган мотелларда хизмат кўрсатиши станцияси ва тамаддихонаси нисбатан йирик ва оз вақт қолиш учун мўлжалланган мотелларда дам олиш, ўйин хоналари, ресторон, сайилгоҳ ва бошқалардан ташкил топиши мумкин.

Маъруза учун тақдимотлар

Тақдимот № 1.

Спорт иншоотлари тармоғининг тўрт босқичи ўзаро фарқланади

Биринчи босқич ўз таркибига кундалик машғулотлар учун мўлжалланган жисмоний тарбия – спорт иншоотларини, шу жумладан гимнастика, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, стол тениси учун машғулот майдончалари комплексини олади.

Иккинчи босқич бошланғич жисмоний ва спорт тайёргарлиги учун мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари комплексларидан иборат.

Спорт иншоотларини учинчи босқичи иккита алоҳида комплексларга: спорт ва жисмоний тарбия комплексларига бўлинади.

Спорт иншоотларининг тўртинчи босқичи бокс, кураш, оғир атлетика машғулотлари учун спорт иншоотларини ўз таркибига олади. Мазкур иншоотлар улкан иншоотлар – спорт саройлари, стадионлар таркибига кириши мумкин

Тақдимот № 2.



Тақдимот № 3.

Мўлжалланган вазифаларига қараб жисмоний тарбия – спорт иншоотларини микрорайон, район, районлараро ва умумشاҳар иншоотларга бўладилар.

Микрорайон жисмоний тарбия - спорт иншоотлари мазкур участкада жойлашган одамлар яшаш уйлари ёки микрорайонни ташкил этиб турган айrim уйлар гурухларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Район спорт иншоотлари факат битта одамлар яшайдиган уйда ёки 20 дақиқа яёв юриш радиусида жойлашган ишлаб чиқариш-яшаш массивида яшовчи аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлади.

Районлараро жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари жамоат транспортида 20 дақиқа давомида етиб келадиган радиусда жойлашган одамлар яшаш уйлари гурухида яшовчи аҳоли учун хизмат кўрсатиш учун лойиҳалаштирилади.

Умумшаҳар спорт иншоотлари ягона спорт маркази таркибида лойиҳалаштирилади.

Тақдимот № 4.

Микрорайон ва район спорт марказлари таркибига, одатда, спорт ядроси, 2 тадан 5 тагача футбол майдонлари, 2 тадан 8 тагача волейбол майдончалари, иккитадан олтитагача баскетбол майдончалари, 2 тадан 5 тагача теннис учун майдончалар, уттадан саккизтагача бадминтон учун майдончалар, түрттагача гимнастика майдонча комплекслари, уттадан саккизтагача стол тениси учун столлар, спорт заллар, очиқ сув ҳавзалари киради.


7 – 11 минг аҳоли истиқомат қиласидан поселкада (шахарчада) жойлашган замонавий қишлоқ спорт - соғломлаштириш комплекси (тузилиши бўйича унча мураккаб бўлмаган комплекс), спорт ядросини, томошабинлар учун трибуналар, 2-3 та баскетбол майдончалари, 2-4 волейбол майдончалари, теннис корти, ирғитиш учун секторларни, умумий юзаси 1200 м² бўлган гимнастика машқларини бажариш учун жой, қўл тўпи ўйини учун майдончани ўз ичига олган спорт иншоотлари комплексидан иборат. Ўйин майдончалари соҳасида унча катта бўлмаган ердан фойдаланиб трибуналар тайёрланади ва 1000 кишига мўлжалланган томошабинлар учун ўриндиқлар ўрнатилади. Шунингдек спорт комплекси таркибида 24x12м ўлчамли зали бўлган спорт биноси бўлиши керак.

Тақдимот № 5.

Гурӯхларда ишлаш қоидалари:

Ҳар бир инсон ўз ўртоқларини уларнинг ҳурматини ва хоҳиши-иродаларини ҳурмат қилган ҳолда қулоқ солиши керак;
Ҳар бир инсон фаол ва биргаликда ишлаши, топширилган топшириқни бажаришга масъулият билан ёндашиши керак ;
Ҳар бир инсон ўзига ёрдам зарур бўлган ҳолларда ёрдам сўраши керак ;
Ҳар бир инсон ундан ёрдам сўралганда ёрдам бериши керак ;
Ҳар бир инсон гурӯх фаoliyati натижаларини баҳолашда иштирок этиши керак ;
Ҳар бир инсон бошқаларга ёрдам бера туриб, ўзимиз ҳам ўрганиб боришимизни, яъни биз битта қайиқдамиз: ёки биргаликда сузиб чиқишимизни ёки биргаликда чўкб кетишимизни аниқ тушунишимиз керак!

Тақдимот № 6



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Информатика ва ахборот технологиялари кафедраси

Спорт иншоотлари фанидан амалий машғулот ишланмалари

Тошкент – 2011

Амалий машғулот № 1. Фанга кириш

Ўқув дарсининг мақсади:

1. «Спорт иншоотлари» фани тўғрисида маълумот бериш

Машғулот давомида талабага бериладиган билим:

1. «Спорт иншоотлари» фанинг асосий мақсади

2. Спорт иншоотларининг асосий турлари

Машғулотнинг ташкилий тузилиши ва режаси

№	Машғулот босқичлари	Вакти
1.	Ташкилий босқичи	5 мин
2.	Ўқув материалини баён қилиш	30 мин
3.	Биринчи маъруза бўйича талабалар орасида сўров ўтказиш	20 мин
4.	Билим даражасини назорат қилиш	15 мин
5.	Кейинги дарснинг мазмуни билан таништириш	5 мин
6.	Якуний қисм	5 мин

Машғулот мазмуни

Жисмоний тарбия ва спортни ривожланиши спорт иншоотларини қурилиш масалалари узвий боғлиқ.

Спорт иншоотлари – соғлиқни мустаҳкамловчи, меҳнаткашларини иш қобилиятини оширувчи ва меҳнат унумдорлигини кўтарувчи маскан.

Спорт иншоотлари очик ва ёпик типда бўлади, ундан ташқари спорт иншоотлари алоҳида ва комплекс спорт турлари учун қурилади.

Спорт иншоотларини жиддий масалаларидан бири бу оддий спорт майдончаларини ва иншоотларини қуриш, жисмоний тарбиянинг тараққиётига ва оммавийлаштиришига катта ҳисса қўшади.

Оддий спорт майдончаларини режалаштиришда шуғулланувчиларни ёшини назарда тутиш лозим. Оддий спорт иншоотлари шуғулланувчиларни ёшига қараб қуидагиларга бўлинади:

- 1) мактабгача бўлган болалар учун майдонча;
- 2) ўсмирлар учун спорт иншоотлари;
- 3) мактаб учун спорт майдончаси
- 4) соғломлаштирувчи марказлар учун спорт иншоотлари
- 5) қариялар ва ногиронлар учун спорт иншоотлари

Ундан ташқари спорт иншоотлари турар жойи ва режалаштирилган тизим бўйича ҳам жойлаштирилади.

Турар жойи бўйича: 1) Турар жой иншоотлари; 2) Мактаб учун иншоотлар; 3) Дам олиш масканлари учун иншоотлари;

Режалаштирилган тизим бўйича: 1) Ўйин майдончалари; 2) Ўйин майдонлари; 3) Комплекс майдончалар; 4) Спорт комплекслари; 5) «Саломатлик йўлакчалари».

Амалий машғулотнинг билим даражасини аниқлаш учун саволлар

№	Асосий машғулот турлари	Саволлар
1	«Спорт иншоотлари» фанига кириш	<p>1. «Спорт иншоотлари» тушунчасини очиб бериш?</p> <p>2. Спорт иншоотлари қандай турларги бўлинади? Ҳар бир тур бўйича мисол келтиринг.</p> <p>3. Оддий спорт иншоотлари нима учун керак?</p> <p>4. Ёш ва жисмоний жихатдан спорт иншоотлари қандай турларга бўлинади?; Туар жой бўйича?; Режалаштирилган тизим бўйича?</p> <p>5. Қандай спорт иншоотлари ўйин майдончаларига киради? Комплекс майдончалари нима?</p> <p>6. Жисмоний-спорт комплекси нима?</p>

Мазкур машғулот бўйича топшириқлар:

Шаҳардаги, дунёдаги буюк спорт иншотлари ва уларнинг спортни оммалашишидаги ўрни ҳақида реферат тайёрлаш.

Адабиётлар:

1. И.Б. Бурлаков, Г.П. Неминущий «Спортивно-оздоровительные сооружения и их оборудование» М,: СпортАкадемПресс, 2002
2. Ю.А. Гарин «Спортивные сооружения, М,: ФиС, 1976
3. М.Н. Золотов «Формирование адекватной спросу населения сети физкультурно-спортивных сооружений на основе маркетинговых исследований» Теория и практика физической культуры № 3 2003

Амалий машғулот № 2. Баскетбол ва волейбол ўйин майдонлари.

Ўқув машғулотининг мақсади:

1. Баскетбол майдонининг чизмаси билан таништириш
2. Волейбол майдонининг чизмаси билан таништириш

Машғулот давомида талабага бериладиган билим:

1. Баскетбол майдонининг кўриниши ва ўлчамлари
2. Волейбол майдонининг кўриниши ва ўлчамлари

Машғулотнинг ташкилий тузилиши ва режаси

№	Машғулот босқичлари	Вақти
1.	Ташкилий босқичи	5 мин
2.	Билим даражасини назорат қилиш	15 мин
3.	Ўқув материалини баён қилиш	20 мин
4.	Баскетбол ва волейбол майдон чизмаларини бажариш	25 мин
5.	Чизмаларни қабул қилиш ва баҳолаш	5 мин
6.	Кейинги дарснинг мазмунин билан таништириш	5 мин
7.	Якуний қисм	5 мин

Машғулот мазмуни

Баскетбол ўйин майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Ўйин майдонининг сатҳи қаттиқ материалдан бўлиб, силлиқ ва тоза бўлиши шарт. Асосий ўлчамлари ички чизик четидан ҳисобланиб, узунлиги 26 м, эни 14 м. га teng бўлади. Майдон атрофидаги ҳавфсизлик зонаси 1 м. дан кам бўлмаслиги керак. Томошибинлар учун жойлар майдондан узоқлиги 2 м. дан кам бўлмаслиги керак.

Ўйин майдонининг чизиқлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Майдон узунлиги бўйича чизилган чизиқлар «ён чизиқлар», эни бўйича чизилган чизиқлар «юза чизиқлар» дейилади. Чизиқлар қенглиги 5 см. га teng.

Марказ доираси радиуси 1,8 м. га teng. Марказий чизик юза чизиқларга параллел равишда ўтказилади ва ён чизиқлардан 15 см. га чиқиб туриши шарт.

Уч очколик зона - ярим доира шаклида бўлиб, унинг радиуси 6,25 м. га teng. Бундан ташқари баскетбол майдонининг юза чизигидан 0,4 м узоқликда баскетбол устунлари ва шит жойлашади. Баскетбол шитининг ўлчамлари қуидагича бўлади:

- узунлиги 1,8 м.
- эни 1,2 м.

Волейбол ўйин майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Ўйин майдонининг сатҳи қаттиқ материалдан бўлиб, силлиқ ва тоза бўлиши шарт.

Асосий ўлчамлари ички чизик четидан ҳисобланиб, узунлиги 19 м, эни 9 м. га тенг бўлади. Майдон атрофидаги ҳавфсизлик зонаси 3 м. дан кам бўлмаслиги керак. Майдон чизиқлар қалинлиги 5 см. Ўрта чизиги тўр остидан чизилади ва майдонни икки тенг бўлимга бўлади.

Волейбол майдонининг жиҳозларига қуидагилар киради:

- тўр икки устун орасида тортилган бўлиб унинг эни 1 м ва узунлиги 9,5 м. бўлади;
- эркаклар учун тўрнинг баландлиги 2,43 м. бўлади. Аёлларники эса 2,24 м. бўлади.

Амалий машғулотнинг билим даражасини аниқлаш учун саволлар

№	Асосий машғулот турлари	Саволлар
1	Баскетбол ўйин майдони	1. Баскетбол майдонининг ўлчамлари қандай? 2. Баскетбол ўйини учун қандай жиҳозлар керак бўлади?
2	Волейбол ўйин майдони	1. Волейбол майдонининг ўлчамлари қандай? 2. Волейбол ўйини учун қандай жиҳозлар керак бўлади?

Мазкур машғулот бўйича топшириқлар:

1. Баскетбол майдонининг чизмаси
2. Волейбол майдонининг чизмаси

Адабиётлар:

1. Ю.А.Гагин. *Спортивные сооружения*. Учебник для ИФК. М., ФиС, 1976 г.
2. А.В.Николаенко. *Спортивные сооружения: Учебное пособие для студентов факультетов физического воспитания пед. институтов*. М., «Просвещение», 1976 г.
3. Правила соревнований по баскетболу
4. Правила соревнований по волейболу

Амалий машғулот № 3. Футбол ва қўл тўпи майдонлари

«Футбол ва қўл тўпи майдонлари» мазуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси.

Босқич, вақт

Фаолият

ўқитувчи

талабалар

1 босқич.

Kirish

(10 мин)

1.1. Машғулотнинг Тинглайдилар, ёзиб мавзусини, мақсадини, ўкув оладилар топшириқларидан режалаштирилган натижаларни, режа ва хусусиятларини эълон қиласди.

2 босқич.
Билимларни
мустаҳкамлаш
(20 мин)

2.1 Футбол ва қўл тўпи учун майдончаларнинг асосий ўлчамларини асосий ўлчамларини айтадилар ҳамда айтишни, шунингдек уларни жиҳозларни жиҳозларини тавсифлашни тавсифлайдилар. таклиф қиласди. Блиц-сўров ўтказади

3 босқич
Индивидуал
ишлаш
(35 мин)

3.1 Топшириқ беради: 3.1. Чизмаларни амалга Футбол ва қўл тўпи бўйича оширадилар майдончалар чизмаларини чизиш.

4 босқич
Якуний
(15 мин)

4.1 Машғулотга якун ясади, баҳолайди 4.1 Тинглайдилар, топшириқни ёзиб оладилар.
4.2 Мустақил таълим учун топшириқ беради: таклиф этилган мавзулардан бири бўйича маъруза тайёрлаб келиш

Машғулотнинг ташкилий тузилиши ва режаси

№	Машғулот босқичлари	Вақти
1.	Ташкилий босқичи	5 мин
2.	Билим даражасини назорат қилиш	15 мин
3.	Ўқув материалини баён қилиш	20 мин
4.	Футбол ва теннис майдон чизмаларини бажариш	25 мин
5.	Чизмаларни қабул қилиш ва баҳолаш	5 мин
6.	Кейинги дарснинг мазмуни билан таништириш	5 мин
7.	Якуний қисм	5 мин

Машғулот мазмуни

Футбол майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, узунлиги 90 м. дан то 120 м. гача ва унинг эни 45 м. дан 90 м. гача бўлади. Майдон чизиқларини эни 12 см. дан кўп бўлмаслиги керак. Узунлиги бўйича чизилган чизиқлар «ён чизиқлари» дейилади. Эни бўйича чизилган чизиқлар «дарвоза чизиқлари» дейилади. Майдоннинг ўртасидан ўрта чизик чизилади ва майдоннинг марказида айланга жойлаштирилади. Унинг радиуси 9,15 м. бўлади.

Дарвоза чизигидан ички томонидан 5,5 м. узоқликда дарвозага перпендикуляр равишда иккита чизик ўтказилади. Чизиқлар узунлиги 5,5 м. га тенг. Икки чизиқнинг уланиш жойидан дарвозага паралел равишда чизик ўтказилади ва ҳосил бўлган майдон дарвоза майдончаси деб юритилади.

Дарвозанинг ички томонидан 16,5 м. узоқликда икки томондан дарвозага перпендикуляр равишда иккита чизик ўтказилади. Унинг узунлиги ҳам 16,5 м. Дарвозага параллел равишда ўтказилган чизик жарима майдончасини ташкил қиласи.

Футбол майдони жиҳозларига дарвоза киради. Унинг ўлчамлари $7,32 \times 2,44$ м.

Теннис майдончаси текислиқда жойлашган спорт иншоотларига кириб, унинг устига маҳсус қоплама, маҳсус жиҳозлар ва ўлчамлари туширилади. Майдоннинг ўлчамлари 40×20 м. Икки томондан картнинг ўқидан 6,4 м узоқликда ва параллел равишда узатиш чизиги жойлашади.

Теннис майдонида марказдан икки метал устунга қотирилган тўр тортилиши лозим. Тўрнинг баландлиги 1,06 м. бўлади. Устунлари ён чизигидан 91 см узоқликда қотирилади. Устунлари ёнидаги тўрнинг баландлиги 1,066 м. ва ўртасида 0,914 м. бўлади. Тўрнинг эни 1,066 м. бўлади. Тўрнинг ўрта чизиқдаги баландлиги регулятор орқали ўзгаради. Теннис майдонининг атрофи метал тўр билан ўралади. Баландлиги 3,2 м. ни ташкил қилиши керак.

Чизиқларнинг қалинлиги 5 см.

Амалий машғулотнинг билим даражасини аниқлаш учун саволлар


№	Асосий машғулот турлари	Саволлар
1	Футбол майдони	1. Футбол майдонининг ўлчамлари қандай? 2. Футбол майдони учун қандай жиҳозлар керак бўлади? 3. Футбол майдонининг чизмаси
2	Тенnis майдони	1. Тенnis майдонининг ўлчамлари қандай? 2. Тенnis майдони учун қандай жиҳозлар керак бўлади? 3. Тенnis майдонининг чизмаси


Мазкур машғулот бўйича топшириқлар:

1. Футбол майдонининг чизмаси
2. Тенnis майдонининг чизмаси

Адабиётлар:

1. Ю.А.Гагин. *Спортивные сооружения.* Учебник для ИФК. М., ФиС, 1976 г.
2. А.В.Николаенко. *Спортивные сооружения: Учебное пособие для студентов факультетов физического воспитания пед. институтов.* М., «Просвещение», 1976 г.
3. Правила соревнований по футболу
4. Правила соревнований по теннису





Амалий машғулот № 4. Чим устида хоккей учун майдон

«Чим устида хоккей учун майдон» мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқич, вақт

Фаолият


ўқитувчи

талабалар

1 босқич. Kirish (10 мин)	1.1. Машғулотнинг Тинглайдилар, ёзиб мавзусини, мақсадини, ўкув оладилар топшириқларидан режалаштирилган натижаларни, режа ва хусусиятларини эълон қиласди.	
2 босқич. Билимларни мустаҳкамлаш (20 мин)	2.1 Чим устида хоккей учун майдончаларнинг асосий асосий ўлчамларини айтишни, айтадилар ҳамда шунингдек уларни жиҳозларни жиҳозларини тавсифлашни тавсифлайдилар. Таклиф қиласди. Блиц-сўров ўтказади	Майдончаларнинг ўлчамларини ҳамда тавсифлайдилар.
3 босқич Индивидуал ишлаш (35 мин)	3.1 Топшириқ беради: чим устида хоккей учун майдон чизмасини чизиш	3.1 Чизмаларни амалга оширадилар
4 босқич Якуний (15 мин)	4.1 Машғулотга якун ясади, баҳолайди 4.2 Мустақил таълим учун топшириқ беради: таклиф этилган мавзулардан бири бўйича маъруза тайёрлаб келиш	4.1 Тинглайдилар, топшириқни ёзиб оладилар.

Машғулотнинг ташкилий тузилиши ва режаси

№	Машғулот босқичлари	Вақти
1	Ташкилий босқичи	10 мин
3	Назоратни ўтказиш	40 мин
4	Назоратни қабул қилиш ва баҳолаш	10 мин
5	Кейинги дарснинг мазмунин билан таништириш	5 мин
6	Якуний қисм	5 мин



Амалий машғулот № 5. Теннис ва бадминтон майдони

Амалий машғулот № 6. Очиқ турдаги спорт иншоотлари. Спорт ядроси

Босқич, вақт

Фаолият


ўқитувчи

талабалар

1 босқич. Kirish (10 мин)	1.1. Мавзуни, мақсадини, Тинглайдилар режалаشتырған үқув топшириғи натижаларини, уни ўтказиш хусусиятларини эълон қиласди.	
